

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТА'ЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Рахимов Матназар
Юсупович**

МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ-2
ўқув қўлланма

Тошкент-2003

Аннотация

Ушбу ўқув қўлланмада фирма ва компаниялар молиявий ҳолатини баҳолаш, таҳлил этишнинг мазмуни тўлиқ очиб берилган. Унда, фирма ва компанияларни молиявий ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил этишни муҳим масалалари ўс аксини топган. Уни ўрганиш асосида талабалар мустақил, алоҳида фирма ва компанияларни молиявий аҳволини таҳлил этишни назарий ва амалий асослари бўйича билимга ва малакага эга бўладилар.

Ўқув қўлланма иқтисодий йўналишдаги барча Олий ўқув юртлари магистратура талабалари шунингдек, аспирантлар ва илмий тадқиқотчилар, қизиқувчиларнинг кенг оммаси учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма ТМИ «Молиявий таҳлил» кафедрасининг “___” _____ 2003 йил, ___сон мажлис баённомаси билан нашр қилишга тавсия этилган

«Молиявий таҳлил»
кафедраси мудир:

Ибрагимов А.Т.

Ўқув қўлланма Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгашининг “___” _____ 2003 йил ___сон мажлис баёни мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

**Ректорнинг ўқув ва методик
ишлар бўйича муовин:**

А.Ваҳобов

Тузувчилар:

и.ф.н., доцент М.Ю. Рахимов

Такризчилар:

и.ф.н.,доцент Ш. Ш. Шоякубов
доцент А.А.Абдуганиев

Кириш

Республикамиз иқтисодиётидаги туб ўзгаришларни албатта ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси дейиш мумкин. Бу ўзгаришларни нафақат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳада балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кўриш мумкин. Ана шу қаторда биз, иқтисодий ислохотларга ва улар таъсиридаги ўзгаришларга алоҳида аҳамият қаратишни лозим топдик. Унинг Давлатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги тамойиллардан бири сифатида қаралиши ҳам бежиз эмас.

Бугунги кунда, корхона ва ташкилотларга берилган имкониятлар, уларнинг ўз мақсадларига эришишдаги ҳар қандай суний тўсиқларни бартараф этилиши, эркинлик ва мустақилликни қарор топиши, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда муҳим дастак ҳисобланган иқтисодий таҳлилнинг роли ҳам ошиб бормоқда. Буни нималарда кўриш мумкин? Бугунги иқтисодиёт, режали иқтисодиёт давридан фарқли равишда таҳлилчилар олдига бир қадар мураккаб вазифаларни қўймоқда. Таъминот жараёнидан тортиб корхона молиявий ҳолатига қадар бўлган комплекс жараён қатъий режалаштирилган бир шароитда таҳлилни мазмунини фақат унинг ўзгаришларини ва ўзгариш сабабларини ўрганишдангина иборат дейиш мумкин.

Унинг бугунги мазмунини эса қуйидагича изоҳлаш мумкин. Иқтисодий таҳлил корхона хўжалик молия фаолиятидаги (рўй берган, рўй бераётган ва рўй берадиган) барча жараёнларни, уларнинг самардорлиги ва натижавийлигини ички ва ташки омиллар таъсирида ахбаротларда ифодаланган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда даврий ўрганиш ташкил этади. Яъни бунда, режага нисбатан ўзгаришлар ва ўзгариш сабабларини ўрганиш таҳлилни вазифалар қаторида бир бўғинни ташкил этади ҳалос. Иқтисодий жараён бошлангунга қадар, яъни корхона ўз фаолиятини бошлашдан олдинги (бозорни ўрганиш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориши, рақбатчи ва ҳамкорлар, ишни ташкил этиш жойи, ўрнини белгилаш каби) масалалар ҳам таҳлил объекти ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилнинг объекти ва унинг кўлами, субъектлари ва уларнинг манфаатлари, мазмуни ва вазифалари ўзгарди, услубий асоси такомиллашди, ташкилий асосий қайта қурилди, назарий асоси бойитилди, ҳуқуқий асоси қурилмоқда. Бу ўзгаришлар албатта уни янги асосда тузиш заруриятини юзага чиқармоқда.

Иқтисодий таҳлилни бошқарувнинг муҳим дастаги сифатидаги роли тобора ошиб бормоқда. Бошқарувнинг барча бўғинларида унинг ахбарот манбаларига талаб кучаймоқда.

Иқтисодий таҳлилни бошқарув ва молиявий таҳлил қисмига бўлиниши ҳам унинг такомиллашувидаги бир кўринишдир.

Иқтисодий таҳлилни молиявий қисмига бағишланган ушбу ўқув қўлланмада молиявий таҳлилни объекти, субъектлари, мақсади, мазмуни ва вазифалари аниқ очиб берилган. Молиявий таҳлилни ахбарот манбалари ва уларга қўйиладиган талаблар,

молиявий ҳисобот шакллари ўқиш, горизонтал ва вертикал таҳлил этиш, тренд ва асос таҳлили, молиявий коэффициентлар ва омилли таҳлил этиш, даромад-харажат-натижа алоқадорлиги ва унинг таҳлил этишни услубий асослари, фирма ва компанияларнинг бозор ва иш фаоллигини таҳлил этиш, кредитга қобиллик ва тўлов лаёқатини таҳлили, инвестицион фаолият таҳлили каби масалалар амалий асосда баён этилган.

Молиявий таҳлилни бошқарув таҳлилидан фарқланишини барча жиҳатлари очиқ берилган. Унинг назарий ва услубий асослари муаммоли асосда баён қилинган. Бу эса талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини олиб боришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Муаллиф, ўқув қўлланма юзасидан ўқувчилардан ўз фикр мулоҳозаларини Тошкент Молия институтини “Молиявий таҳлил” кафедрасига ёзиб юборишларини илтимос қилади.

1-боб. Молиявий таҳлил ва унинг ахборотлар тизими

Ўрганиладиган саволлар

- 1.1. Молиявий таҳлилни фан сифтида шаклланиши ва унинг услубий асослари
- 1.2. Бозор иқтисодиёти шароида иқтисодий таҳлилни таркибий қисмлари; Бошқарув ва молиявий таҳлил.
- 1.3. Молиявий таҳлил мақсади, мазмуни ва асосий вазифалари.
- 1.4. Молиявий таҳлил ва унинг субъектлари
- 1.5. Молиявий таҳлил ва унинг ташкил этилиши
- 1.6. Молиявий таҳлилни ахборотлар тизими ва унинг олдида қўйиладиган талаблар
- 1.7. Чет эл фирма ва компанияларида молиявий таҳлил ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги молиявий таҳлил билан мувофиқлиги

Мавзу бўйича таянч иборалар; молиявий таҳлил мақсади, мазмуни, молиявий ҳисобот элементлари, активлар, пассивлар, фойда ва зарарлар, асосий капитал, айланма капитал, пул маблағлари, хусусий капитал, таҳлил субъектлари, таҳлил турлари, таҳлил босқичлари, таҳлил натижаларини расмийлаштириш.

Мавзу бўйича муаммоли саволлар

1. Молиявий таҳлилни назарий муаммолари ва уларни такомиллаштиришни зарурияти нимада?
2. Молиявий таҳлилни ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш зарурияти нимада?
3. Молиявий таҳлилни услубий асослари ва уни такомиллаштириш муаммолари?
4. Молиявий таҳлилни йўлга қўйишни ташкилий муаммоларига нималар киради?
5. Молиявий таҳлил субъектлари ва уларнинг манфаатлар муштараклигидаги муаммолар нимада?
6. Молиявий таҳлилни ахборот манбаларидаги муаммолар ва уларни хал этиш йўллари?
7. Молиявий таҳлил билан бошқарув таҳлил орасидаги аниқ чегара борми?
8. Молиявий таҳлил ва унинг ахборот тизимини халқаро тажрибалари?
9. Чет эл фирма ва компанияларининг молиявий ҳисобот шаклларини таҳлил этишни ўзига хос жиҳатлари нимада?
10. Маълумотларни компьютерда ишлаш ва таҳлил этишни такомиллаштиришни қандай имкониятларини мавжуд?

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар

(1, 3, 4, 5,6, 8, 10, 12, 14, 15, 16, 21, 22, 25, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 39, 40, 41, 45, 50, 51, 53, 54, 61, 62, 65, 67, 66, 70, 71)

1.1. Молиявий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва унинг услубий асослари

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш шароитида турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг хўжалик молия фаолиятини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки мустақил мамлакатимизнинг ҳисоб тизимини тўғри йўлга қўйиш, шунингдек, иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларни макро ва микро жиҳатдан таҳлили, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ривожининг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш-тижорат ва молия фаолиятини таҳлил этиш асосида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислохатлар, иқтисодиётимизда рўй бераётган ўзгаришларнинг алоҳида олинган корхоналар мисолидаги ҳолатига баҳо бериш ва шу асосда тармоқ, ҳудуд ва мамлакат иқтисодининг раванакини ҳам белгилаш мумкин бўлади.

Иқтисодий таҳлилни режали иқтисодиёт давридан бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги ўзгаришларини бир сўз билан баён қилишни имкони йўқ. Бу ўзгаришларни иқтисодий таҳлилни нафақат унинг назарий асосларида балки, услубий, ташкилий, ҳуқуқий, амалий асосларида ҳам кўриш мумкин. Иқтисодий таҳлил, нафақат фирма ва компаниялар бошқарувининг муҳим воситаси, балки бозор иқтисодиётининг муҳим дастакларидан бири сифатида шаклланмоқда.

Аниқ фанлар қаторига кирувчи бухгалтерия ҳисобининг фан сифатида шаклланганлигига 5 асрдан ошди (агарда Лука Почалинининг 1494-йилда икки ёқлама ёзув усулига асос солинган¹ китобини нашр этилиши билан белгиласак). Аудит фанининг ташкил топганлигига 2 асрдан ошди.

Иқтисодий таҳлилни фан сифатида шаклланганлигига эса эндигина бир асрдан ошди. Лекин шунга қарамай у ўзининг бой тарихига эга. Ушбу фан, дастлаб балансшунослик, кейинчалик балансни талқини, балансни таҳлили, ҳисоботлар таҳлили, иқтисодий таҳлил, социал-иқтисодий таҳлил, хўжалик фаолияти таҳлили деб номланди. Бугунга келиб эса бошқарув ва молиявий таҳлилга бўлинган ҳолда юритилмоқда.

Иқтисодий таҳлил фан сифатида Республикамизда ўқитила бошланганлигидан бўён эндигина 40 йилга яқин вақт ўтди. XX-асрнинг 90 йиллари ўрталарига келибгина у ўзининг ривожланиш, такомиллашиш босқичига кирди.

Фан – фан бўлиши учун у ўзининг аниқ объектига ва шу объектни ўрганишни воситаларига, усулларига эга бўлмоғи лозим. Молиявий таҳлил фани ҳам ўзининг объектига ва уни ўрганишнинг услубий асосига эга. Худди шу ҳолат унинг фан сифатида ўқув дастурларига киритилишига, назарий асосини яратилишига, амалиётда ташкил этилишига, ҳуқуқий ва ташкилий асосларининг вужудга келишига зарурият туғдирди.

¹ Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Сам.; Зарафшон, 2001 й.

Амалиётнинг илгарилаб кетиши билан XX асрнинг сўнги 10 йиллиги унинг Ўзбекистонда фан сифатида шаклланишига ва ички ва ташқи бошқарувчиларнинг муҳим дастагига айланишига замин яратди.

Молиявий таҳлилнинг предмети (объекти) деб - фирма ва компанияларни молиявий ҳолатини якуний ҳисобот шаклларида ифодаланган ахборотларга таянган ҳолда кўрсаткичлар асосида, ички ва ташқи омилларга боғлиқ равишда даврий ўрганишга айтилади.

Молиявий таҳлил фанининг методи, услубий асосини фирма ва компаниялар молиявий ҳолатини ўрганишда қўлланиладиган усуллар мажмуаси ташкил этади. Бу усуллар мажмуасига молиявий ҳисоботларни “ўқиш”, “горизонтал таҳлил этиш”, “вертикал таҳлил этиш”, “асос (тренд) таҳлили”, “омилли таҳлил”, “молиявий коэффициентлар” усуллари киради.

1.2. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилни таркибий қисмлари; Бошқарув ва молиявий таҳлил

Иқтисодий таҳлилни ўзининг турли таснифий белгиларига мувофиқ таркибланиши белгиланган. Жумладан; ҳисоб тизимини ташкил этишдаги ҳолат, ўрганиладиган объектларни фарқланиши уни бошқарув ва молиявий таҳлилга таркибланиши характерлайди.

Бошқарув таҳлили ва молиявий таҳлил, улар орасида аниқ чегара мавжудми, улар қандай фарқланади, аниқ таснифий белгилари мавжудми? Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида қатор олимларнинг фикр мулохозаларига таянишни лозим деб топдик.

Чет эл адабиётларини кузатиш натижасида шуни таснифлаш мумкинки, бошқарув таҳлили, алоҳида фан сифатида шаклланмаган. Унинг бирлик элементлари, хизмат функциялари бошқарув ҳисоби хизматини ичида бажарилади. Молиявий таҳлил эса алоҳида фан сифатида шаклланган.

Бу бир жиҳатдан тўғри ҳам ҳисобланади. Негаки бошқарув таҳлили ва бошқарув ҳисоби маълумотларини сир сақланиши ҳам, уларни алоҳида юритишни талаб этмайди.

Бошқарув таҳлили бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан ички имкониятларни аниқлашнинг аниқ масалларини ўз ичига олади. Унда корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти юзасидан режа топшириқларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳолати, имкониятлар ва уларни мақсадли бошқаришдаги муҳим йўналишлар белгиланади.

Бошқарув ва молиявий таҳлил юзасидан олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд.


Масалан; М.Қ.Пардаев томонидан бошқарув таҳлилига қуйидагича таъриф берилди. “Бошқарув таҳлили-корхона раҳбарияти, эгаси ва мутахассислари томонидан ички имкониятларни ишга солиш ва самарадорликни ошириш мақсадида қилинадиган таҳлилдир”

“Молиявий таҳлил-хўжалик юритувчи субъект молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини ўрганишга бағишланган таҳлилдир”²

Бошқарув таҳлили ва унинг объектлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотни 1.1.-чизмадан билиб олиш мумкин.

² Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Сам.; Зарафшон, 2001 й., 183-бет


Бошқарув таҳлили ва унинг объектлари



Молиявий таҳлил - молиявий ҳисобот маълумотлари асосида фирма ва компанияларнинг молиявий ҳолатига иқтисодий ташхис қўйишни тавсифлайди. Молиявий таҳлилда фирма ва компаниялар мулки, капитали ва мажбуриятларининг ҳолатига, фаолият натижавийлигига, асосий ва айланма капитал ҳолатига ва самарадорлигига, пул маблағлари ва хусусий маблағларнинг ҳолатига баҳо берилади.

Молиявий таҳлилда ўрганиладиган масалаларни қуйидаги 1.2.-чизмадан кўриб чиқиш мумкин.

Молиявий таҳлил ва унинг объектлари



Молиявий таҳлил асосида фирма ва компанияларнинг молиявий аҳволидан тўла воқиф бўлинади. Бу эса уларнинг бошқарувида муҳим масала ҳисобланади. Таҳлил натижаларидан нафақат ички балки, ташқи фойдаланувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Негаки молиявий ҳисобот ва молиявий таҳлил натижаларида сир сақланадиган, яъни бировнинг зарари ҳисобига бошқа бировнинг наф кўриши мумкин бўлган ахборотлар кузатилмайди. Шу сабабли, молиявий таҳлилнинг кўплаб субъектларини таркибланиш мумкин.

Бошқарув ва молиявий таҳлил орасидаги фарқни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида аниқ баён этиш мумкин.

Бошқарув ва молиявий таҳлил

Фарқлаш белгиси	Бошқарув таҳлили	Молиявий таҳлил
1	2	3
1.Объекти бўйича	Фирма ва компания бошқарувини қўйи бўғинларини	Фирма ва компаниянинг молиявий ҳолати
2.Субъекти бўйича	Фирма ва компаниянинг ўз ходимлари	Фирма ва компанияларнинг ўз ходимлари ҳамда учинчи шахслар(ташқи субъектлар)
3.Тартибга солиниши	Фирма ва компаниялар ички Низом, қоидалари асосида	Умумий Низом, қоидалар асосида тартибга солинади
4.Мақсади	Фаолиятни қўйи бўғинлари самарадорлиги юзасидан ички имкониятларни аниқлаш ва йўлга қўйишдан	Корхонанинг молиявий ахволининг иқтисодий рейтинги ва уни башоратлашдан
5.Маълумот истеъмолчилари	Фақат, шу фирма, компания бошқаруви ходимлари, хизматчилари	Фирма ва компанияларни ўз ходимлари ва ташқи таҳлил субъектлари
6.Усуллари бўйича	Иқтисодий таҳлилни оддий ва иқтисодий математик усуллари	Оддий, иқтисодий математик усуллар ҳамда, молиявий таҳлилни индивидуал усуллари
7.Маълумотларни олиш шакли бўйича	Маълумотларни олишни исталган шаклида (оғзаки, ёзма, ҳисобот шаклида, телефон орқали, маъруза ёки нутқ шаклида ва х.к.	Молиявий ҳисобот шакллари асосида
3.Таҳлил натижаларини ошкор этилиши	Сир сақланади	Ошкор этилади
9.Мазмуни бўйича	Бошқарувни, фаолият, ҳаракатнинг ҳар битта бўғини, ресурсларнинг ҳар битта тури, жараёнларнинг ҳар биттаси бўйича маълумотлар билан таъминлаши билан фарқ этади	Бошқарувни, фирма ва компаниялар фаолиятининг муайян даврга бўлган умумлашган маълумотларини таҳлил этиш асосида манбалаши билан фарқ этади
10. Вазифалари бўйича	Вазифаларни ҳал этилиши фақат шу корхона бошқарув ходимлари учун хизмат қилади.	Вазифаларни ҳал этилиши ҳам ички, ҳам ташқи таҳлил субъектлари учун хизмат қилади

1.3. Молиявий таҳлил мақсади, мазмуни ва асосий вазифалари

Молиявий таҳлил ўрганиладиган масалаларнинг кўлами, мақсади, мазмуни ва вазифалари билан тубдан фарқ этади. Молиявий таҳлил мақсади - фирма ва компаниялар молиявий ҳолатини, молиявий ҳисобот маълумотларида ифодаланган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда баҳолашга айтилади.

Молиявий таҳлил мазмунини;

- фирма ва компаниялар мулки, капитали ва мажбуриятларини, уларнинг ўзгаришларини таҳлил этиш;

- фирма ва компаниялар молиявий натижавийлиги ва рентабеллигини баҳолаш;

- асосий ва оборот капитали ҳолати, ҳаракати, самарадорлигини таҳлил этиш;

- пул маблағлари ва молиявий қўйилмаларни таҳлил этиш;

- хусусий маблағлар ва уларнинг ўзгаришини таҳлил этиш;

- фирма ва компанияларнинг иқтисодий ва молиявий салоҳияти, меҳнат салоҳиятини таҳлил этиш;

- фирма ва компанияларни тўловга қобиллиги ва маблағлар ҳаракатчанлигини таҳлил этиш;

- фирма ва компаниялар бозор активлиги ва иш активлигини таҳлил этиш;

- фирма ва компаниялар молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ночорлигини таҳлил этиш каби масалалар ташкил этади.

Молиявий таҳлил олдига қўйиладиган вазифалар;

- фирма ва компаниялар фаолиятига тўғри ва холисона баҳо бериш;

- ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятга жалб қилинган барча мулк ва маблағлардан самарали фойдаланишнинг ҳолатини аниқлаш;

- фирма ва компания фаолиятининг натижаси ва унинг молиявий ахволига баҳо бериш;

- фирма ва компанияларнинг бозордаги ўрни ва унинг иқтисодий рейтингини баҳолаш;

- иқтисодий ҳаракатда мақсадга эришиш юзасидан ички имкониятларни топиш ва уларни йўлга қўйишни чора-тадбирларини белгилаб олишдан иборатдир.

1.4. Молиявий таҳлил ва унинг субъектлари

Молиявий таҳлил субъектларига таҳлилчиларнинг кенг қамровли гуруҳи киритилади. Уларни шартли равишда ички ва ташқи субъектларга бўлиш мумкин. Ички таҳлил субъектларига фақат шу фирма, компания ходимлари кирса, ташқи субъектларга таъсисчилар, солиқ органлари ходимлари, аудиторлар, юқори ташкилот ва вазирликлар, харидор ва буюртмачилар, мол етказиб берувчилар, суғурта агентликлари, реклама агентлари, банк ходимлари ва бошқа шахслар кириши мумкин.

Таҳлил субъектларинининг манфаатлари албатта бир биридан кескин фарқ қилади. Масалан; таъсисчилар кўпроқ фирма ва компанияларнинг фойдаси билан, солиқ идоралари кўпроқ ”даромад-харажат-натижа”лар алоқадорлиги таҳлилидан, кредит инспекторлари ва банк ходимлари; фирма ва компанияларнинг кредитга лаёқатлиги ва молиявий барқарорлиги билан, мол етказиб берувчилар; фирма ва компаниянинг тўлов лаёқатини ўрганишдан, таҳлил этишдан манфаатдорлар.

Молиявий таҳлил ва уларнинг манфаатлар муштараклигини қуйидаги 1.2.-жадвал маълумотларидан кўриб чиқиш мумкин.

Молиявий таҳлил субъектлари ва уларнинг манфатлари

т/р	Молиявий таҳлил субъектлари	Субъектлар манфатлари
1	2	3
1.	Корхона ходимлари	Фирма ва компаниянинг молиявий натижавийлиги ва молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни билишдан
2.	Тасисчилар	Фирма, компанияга қўйилган ва қўйиладиган маблағларнинг фойдалигидан
3.	Аудиторлар	Эълон қилинадиган ҳисобот шаклларини тўғрилигини ҳуқуқий тамойиллар асосида баҳолаш ва фирма, компаниялар молиявий ҳолатини яхшилашни ички имкониятларини кўрсатиб беришдан, мулк эгалари манфаатларини ҳимоя этишдан
4.	Юқори ташкилотлар	Банд қилинган моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини ва самарадорлигини ўрганишдан
5.	Солиқ идоралари	Мажбурий тўловлар, солиқлар ва ажратмаларни ундириш юзасидан ресурслар ҳолати, ҳаракатини ва фаолият натижавийлигини ўрганишдан
6.	Суғурта агентликлари	Фирма, компания мулкани турли тахликалардан ҳимоя қилиш, сақланиши юзасидан маълумотларни ўрганишдан
7.	Мол етказиб берувчилар	Шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш, томонларнинг ўз мажбуриятларини бажариши, тўлов интизомига риоя қилиш, тўловга қобилликни ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўрганишдан
8.	Харидор ва буюртмачилар	Таъминотдаги узилишларга йўл қўймаслик юзасидан фирма ва компанияларнинг молиявий ва иқтисодий салоҳиятнинг таянчи тўғрисидаги маълумотлардан

1.5. Молиявий таҳлил ва унинг ташкил этилиши

Молиявий таҳлилни ташкил этилишида ички ва ташқи таҳлил турларини ташкил этилишига аҳамият бериш лозим.

Ички молиявий таҳлил шу фирма, компания ходимлари томонидан ташкил этилса, ташқи таҳлил фирма, компания фаолияти билан қизиқувчи учинчи шахслар томонидан ташкил этилади.

Молиявий таҳлил функциясини аълоҳида таҳлил хизмат бўлимини очиш орқали, ёлланган таҳлилчидан фойдаланиш ёки алоҳида ходимга юклаш орқали бажарилиши, мулк эгаси томонидан мустақил юритилиши каби ташкилий шакллари ажратиш мумкин.

Ташқи таҳлилчилар томонидан ўтказиладиган таҳлил таҳлил натижаларидан манфатдор ташкилотлар ва ходимлар томонидан мустақил ёки шартномавий асосда ташкил этилиши мумкин.

Таҳлилни ташкил этиш босқичларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Таҳлил мақсадини белгилаш ва унинг режасини тузиш;
2. Таҳлил юзасидан зарур бўлган маълумотларни йиғиш, уларни саралаш, кўрсаткичлар ҳолатига келтириш, аналитик жадваллар тузиш;
3. Таҳлилни ўтказиш;
4. Таҳлил натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва чора тадбирларни белгилаш.

И.ф.д. профессор М.Қ.Пардаев томонидан молиявий таҳлилни 3 та босқични, яъни; таҳлил мақсадини аниқлаш ва унга ёндашиш йўллари белгилаш; таҳлил учун тақдим қилинадиган ахбаротлар сифатига баҳо бериш; таҳлилни усулларидан фойдаланган ҳолда таҳлил ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш босқичлари ...

Ушбу таркибларни ҳам тўғри дейиш мумкин. Лекин унда таҳлилни бирлик босқичлари умумлаштирилган тарзда ифода этилган.

Таҳлил босқичларини 3 та, 4 та, 5 та, 7, 9, 12 та босқичдан иборат қилиб белгилаш ҳам мумкин. Улар бир-биридан мазмун жиҳатдан фарқланмайди. Бирлик ифодаларни алоҳида босқич қилиб белгиланишигина уларни қаторини кенгайтирган ҳалос. Ўқувчи турли адабиётларни ўрганиш асосида нотўғри хулосага келмаслиги лозим. Негаки улар мазмун жиҳатдан айнан битта нарсани ифода этади.

³ М.Қ.Пардаев Молиявий таҳлил. Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 й. 11-бет

1.6. Молиявий таҳлилни ахборотлар тизими ва унинг олдига қўйиладиган талаблар

Таҳлил натижалари ва унинг сифати кўп жиҳатдан унинг ахборотлар манбайи билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Биз иқтисодий таҳлилни ахборотлар тизимига қуйидаги манбаларни киритамиз;

Ҳисоб маълумотлари;

Ҳисобдан ташқари маълумотлар.

Ҳисоб маълумотларига; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари киритилади.

Ҳисобдан ташқари маълумотларга; текшириш натижалари, йиғилиш қарорлари, режа маълумотлари, турли катологлар, нашрлар, статистик бюлетенлардан олинган маълумотлар киради.

Иқтисодий таҳлилни таркибий қисми бўлган молиявий ва бошқарув таҳлиliga нисбатан юқоридаги таркиблани бериб ўтиш эса иқтисодий жиҳатдан тўғри бўлмайди.

Негаки, бошқарув таҳлилини ахборот манбалари молиявий таҳлилни ахборот манбаларидан ўзининг ифода этилиши, мазмуни, кўлами, расмийлаштириш тартиби, олиш тартиблари ва бошқа белгилари бўйича фарқ этади.

Молиявий таҳлил и.ф.д. проф. М.Қ.Пардаев томонидан молиявий таҳлилни қуйидаги ахборот манбалари таркибланади;

1. Ташқи молиявий таҳлил-бухгалтерия ҳисоботи асосида;

2. Ички молиявий таҳлил-бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда тезкор ҳисоботлар асосида.⁴

Проф. Абдукаримов И.Т. томонидан молиявий таҳлилни ахборот манбаларига қуйидагилар киритилади;

1. бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи;

2. статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари;

3. оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари;

4. Танлаб олинган ҳисобот ...

Проф. М.Қ.Пардаев томонидан молиявий таҳлилни ички ва ташқи таҳлил турларига нисбатан таркибланган ахборот манбалари тўғри белгиланган. Негаки, унинг истеъмолчилари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил олиб бориш учун зарурий бўлган ахборотлар тўғри ифода этилган.

Проф. АИ.Т.Абдукаримов томонидан таркибланган гуруҳлаш эса иқтисодий таҳлилни ўзи учун ахамиятли унинг молиявий таҳлили юзасидан ўринли эмас. Негаки статистик ҳисоб ва ҳисобот, оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, танланган маълумотларни таркибланиши молиявий таҳлилга нисбатан тўғри эмас.

Юқоридаги қарашларга қарама қарши тарзда биз молиявий таҳлилни ахборотлар базасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин;

1. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот малумотлари;

⁴ М.Қ.Пардаев Молиявий таҳлил. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 й. 9-бет

⁵ Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т.;Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси.1999 й. 6-бет

2. Танлаб олинган маълумотлар (молиявий ҳисоботга иловалар, ҳисоб варақалари бўйича маълумотлар ва ҳ.к.)

Молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига иқтисодий жараёнларни ўзида ифода этувчи умумлашган маълумотлар киради. Ушбу ахборотлар молиявий ҳисобот шаклларида акс этади.

Демак, хулоса қилишимиз мумкинки, ташқи молиявий таҳлил фақат эълон қилинадиган молиявий ҳисобот шаклларидаги ахборотлар асосида ўтказилади. Ташқи молиявий таҳлил молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, танлаб олинган маълумотлар асосида ташкил этилади.

Молиявий ҳисобот шаклларига;

1-шакл "Бухгалтерия баланси"

2-шакл "Молиявий натижалар тўғрисидаги" ҳисобот

3-шакл "Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги" ҳисобот

4-шакл "Пул оқимлари тўғрисидаги" ҳисобот

5-шакл "Хусусий капитал" тўғрисидаги ҳисобот

-маълумотномалар (2-А, 2-Б,...) ва молиявий ҳисоботга иловалар.

Молиявий таҳлилни ахборотлар базасига қўйиладиган талабларга куйидагилар киради. Яъни; ахборотлар ишончлиги, таққосланувчанлиги, бетарафлиги, пулда баҳоланиши, узлуксизлиги, ҳисобга олиниш, ҳисоб-китобларда хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслиги, даромад ва харажатлар, активлар ва пассивлар тўғри баҳоланганлигидир. Бу талаблар молиявий ҳисоб ва ҳисоботлашнинг концептуал асосларида ҳам белгиланади.

Маълумотларни мантиқий текширишда, ҳисоб-китобларни аниқлиги, рақамларни бўйб ёзишларга йўл қўйилмаганлиги, турли ҳисобот шаклларидаги назорат рақамларининг мослигига аҳамият бериш лозим.

1.7. Чет эл фирма ва компанияларида молиявий таҳлил ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги молиявий таҳлил билан мувофиқлиги

Молиявий таҳлилни усулубий асосларини таққослаш якунида шундай хулосага келиш мумкинки хорижий фирма ва компаниялар молиявий ҳисоботлари таҳлили билан Ўзбекистонда амал этилаётган услубий асосларда кескин фарқланишлар кузатилмайди. Фарқланишни сезиш мумкин фақат бирлик кўрсаткичларда. Масалан; фирма ва компаниялар фойдалигига баҳо беришда, бизнинг амалиётда рентабелликни 63 та тури аниқланса, Италияда унинг 74 та, Японияда эса 56 та тури аниқланади. Бу ҳолат битта кўрсаткични баҳолашга нисбатан зарурий бирликми? Албатта унинг мазмуни тушиниш қийин эмас. Негаки битта бухгалтерия баланси асосида корхона активлари ва пасивларига нисбатан 55 та рентабеллик турини аниқлаш мумкин. Фирма, компания фойдасида барча бирликлар таъсирини мавжуд деб оладиган бўлсак, бу таркиб тўғри ҳисобланади.

Тўлов лаёқати, молиявий барқарорликни аниқлаш кўрсаткичлари бўйича, асосий воситалар ҳолати ва ҳаракати кўрсаткичларида ҳам худди шундай фарқланишларни сезиш мумкин.

Молиявий ҳисоботларни тузиш қойидаларини, молиявий ҳисобот шакллариининг мазмуниининг бир хиллиги албатта молиявий таҳлилдаги мазмунни ҳам бир хилликда бўлишини тавсифлайди.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва улар асосида миллий стандартларни тузилишида ҳам шу заруриятни сезиш мумкин.

Молиявий таҳлил юзасидан ўхшашлик албатта бошқарув таҳлили бўйича ҳам бир хиллик мавжуд деган хулосага олиб келмайди. Бошқарув таҳлили юзасидан давлатлар ўртасида турлича фарқланишларни сезиш мумкин.

Бошқарув таҳлили ёки ишлаб чиқариш таҳлили, бошқарув ҳисоби ва ҳисоботининг таркибий қисми сифатида амал этадиган хорижий амалиётдан, алоҳида тур сифатида олиниши ўзининг ташкилий, услубий, амалий асослари бўйича фарқ этади.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Молиявий таҳлилни ахборот манбаларига нималар киради?
2. Молиявий таҳлил ахборот манбаларига қўйиладиган талабларни тушунтиринг?
3. Молиявий таҳлилни ахборот манбаларини дастлабки текшириш таҳлилда қандай рол тутди?
4. Молиявий таҳлил объектига нималар киради?
5. Молиявий таҳлил субъектлари ва уларнинг манфаатлари?
6. Молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумот манбаларига қўйиладиган бетарафлик қондасини мазмунини тушунтиринг?
7. Молиявий таҳлил фирма ва компанияларда қандай ташкил этилади?
8. Молиявий таҳлилни усулбуй асосларига нималар киради?
9. Молиявий таҳлил олдида қўйиладиган вазифаларни тушунтиринг?
10. Молиявий ва бошқарув таҳлилни фарқлаб беринг?
11. Молиявий таҳлилни ўтказиш босқичларини тушунтиринг?
12. Молиявий таҳлил натижаларининг умумлаштирилиши қандай амалга оширилади?
13. Молиявий таҳлилни назарий, усулбуй, ҳуқуқий манбаларини такомиллаштиришнинг заруриятини тушунтириб беринг?
14. Молиявий таҳлил тамойилларини изоҳлаб беринг?
15. Молиявий таҳлилдаги ошқоралик ва бошқарув таҳлилида сир сақланиш қоидалари мазмуни тушунтиринг?
16. Молиявий таҳлил билан молиявий менежментни фарқланг?

2-боб. Бухгалтерия балансини горизонтал, вертикал ва трендли таҳлили

Ўрганиладиган саволлар

- 2.1. Бухгалтерия балансини ўқиш ва таҳлил қилиш орқали фирма ва компаниялар молиявий ҳолатига баҳо беришни мазмуни
- 2.2. Бухгалтерия балансини горизонтал ва вертикал таҳлили
- 2.3. Фирма ва компанияларни мулк, капитали ва мажбуриятларини молиявий коэффициентлардаги баҳоланиши.
- 2.4. Бухгалтерия балансини тренд таҳлили
- 2.5. Фирма ва компаниялар активлари ва пасивларини таҳлили
- 2.6. Узоқ муддатли активлар, захира ва харажатларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланишини таҳлили
- 2.7. Лизинг ҳисобига олинган маблағлар таҳлили
- 2.8. Фирма ва компаниялар балансини рейтинг баҳолаш ва молиявий таҳлилнинг якуний хулосаларини расмийлаштириш тартиби.

Мавзу бўйича таянч иборалар; бухгалтерия баланси, узоқ муддатли активлар, жойий активлар, ўз маблағлари манбайи, мажбуриятлар, балансини ўқиш, горизонтал таҳлил, теренд таҳлили, молиявий коэффициентлар, лизинг операциялари таҳлили, омилли таҳлил.

Мавзу бўйича муаммоли саволлар

1. Бухгалтерия балансини ўқиш, горизонтал ва молиявий таҳлил этиш фирма ва компаниялар молиявий ҳолатига тўлиқ баҳо беришга имконини берадими?
2. Бухгалтерия балансини ўрганиш, таҳлил этиш асосида олинган натижалар, бўлиб ўтган жароёнларнинг ютуғи ёки камчиликларини билишга имкон беради. Бунда биз таҳлил натижаларидан қандай манфаат кўрамиз?
3. Бухгалтерия баланси маълумотлари фирма, компания молиявий ҳолатини, унинг натижавийлигини тўлиқ ифода этадими?
4. Бухгалтерия баланси маълумотлари асосида қандай молиявий коэффициентларни аниқлаш мумкин ва улар бизга нима беради?
5. Бухгалтерия баланси бўйича активлар ва пасивларни баҳолашда қандай камчиликлар мавжуд, уларни қандай ҳал этиш мумкин?
6. Бухгалтерия балансини шакли ва тузилиши бўйича, чет эл корхоналари бухгалтерия балансида қандай фарқланишларни сезиш мумкин (активлар, пасивлар жойлашуви, баҳоланиши, акс эттирилиши бўйича)?
7. Фирма, компаниялар иқтисодий рейтингини аниқлашда бухгалтерия баланси асосида аниқланадиган қайси кўрсаткичларни ҳолатига таянилади?

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

(1, 2, 3, 4, 7, 8, 10, 13, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 22, 23, 26, 27, 29, 31, 35, 37, 39, 43, 44, 45, 47, 48, 50, 51, 52, 55, 56, 59, 60, 61, 62, 68, 69, 72, 73)

2.1. Бухгалтерия балансини ўқиш ва таҳлил қилиш орқали фирма ва компаниялар молиявий ҳолатига баҳо беришни мазмуни

Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт бир томондан жаҳон иқтисодига таянса, иккинчи томондан ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари билан фарқ этади. Турли мулкчиликга асосланган иқтисод, бозор муносабатларига таянган ҳолда олиб борилаётган ислохотлар негизда албатта жамият фаровонлиги ва тула тўқислигига эришиш мақсади ётади. Шу мақсад муштараклигида ижтимоий ва индивидуал ҳаракатга куч, мадад бурувчи ҳамда, уни тартибга солувчи муҳим иқтисодий дастакларни, унсурларни ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланишни талаб этилади.

Иқтисодиётни бошқаришда энг муҳим дастаклардан бири микродаржадаги, корхоналар хўжалик-молия фаолиятини таҳлилидир.

Иқтисодий таҳлил фан сифатида шаклланига 1 асрдан ошди. Шу жумладан; унинг Ўзбекистонда шаклланиши урушдан кейинги йилларга тўғри келади. Ушбу фан, турли даврларда турлича номлар билан номланди. И.ф.д. проф. Пардаев М.Қ томонидан унинг қуйидаги шажараси бериб ўтилади.⁶

«Балансшунослик», «Баланс талқини», «Балансни таҳлили», «Ҳисобот таҳлили», «Иқтисодий таҳлил», «Социал-иқтисодий таҳлил», «Хўжалик фаолиятини таҳлили (Иқтисодий таҳлил)»

Муаллифни ушбу адабиётида таҳлил фанининг сўнги ўзгаришлари ўз аксини топмаган. Бугун айтиш мумкинки, бухгалтерия ҳисоби иккита қисмдан иборатлиги белгиланган. Яъни; бошқарув (ишлаб чиқариш) ҳисоби ва молиявий ҳисоб. Худди шу таркибланиш таҳлил фанининг ҳам қайта шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Унга кўра иқтисодий таҳлил бошқарув (ишлаб чиқариш) таҳлили ва молиявий таҳлилга бўлиниши лозим.

Шу аснода, иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабаларни ўқув графига бакалаврият йўналиши бўйича «Молиявий ва бошқарув таҳлили», магистратура талабалари учун «Молиявий таҳлил» фанлари киритилган.

Хўжалик фаолиятини таҳлили, иқтисодий таҳлил бугунги кунда «Молиявий таҳлил» ва «Бошқарув таҳлили» сифатида қайта таркибланиши бир жиҳатдан тўғридек. Лекин унинг бошқа жиҳатига аҳамият бериш лозим. Чет эл адабиётларини кузатишдан шундай хулосага келиш мумкинки, улар орасида бир хиллик ва фарқланишни сезиш мумкин. “Молиявий таҳлил” фанида бу ўхшашлик мавжуд. Лекин “Бошқарув таҳлили” да фарқланиш мавжуд. Негаки, бошқарув таҳлили бошқарув ҳисобини ичида ўқилади. Шунини ҳисобга оладиган бўлсак хориж давлатлар ёки иқтисоди ривожланган давлатларда бошқарув таҳлили алоҳида фан сифатида шаклланмаган.

Фаннинг номи ёки унинг ўрганиш объектидаги ўзгаришлар албатта унинг мазмунига ёки хизмат вазифаларини белгилашга таъсир этмайди. Молиявий таҳлилни Ўзбекистонда алоҳида фан сифатида шаклланишига зарурий жиҳатдан барча фарт

⁶ М.Қ.Пардаев «Иқтисодий таҳлиол назарияси» Самарканд «Зарафшон» нашриёти, 2001 йил, 32-бет

шароитлар шаклланди дейиш мумкин. Бу заруриятни унинг назарий манбаларида ҳам, ҳуқуқий ва услубий, ташкилий асосларида, илмий асосларида ҳам кўриш мумкин

Назарий асослари бўйича етарлича манбага эга бўлинди. Ўзбек, рус тилларида чоп этилган Пардаев М.Қ., Исроилов Б.нинг «Молиявий таҳлил»⁷, «Иқтисодий таҳлил»⁸, «Молиявий таҳлил методологияси»⁹, Вахобов А., Иброҳимов А.Т. ни «Молиявий таҳлил»¹⁰, Ибрагимов А.Т. ни «Иқтисодий таҳлил»¹¹, Абдукаримовни И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари»¹², «Как читать и анализировать финансовую отчетность», Волжин И., Эргешбоев В.П. ни «Молиявий таҳлил»¹³. Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Шунингдек, рус муаллифлари Ковалев В.В. «Финансовый анализ»¹⁴, Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. нинг «Методика финансового анализа»¹⁵, Петров В.В., Кавалев В.В. ни «Как читать баланс»¹⁶ китоблари ҳам молиявий таҳлил фанининг фан сифатида тўла шаклланганлигини тавсифлаш мумкин.

Бугунги кунда молиявий таҳлилни назарий асоси ниҳоятда бой ҳолатда. Бу жиҳат ўзгаришларни молиявий таҳлилни ташкил этилиши, ҳуқуқий ва услубий асосларида ҳам изохлаб ўтиш мумкин.

Молиявий таҳлил ўз ичига таҳлилни қайси кўламини олиши юзасидан олимлар ўртасида ҳалигача аниқ тўхтаб йўқ. Унинг объектига, корхона молиявий ҳисоботининг барча элементлари киритиладими ёки унинг умумлашган маълумотларигина киритиладими?

Хозирги манбаларга таянган ҳолда молиявий таҳлилни объектига молиявий ҳисобот шакллари асосида ўрганиладиган ушбу ўқув қўлланмада таркибланган боб ва мавзуларни киритиш мумкин. Бу мавзулар сони ҳам «Молиявий таҳлил» фани бўйича нашр этилган адабиётларда фарқ этади. Жумладан; М.Қ. Пардаев ўзининг «Молиявий таҳлил»¹⁷ ўқув қўлланмасида уни 3 та қисм ва 23 та ўрганиладиган саволга бўлиб беради. Вахобов А., Ибрагимов А.Т. ўзининг «Молиявий таҳлил»¹⁸ китобида 8 та боб ва 57 та ўрганиладиган саволни, Волжин И.О. ва Эргашбаев В.П. ни «Молиявий таҳлил»¹⁹ китобида эса 2 та қисм ва 22 та ўрганиладиган саволдан иборат либ кўрсатилади (қайсидир адабиётда уларни сони 8 та, рус тилида нашр этилган адабиётларда эса ундан ҳам кўп мавзулар бериб ўтилади).

Фирма ва компаниялар молиявий ҳолатига баҳо беришда асосий манбалардан бир бу бухгалтерия балансидир. Бухгалтерия баланси ўзининг тузилиши, шакли ва кўрсаткичлар таркибланиши билан хорижий давлатлар бухгалтерия балансларидан

⁷ Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й.

⁸ Пардаев М.Қ., Иқтисодий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2001 й.

⁹ Пардаев М.Қ. Молиявий таҳлил методологияси. Сам. 1998 й.

¹⁰ Вахобов А., Ибрагимов А. Молиявий таҳлил. Т.: Мехнат 1995 й.

¹¹ Ибрагимов А. (хаммуаллифликда) Иқтисодий таҳлил. Т.: Мехнат, 2001 й.

¹² Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998 й.

¹³ Волжин И.О., Эргашбаев В.П. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998 й.

¹⁴ Ковалев В.В. «Финансовый анализ» М.: Финанси и статистика 1993 г.

¹⁵ Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа М.: ИНФРА-М 1996 г.

¹⁶ Патров В.В., Ковалев В.В. Как читать баланс. М.: Финансы и статистика, 1993 г.

¹⁷ Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й.

¹⁸ Вахобов А., Ибрагимов А. Молиявий таҳлил. Т.: Шарқ 2002 й.

¹⁹ Волжин И.О., Эргашбаев В.П. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998 й.

кескин фарқ этмайди. Бу фаркланишни йўқлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- Бухгалтерия балансини – халқаро бизнес тилида тузилиши билан;
- Активлар, капитал ва мажбуриятлар тенгилигини сақланиши билан;
- Мазмун жиҳатдан бир хилликка асосланиши;
- Фойдаланувчилар манфаатларини тўқнаш келмаслиги ва билан ва бошқа жиҳатлар билан.

Молиявий ҳисоботни “ўқиш”га ҳам олимлар томонидан турлича тавсифлар берилади. Молиявий ҳисоботни “ўқиш”ни мазмунини нима ташкил этади. Бизнингча молиявий ҳисоботни ўқиш деганда кўрсаткичларни арифметик ҳисоб-китобларсиз уни мантикий тавсифланади.

«Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари»²⁰ деб номланган И.Т. Абдукаримовнинг адабиётида ҳам китобнинг номида «ўқиш» сўзи ишлатилади лекин унга тавсиф берилмайди. Патров В.В., Ковалев В.В.ни «Как читат баланс»²¹ адабиётида ҳам молиявий ҳисоботни «ўқиш»га тавсиф берилмаган. Яъни «ўқиш», таҳлил қилишни бир усули сифатида баёнланади. Тўғри, «ўқиш» таҳлил қилишни усули ҳисобланади. Лекин унинг тавсифи, бошқа усуллардан фарқ этадиган жиҳати бўлмоғи лозимку. М.Қ. Пардаевни «Молиявий таҳлил»²² китобида эса молиявий таҳлил усуллари, молиявий таҳлилни асосий шакллари деб номланиб унинг қаторида «ўқиш» усули келтирилмайди.

Бухгалтерия балансини ўқиш ва таҳлил этиш мазмунини қуйидагилар ташкил этади.

- компания ва фирмаларни мулки, капитали ва мажбуриятларини баҳолаш;
- компания ва фирмалар тўловга қобиллиги ва ликвидлилик кўрсаткичларини аниқлаш;
- компания ва фирмаларнинг иқтисоди ва молиявий салоҳияти, унинг смарадорлигини баҳолаш;
- компания ва фирма молиявий барқарорлиги, бозор ва иш активлиги кўрсаткичларини баҳолаш;
- компания ва фирмаларнинг иқтисодий ночорлиги ва уни соғламлоштириш йўллари белгилаш;
- компания ва фирмаларнинг молиявий ахволи ва уни яхшилаш юзасидан муҳим таклифлар хозирлаш ташкил этади.

Бухгалтерия баланси асосида ўрганиладан масалалар кўлами ниҳоятда кенгки, уларни барча адабиётларда бир хилда берилган дейиш қийин. Масалан; корхона маблағларини ҳаракатчанлиги ва айланувчанлиги, иш активлиги, молиявий барқарорлиги бухгалтерия балансини таҳлили мавзусида берилган холда (А.Ваҳобов, А.Иброҳимов «Молиявий таҳлил»²³) айрим адабиётларда ушбу ўрганиладиган саволлар алоҳида мавзу сифатида берилади (Акрамов Э. «Анализ финансового

²⁰ Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари» Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й.

²¹ Патров В.В., Ковалев В.В. Как читать баланс. М.: Финансы и статистика, 1993 г.

²² Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисод иёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й.

²³ Ваҳобов А., Ибрагимов А. Молиявий таҳлил. Т.: Шарқ 2002 й.

состояния предприятия»²⁴ китоби ёки Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари»²⁵, шунингдек, Пардаев М.К. «Молиявий таҳлил»²⁶, «Иқтисодий таҳлил» адабиётида эса мавзулар янада булаклаш тавсифланади.)

²⁴ Акрамов Э. Анализ финансового состояния предприятия. Т.:ГНИТИ, ГАНТ , РУз

²⁵ Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари» Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й.

²⁶ Пардаев М.К., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисод иёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й. 15-бет

2.2. Бухгалтерия балансини горизонтал ва вертикал таҳлили

Бухгалтерия балансини горизонтал (бўйламасига) ва вертикал (ёнламасига) таҳлили бўйича олимлар томонидан турлича қарашларни мавжудлиги укувчини албатта эътиборини тортади. Масалан; проф. М.К. Пардаев ўзининг «Молиявий таҳлил» ўқув қўлланмасида молиявий таҳлилнинг асосий шакллари сифатида горизонтал, вертикал, динамик, макон, нисбий кўрсаткичлар, омилли таҳлилни келтирган ҳолда, шу ерда горизонтал ва вертикал таҳлилга изох беради.

«Горизонтал таҳлил - ҳисобот даврини ўган йил кўрсаткичлари билан солиштириш»²⁷

Вертикал таҳлил - таркибий таҳлил бўлиб таҳлил қилинаётган объектни барча қисмлари бўйича ўрганиш»²⁸ дан иборат дейилади.

Эътибор берган бўлсангиз, горизонтал таҳлил солиштириш, тоққослаш усулининг ўзидан иборат бўлиб қолмоқда.

Бизнингча, молиявий ҳисоботни горизонтал таҳлили унинг молиявий ҳисобот элементлари, кўрсаткичларини, мутлақ ва нисбий ифодаларда, ҳисобот даври бошига ёки ўтган йилга нисбатан тоққослама ўрганишга айтилади.

Вертикал таҳлил деганда - молиявий ҳисобот, бухгалтерия балансини мутлақ ва нисбий ифодаларда таркибий ўрганишга айтилади.

Таҳлилда ҳар иккала усул энг кўп қтлланиладиган усул ҳисобланади. Ушбу усуллар орқали компания ва фирмаларни мулки, капитали, мажбуриятларини умумий ва таркибий ўзгаришларига баҳо берилади. Умумий ўзгаришлар бухгалтерия баланси маълумотлари асосида олинса, таркибий ўзгаришлар бухгалтерия ёки молиявий ҳисоботга «тушунтириш хати» да берилади.

Горизонтал таҳлил ва вертикал таҳлилни фанга олиб кирган шахснинг номини аниқ келтириш қийин. Негаки бу усул математик ифодани, иқтисодий математик усулларни иқтисодиётда қўллаш билан фанга кириб келган. Унинг илк ибораларини таҳлилчилар Шеремет А.Д., Сайфулин Р., Абдукаримов И.Т.³⁰, Пардаев М.Қ., Исроилов ., Вахобов А., Ибрагимов А., асарларида учратиш мумкин.

Бухгалтерия балансини горизонтал ва вертикал таҳлили юзасидан проф. И.ф.д. Э Акрамов ўзининг «Анализ финансового состояния предприятия»³³ китобида горизонтал ва вертикал таҳлил юзасидан проф. М.Қ. Пардаев томонидан билдирилган фикрни тўла такрорлайди.³⁴ Фақат тоққослаш базаси бўйичагина улар қарашларида, фарқни сезиш мумкин. Яъни М.Қ.Пардаев ҳисобот даври курсаткичини ўтган давр

²⁷ Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисод иёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й., 15-бет

²⁸ Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисод иёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й., 15-бет

²⁹ Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа М.: ИНФРА-М 1996 г.

³⁰ Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари» Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й.

³¹ Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисод иёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й., 15-бет

³² Вахобов А., Ибрагимов А. Молиявий таҳлил. Т.: Шарқ 2002 й.

³³ Акрамов Э. Анализ финансового состояния предприятия. Т.: ГНИТИ, ГАНТ, Руз

³⁴ Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисод иёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й., 15-бет

кўрсаткичи билан таққосланса, проф. Э.Акрамов томонидан унинг динамик ёки базис даврига нисбатан ўзгаришларини таққослаш тавсифланади. Динамик таҳлил горизонтал таҳлилдан алоҳида фарқланади. Бу фарқланиш М.Қ.Пардаевни «Молиявий таҳлил» китобида ҳам алоҳида таркибланади.

2.3. Фирма ва компанияларни мулки, капитали ва мажбуриятларини молиявий коэффицентлардаги баҳолашиши

Корхона мулки, капитали ва мажбуриятларини молиявий коэффицентлар орқали ўрганиш унинг молиявий ҳолатига баҳо беришни янада асонлаштиради. Молиявий коэффицентлар молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ва бирлик элементларини ўзаро нисбатлаш асосида аниқланади. Унинг умумий ва бирлик кўрсаткичларини таркиблаш мумкин. Ушбу ифодада коэффицент, индекс ва фоизлар ишлатилади.

Молиявий коэффицентларни аниқлаш ва унинг ўзгаришларини қиёсий таққослаш асосида компания ва фирманинг молиявий ахволини аниқроқ ўрганиш, билиш имкони туғилади. Масалан; битта компания ёки фирманинг «молиявий мустақиллик коэффицентини» аниқланишига эътибор беринг Ушбу кўрсаткич «Ўзлик маблағлар манбайини» «Бухгалтерия балансини жами»га бўлиш асосида аниқланади. Бу кўрсаткич компания ёки фирманинг ҳаракатда банд қилинган маблағининг қайси даражаси ўзиники эканлигини тавсифлайди. Яъни ҳаракатдаги, бизнесдаги ҳар бир сўмнинг қайси қисми ўзига тегишли эканлигини ифода этади.

«Коэффицентлар - мулкнинг нисбий даражасини тавсифлайди» дейилади Томас П. Карлин, Алберт М.Маклинни «Анализ финансовых отчетов (на основе GAAP)»..

Лекин, ўзаро боғлиқликга ва алоқадорликка эга бўлган кўрсаткичларнигина таққослаш талаб этилади. Масалан, асосий воситаларнинг умумий қийматини қарз капиталига нисбатлаш билан ҳеч қандай натижага эга бўлинмайди. Яъни нисбатлаш якунида чиқувчи ифода ўзининг мазмунига, мантиғига эга бўлмоғи лозим. Бу мантиқни туловга қобиллик курсаткичларида, молиявий барқарорликда, ўз ва қарз маблағлари нисбатида, молиявий мустақиллик коэффиценти ва шунга ўхшаш кўрсаткичларда кўриш мумкин.

Аналитик мақсадга эришиш юзасидан инглиз олимлари Томас П.Карлин ва Альберт Р.Маклин молиявий коэффицентларни учта гуруҳ ва уларнинг ҳар биттасини алоҳида таркибларга бўладилар.

1. Ликвидлилик кўрсаткичлари;
2. Левирдж;
3. Фойдалилик кўрсаткичлари.

Таҳлил этишда ушбу коэффицентларни тўлиқ ўрганиш талаб этилмайди. Балки қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда алоҳида тур коэффицентлар ўрганилади.

Корхона мулки, капитали ва мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган молиявий коэффицентлар

1. Узоқ муддатли активларга баҳо беришни нисбий ифодалари;
 2. Заҳира ва харажатларга баҳо беришни нисбий ифодалари;
 4. Ўз маблағлари манбайига баҳо беришнинг нисбий ифодалари;
 5. Қарз маблағлари ва уларнинг нисбий ифодалари;
1. Узоқ муддатли активларга баҳо беришнинг нисбий ифодалари:
 - асосий воситаларнинг яроқлилик коэффиценти;

³⁵ Томас П. Карлин, Алберт М.Маклинни «Анализ финансовых отчетов (на основе GAAP)» М.: ИНФРА-М 1998 г. смот.269 стр.

- асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти;
- асосий воситаларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланиши;
- номоддий активлар яроқлилик ва эскириш коэффиценти;
- номоддий активларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланиши;
- узоқ муддатли активларни ўз ва қарз маблағлари билан манбаланиши

коэффиценти,...

2. Заҳира ва харажатларга баҳо беришнинг нисбий ифодалари:

- заҳира ва харажатларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланиши;
- тўловга қобиллик коэффицентлари;
- дебиторлик қарзларини ҳолат кўрсаткичлари,...

3. Ўз маблағлари манбайи билан боғлиқ бўлган нисбий ифодалар:

- молиявий мустақиллик коэффиценти;
- молиявий карамлик коэффиценти;
- молиявий барқарорлик коэффиценти;
- жалб қилинган сармоянинг жамланганлик коэффиценти;
- маневрлик коэффиценти;
- ўз сармояси харажатчанлиги коэффиценти;
- ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффиценти;
- ўз маблағларини узоқ муддатли активлар ва заҳира, харажатларни манбалашдаги ҳолат кўрсаткичлари,...

4. Қарз маблағлари ҳолати билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар:

- қарз капитали ва ўз маблағлари нисбати коэффиценти;
- қарз капиталини барча капитал таркибидаги салмоғи;
- узоқ муддатли маблағларнинг четдан жалб қилинган маблағларга нисбати

коэффиценти,...

Халқаро тажрибада молиявий коэффицентларнинг 80 дан ортиқ тури аниқланади (Э.Акрамов «Анализ финансового состояния предприятия», 25-страница 3-абзац).

Олим (Э.Акрамов) назарий жиҳатдан молиявий коэффицентларни 2та гуруҳга таркиблашни тавсия қилади. Яъни:

- таксимот (структура) коэффицентлар;
- координация коэффицентлари.

Тўлаходжаева М. томонидан молиявий коэффицентларни қуйидаги тўртта гуруҳга ажратган ҳолда ўрганиш тавсия этилади. Яъни:

- 1.Ликвидлилик даражасини характерловчи молиявий коэффицентлар;
- 2.Иш активлигини характерловчи молиявий коэффицентлар;
- 3.Рентабелликни характерловчи;
- 4.Капитал таркибини характерловчи;
- 5.Бозор активлигини характерловчи молиявий коэффицентлар.

И.ф.Д. проф. Тўлаходжаева М. томонидан ишлаб чиқилган ва қўллашга тавсия этилган молиявий коэффицентларни статик, динамик, ва ўртача кўрсаткичларга нисбатан ўрганишнинг ҳам бир қатор камчиликлари мавжуд.

Биринчидан: молиявий коэффицентлар корхона молиявий ҳолатини тўла очиб беролмайди.

Иккинчидан: уларнинг нисбий ифодада ўлчаниши;

Учинчидан; давомийликка амал этмаслик ҳоллари молиявий коэффициентларни камчилиги сифатида келтириб ўтилади. (Акрамов Э. «Анализ финансового состояния предприятия» Т.:ТДЭУ., 2000 г. 26 страница, 2-обзац).

**Бухгалтерия баланси асосида аниқланадиган молиявий
коэффициентларни айрим турлари**

Кўрсаткичлар	Аниқланиш формуласи
Узоқ муддатли активларга баҳо беришнинг нисбий ифодалари:	
-Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	Асосий воситаларнинг эскириш қиймати/Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати
-Асосий воситаларнинг яроқлилик коэффициенти	Асосий воситалар қолдиқ қиймати/Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати
-Асосий воситаларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланиши	Ўз маблағлари+Узоқ муддатли қарз маблағлари/Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати
-Номоддий активлар яроқлилик ва эскириш коэффициенти	Номоддий активларнинг қолдиқ қиймати/Номоддий активларнинг бошланғич қиймати
-Номоддий активларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланиши	Номоддий активларнинг эскириш қиймати/Номоддий активларнинг бошланғич қиймати
2. Заҳира ва харажатларга баҳо беришнинг нисбий ифодалари:	
-Заҳира ва харажатларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланиши	Ўз маблағлари+Узоқ муддатли қарз маблағлари-Узоқ муддатли активлар/Заҳира ва харажатлар
-Тўловга қобиллик коэффициенти	Жорий активлар/Жорий мажбуриятлар
-Дебиторлик қарзларини ҳолат кўрсаткичлари	Дебиторлик мажбуриятлари/Жорий активлар
3. Ўз маблағлари манбайи билан боғлиқ бўлган нисбий ифодалар:	
-Жалб қилинган сармоянинг жамланганлик коэффициенти	Жалб қилинган капитал/жами капитал
-Ўз сармоёси ҳаракатчанлиги коэффициенти	Хусусий капитал/Ўз маблағлари манбайи
-Ўз маблағларини узоқ муддатли активлар ва заҳира, харажатларни манбалашдаги ҳолат кўрсаткичлари	Ўз маблағларини жами+Узоқ муддатли қарз маблағлари-Узоқ муддатли активлар/Заҳира ва харажатлар
-Ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти	Қарз капитали/Ўз маблағлари манбайи
-Молиявий мустақиллик коэффициенти	Ўз маблағларини жами/ Жами маблағлар
-Молиявий қарамлик коэффициенти	Жами маблағлар/Ўз маблағлари манбайи
Қарз маблағлари ҳолати билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар:	
-Қарз капиталини барча капитал таркибидаги салмоғи коэффициенти	Қарзга олинган маблағлар/жами маблағлар
-Узоқ муддатли маблағларнинг четдан жалб қилинган маблағларга нисбати коэффициенти	Ўз маблағлари манбайи/Қарз маблағлари
-Қарз капитали ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти	Қарзга олинган маблағлар/Ўз маблағлари манбайи

2.4. Бухгалтерия балансини тренд таҳлили

Тренд таҳлили молиявий ҳисобот элементлари ва кўрсаткичларини жорий даврга бўлган ҳолатини базис йили ёки асос йили кўрсаткичи билан ўрганишни характерлайди. Лекин бу усул проф. М.Қ.Пардаевни «Молиявий таҳлил» ўқув кўлланмасида “макон” таҳлили деб бериб ўтилади ҳамда, унга қуйидагича таъриф берилади. «Макон таҳлили-деганда бирорта объектни бошқа объект кўрсаткичлари билан солиштирилган ҳолда ўрганилиши тушунилади».³⁶

Тренд таҳлили мазмунини проф. Э.Акрамов қуйидагича изоҳлайди. “Тренд таҳлили-бу корхона молиявий ҳолатининг кўрсаткичлар тизимини етарли даражада, даврлар оралиғи бўйича умумий ўзгаришлар тенденциясида ўрганишни тавсифлайди.”³⁷

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: Тренд таҳлили-бу молиявий ҳолат кўрсаткичларини базис давр кўрсаткичларига нисбатан ўрганишни характерлайди.

Агар проф. Э.Акрамовни даврлар оралиғи бўйича фикрига қўшиладиган бўлсак бу таҳлил динамик таҳлилни ўзи бўлиб қолади. Шу сабабли уни, асос йилига ёки мақбул деб топилган йилга нисбатан ўзгаришларини баҳолаш тренд таҳлилинини мазмунини ташкил этмайди.

³⁶ 2 Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисод иёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й., 15-бет

³⁷ Акрамов Э. Анализ финансового состояния предприятия. Т.: ГНИТИ, ГАНТ, РУз

2.5. Фирма ва компаниялар активлари ва пассивларини таҳлили

Фирма ва компаниялар активлари деганда унинг эгалиги ва эркин тасарруфидаги, жорий ва узоқ муддатли активлари тушунилади. Жорий активлар бу - пул маблағлари, қимматли қағозлар, тез пулга айланадиган активлар ҳамда секин пулга айланадиган активлардан иборатдир.

Узоқ муддатли активлар- бу асосий ва номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва узоқ муддатли қўйилмалардан иборатдир.

Бухгалтерия баланси бўйича корхона пассивларига унинг ўз капитали ва қарз капитали киритилади.

Бухгалтерия балансини тенглиги активлар ва пассивлар нисбатида қуйидагича ифода этилади;

Активлар= Капитал + Мажбуриятлар

Ушбу ифодани бухгалтерия балансини кўрсаткичлари ва уларни ўзаро боғлиқлиги бўйича қуйидаги шаклда ёзиш мумкин:

**АВ+НА+УМҚ+ММ+ДМ+ПМваҚҚ=
=ЎМ+ЧЖҚУММ+ЧЖҚҚММ+КМ**

Бунда:

АВ-Асосий воситалар;

НА-Номоддий фаоллар;

УМҚ-Узоқ муддатли қўйилмалар;

ММ-Моддий айланма маблағлар;

ДМ-Дебиторлик мажбуриятлари;

ПмваҚҚ-Пул маблағлари ва қимматли қағозлар;

ЎМ-Ўз маблағлари;

ЧЖҚУММ-Четдан жалб қилинган узоқ муддатли маблағлар;

ЧЖҚҚММ-Четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағлар;

КМ-Кредиторлик мажбуриятлари.

Бухгалтерия балансини актив ва пассивлари таҳлилида унинг умумлашган ва бирлик кўрсаткичларига ҳамда уларнинг ўзгаришларига баҳо берилади. Таққослаш базаси сифатида йил боши ёки ўтган йил маълумотлари олинади.

Бухгалтерия балансини актив ва пассив томони моддаларини соддалаштирилган тартибда қуйидагича изоҳлаш мумкин:

**Бухгалтерия баланси бўйича корхона активлари ва пассивларини
соддалаштирилган тартибда таркибланиши**

Актив	Йил боши	Йил охири	Пассив	Йил боши	Йил охир и
1.Узоқ муддатли активлар:			1.Ўз маблағлари манбалари		
1.1.Асосий воситалар: а)Эскириши б)Қолдиқ қиймати	4995 1500 3495	5300 1800 3500	1.1.Ўз маблағлари	2300	2200
1.2.Номоддий активлар: а)Эскириши б)қолдиқ қиймати	215 25 190	230 30 200	1.2.Акциялар	500	600
1-бўлим жами	3685	3700	1.3. Тақсимланмаган фойда	1315	1700
11.Оборот активлар			Жами 1-бўлим	4115	4500
2.1.Моддий айланма маблағлар	3000	2700	11.Мажбуриятлар		
2.2.Пул маблағлари ва бошқа активлар а)Пул маблағлари б)Дебиторлар в)қимматли қағозлар	2660 300 1900 460	3300 450 2000 850	2.1.Узоқ муддатли	2700	2700
Жами 11-бўлим	5660	6000	2.2.Қисқа муддатли	1000	850
			2.3.Кредиторлик мажбуриятлари	1530	1650
			11-бўлим жами	5230	5200
Барча активлар	9345	9700	Барча пассивлар	9345	9700

Фирма активлари йил бошига нисбатан 355 минг сўмга ёки 103.8 фоизга ўзгарган. Бу ўзгариш унинг таркибий элементлари бўйича қуйидагича бўлган. Узоқ муддатли активлар йил бошида 39,4 фоизни, йил охирида эса 38.2 фоизни ташкил этган.

Оборот активлар таркибида моддий айланма маблағлар салмоғи 32.1 фоиздан 27.8 фоизга тушиб қолган. Пул маблағларининг салмоғи 28.5 фоиздан 34 фоизга ортган.

2.2.-жадвал

Бухгалтерия баланси активини таҳлили

Баланс активи моддалари	Давр боши		Давр охири		Фарқи +,-		Ўсиш
	Сум-ма	Фоиз	Сум-ма	Фоиз	Сум-ма	Фоиз	фоиз
1.Узоқ муддатли активлар:							
1.1.Асосий воситалар:	4995		5300				
а)Эскириши	1500		1800				
б)Қолдиқ қиймати	3495	37.4	3500	36.1	+5	-1.3	100.1
1.2Номоддий активлар:	215		230				
а)Эскириши	25		30				
б)қолдиқ қиймати	190	2.0	200	2.1	+10	+0.1	105.3
1-бўлим жами	3685		3700				
11.Оборот активлар							
2.1.Моддий айланма маблағлар	3000	32.1	2700	27.8	+300	-4.3	90.0
2.2.Пул маблағлари ва бошқа активлар	2660		3300				
а)Пул маблағлари	300		450				
б)Дебиторлар	1900	28.5	2000	34.0	+330	+5.5	124.1
в)қимматли қағозлар	460		850				
Жами 11-бўлим	5660	60.6	6000	61.8	660	1.2	106
Барча активлар	9345	100	9700	100	355	-	103.8

Фирма капитали ва мажбуриятларининг ҳолатини таҳлил этиш натижасида шунини хулоса қилиш мумкинки, давр бошига ўз маблағларининг манбайини умумий маблағлар таркибидаги салмоғи 44 фоизни ташкил этган ҳолда, давр охирига келиб 46.4 фоизга тенг бўлган. Буни албатта ижобий ҳол санаш мумкин. Лекин шунга қарамай, фирманинг молиявий қарамлик даражаси меъёрий кўрсаткичдан анча паст бўлган дейиш мумкин. Негаки унинг давр бошига қарзларга қарамлик даражаси 44/56 га, давр охирига эса 46.4/55.6 га тенг бўлган. Яни қарз мажбуриятларининг салмоғидаги ўзгаришларга қарамасдан, уларнинг жами маблағлар манбайи таркибидаги салмоғи юқориликка қолган.

Бухгалтерия баланси пассивини таҳлили

Баланс активи моддалари	Давр боши		Давр охири		Фарқи +,-		Ўсиш и
	Сум-ма	Фоиз	Сум-ма	Фоиз	Сумма	фоиз	Фоиз
1.Ўз маблағлари манбалари							
1.1.Ўз маблағлари	2300		2200				
1.2.Акциялар	500		600				
1.3. Тақсимланмаган фойда	1315		1700				
Жами 1-бўлим	4115	44.0	4500	46.4	+385	+2.4	109.4
11.Мажбуриятлар							
2.1.Узоқ муддатли	2700	28.9	2700	27.8	-	-1.1	100.0
2.2.Қисқа муддатли	1000	17.0	850	15.5	150	-1.5	94.3
2.3.Кредиторлик мажбуриятлари	1530	10.1	1650	10.3	120	+0.2	106.2
11-бўлим жами	5230	56.0	5200	56.0	-30	-2.4	99.4
Барча пассивлар	9345		9700	100	+355	x	103.8

Активлар ва пассивлар таҳлили юзасидан қуйидаги муаммоли жиҳатларни қараб чиқиш ва уларнинг назарий ва амалий ечимини топиш лозим деб ўйлаймиз:

Биринчидан; активларни таркибланишида муаммо мавжуд. Ривожланган мамлакатлар бухгалтерия балансини кузатадиган бўлсак (Англия, Америка, Франция, Германия ва ҳ.к.) активлар ликвидлик даражаси бўйича жойлаштирилади. Яъни аввал ликвид ва тез ликвид маблағлар, охирида узоқ муддатда пулга айланувчи активлар жойлаштирилади.

Икинчидан; активлар қаторига кирувчи зарарлар пассив томонни камайтирувчи қатор сифатида берилади. Зарар суммасини пассив тамонда чегирилувчи қатор сифатида берилиши ва унинг хусусий капитал суммасини аниқлашда чегирилувчи қатор сифатида олиниши зиён суммасини йўқ қилмайди.

Активлар қаторидаги айланма активлар бўйича аниқ фикрлар йўқ. Негаки айланма активлар, жорий активлар, оборот активлар, айланма маблағлар, жорий маблағлар, оборот маблағлар каби сўзлар битта мазмунда ишлатилади. Шундан: бухгалтерия балансида оборот – номида, М.Қ.Пардаевни «Молиявий таҳлил»³⁹ ўқув қўлланмасида айланма маблағлар (оборот активлар) тарзида, Абдукаримов И.Т.

³⁸ ЎзР.Молияв вазирлиги «Молиявий ҳисоботни тузиш ва топшириш тартиби тўғрисидаги Низоми» 1997 йил 15-янв. 5-сон

³⁹ Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисод иёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й.,

«Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари»⁴⁰ ўқув қўлланмасида айланма активлар номи билан, проф. Э.Акрамовни «Анализ финансового состояния предприятия»⁴¹ китобида ноҳаракатчан маблағлар (айланма активлар) номи билан номланишини келтириб ўтиш мумкин.

Айланма маблағлар (оборот активлар)ни бир хилда номлашга ўтиш албатта назарий жиҳатдан ўринли бўлган бўлар эди. Шу жиҳатдан бизнингча, уларнинг ҳаракатчан активлар, ҳаракатчан маблағлар, оборот активлар, оборот маблағлар, жорий активлар, жорий маблағлар деб номланишидан чекиниш лозим. Тўғри бу хато бўлмайди. Шунингдек бир хилдаги номланиш уни тушуниш ва ўрганишда ҳам муҳим ҳисобланади.

⁴⁰ Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари» Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й.

⁴¹ Акрамов Э. Анализ финансового состояния предприятия. Т.:ГНИТИ, ГАНТ, РУз

2.6. Узоқ муддатли активлар, заҳира ва харажатларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланишини таҳлили

Узоқ муддатли активлар ҳамда, заҳира ва харажатларнинг манбаланиши компания ва фирмалар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини баҳолашда муҳим масала ҳисобланади.

Фирма ва компаниялар бизнесда нафақат ўз капитали балки қарз капиталини ҳам ишлатадилар. Фаолиятда фақат ўз капитали ҳисобига иш юритиш ўринсиз. Аниқ режа ва инвестицион лойиҳалар албатта ўзини оқлабгина қолмай балки, компания ва фирмалар мулкани, капиталини ўстириш имконини ҳам беради. Лекин шунга қарамай, узоқ муддатли активлар ва заҳираларни манбалашда ўз капиталини ҳолатига муҳим эътибор қаратилади. Негаки, бу кўрсаткич компания ва фирмаларнинг молиявий мустақиллиги ва молиявий қарамликлигига йўл қўймасликка имкон туғдиради.

Узоқ муддатли активларни шакллантиришда компания ва фирмалар аввало ўз маблағлари ва (уларнинг оқланиш, хизмат муддатининг узоқлиги туфайли) узоқ муддатли қарз капиталидан фойдаланишни тақоза этади.

Заҳира ва харажатларнинг манбаланишида ҳам биз албатта ўз маблағларимизга шунингдек, уларнинг оқланувчанлигини тезлигидан келиб чиққан ҳолда қисқа муддатли қарз капиталидан фойдаланамиз.

Узоқ муддатли активларни манбаланишини топиш учун бухгалтерия баланси бўйича қуйидаги боғланишларга таянилади.

Яъни:

ЎМ+ЧЖҚУММ-УМА

Бунда:

УМА-Узоқ муддатли активлар.

Узоқ муддатли активлар ўз ичига юқоридаги боғланишлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни олади:

УМА=АВ+НА+УМҚ

Айланма маблағларнинг қопланиш манбайини топиш учун қуйидаги боғланишлар берилади:

(МММ+ДМ+ПМваҚҚ)=(ЎМ+ЧЖҚУММ)-(УМА)+(ЧЖҚҚММ+КМ)

Бунда:

(МММ+ДМ+ПМваҚҚ) - Айланма маблағларнинг қиймати;

(ЎМ+ЧЖҚУММ) - (УМА) - Айланма маблағларнинг ўз маблағлари ҳисобига қопланиш қиймати;

(ЧЖҚҚММ+КМ)-Айланма маблағларнинг четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобига қопланиш қиймати;

Бу боғланишлар Пардаев М.Қ.нинг «Молиявий таҳлил» ўқув қўлланмасида, «Иқтисодий таҳлил» дарсликларида келтирилади. Лекин айрим адабиётларда ундан фарқ этувчи тақибланиш берилади.

Узоқ муддатли активларни манбаланиши ўз ва узоқ муддатли қарз капитали ҳисобига манбаланиши иқтисодий жиҳатдан тўғри. Лекин заҳира ва харажатларни манбалашда манбалаш манбайига кредиторлик мажбуриятларини ҳам киритилишини

нотўғри дейиш мумкин. Агар фаолиятнинг биринчи кунига нисбатан оладиган бўлсак, унинг кредиторлик мажбуриятлари бўлмайди. Бу эса манбалашда кредиторлик мажбуриятлари қийматини умумий ифодага киритишни талаб этмайди. Шунингдек, пул маблағлари ва дебиторлик мажбуриятларини айланма активларни таркибида манбаланиши юзасидан ҳам худди шу фикрларни билдириш мумкин.

Соф узоқ муддатли активлар, соф захира ва харажатларни ўзинигина манбалашдан иборат бўлган ҳолларда бизнинг фикримиз албатта тўғри деб қаралмоғи лозим.

Маблағларни молиявий манбалаш юзасидан М.Қ.Пардаев «Молиявий таҳлил» китобида қуйидаги чизмани келтириб ўтади. Умумий активлар суммаси 1190 минг сўмга тенг бўлган компания ўз маблағларини қуйидаги тартибда манбалаган. (2.1.-чизмага қаранг)

Унинг боғланишларидан узоқ муддатли активлар, захира ва харажатларнинг ўз ва қарз капитали ҳисобига манбаланишини ўқиш мумкин. Масалан; 530 минг сўмлик узоқ муддатли активларни 500 минг сўми ўзи томонидан, қолган 30 минг сўми четдан жалб қилинган узоқ муддатли капитал ҳисобига манбаланган. Умумий қиймати 660 минг сўм бўлган айланма маблағларни 250 минг сўми ўз маблағи ҳисобига, 10 минг сўми четдан жалб қилинган узоқ муддатли қарз капитали ҳисобига, 400 минг сўми четдан жалб қилинган қисқа муддатли мажбурият ҳисобига манбаланган. 2.1.чизма

2.7. Лизинг ҳисобига олинган маблағлар таҳлили

Лизинг операцияларини йўлга қўйилиши албатта, пухта ишланган инвестицион лойиҳалар асосида ташкил этилади. Инвестицион лойиҳалар эса ўз-ўзидан иқтисодий ва молиявий таҳлил асосидагина аниқ ечимига эга бўлади.

Инвестицион лойиҳаларнинг молиявий ва иқтисодий таҳлилини бевосита шу аснода ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Компания ва фирмалар эркин бозор иқтисодиёти шароитида турли кредит институтлари билан шартномавий асосда қарз муносабатларини йўлга қўйишни талаб этади. Ана шундай институтлардан бири бу лизинг компаниялари ҳисобланади. Лизинг компанияларини имкониятли томони шундаки бунда, улкан молиявий ресурслар талаб қилинадиган техника ва технологияларни олиб келиниши, хўжалик юритиш субъектлари ёки тадбиркорларга қимматга тушади.

Биринчидан: компания ёки фирма унинг молиявий имкониятига эга эмас. Эга бўлинган ҳолларда ҳам унинг бирданига жалб қилиниши маблағларнинг оқланувчанлик даврини ошириб юборади. Ана шундай ҳолларда компания албатта лизинг асосида маблағларни жойлаштиришдан манфаат кўради.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш ва унинг айланмаси асосида эга бўлинган маблағлар ҳисобига даврий тўловларни амалга оширилиши, келишилган муддат тугаши билан техника ва технологияларни ўз эгалигига ўтиши, лизинг тўловларини асосий қисмини ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилиши ва бошқа ютуқли жиҳатлар лизинг операцияларини ҳам имкониятлигини характерлайди.

Албатта, нархлар ўзгарувчанлиги шароитида инвестицион лойиҳаларнинг узок даврийликдаги прогнозининг аниқ ечимини бериш қийин масала. Шу сабабли, турли рискларни ҳисобга олиш, инфляцион жараён, тўловларни амалга ошириш шаклларига аҳамият бериш талаб этилади. Худди шу ҳолат Республикамизда инвестицион компанияларнинг актив иштирокчиси сифатида лизинг компанияларини иш фаолиятига сезиларли таъсир этмоқда. Лизинг компаниялари лизинг шартларида активларни жойлаштиришда турли қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Таҳлил этишда лизинг асосида корхона тасарруфига ва фойдаланишига берилган асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа активлар юзасидан тўловларни даврий амалга оширилиши, уларнинг оқланувчанлиги ва самарадорлиги, фойдалилик даражасига муҳим аҳамият берилади. Афсуски, лизинг операциялари бўйича олинган мулк ва унинг самарадорлиги таҳлилини услубий асослари олимлар томонидан эндигина тадқиқ қилинмоқда. Бу бир жиҳатдан ўринли ҳам. Негаки режали иқтисодиёт, кўчар ва кўчмас мулкни жойлаштиришни марказлашган таъминотини, тартибини ва қоидаларини белгилаб берган эди. Эркин бозор муносабатлари шароитида эса бу механизмни сақланиши ўринсизлиги компания ва фирмалар олдида улкан маъсулият қўяди. Яъни: мулк ва уни жойлаштиришни, эгаллик ва тасарруф этишни янги шакллари ҳаётга жорий этиш заруриятга айланади.

2.8. Фирма ва компаниялар балансини рейтинг баҳолаш ва молиявий таҳлилни якуний хулосаларини расмийлаштириш тартиби

Бухгалтерия баланси таҳлилини охириги босқичи - таҳлил натижаларини якуний хулосаларини чиқариш ва расмийлаштириш ҳисобланади.

Якуний хулосада, компания ва фирмаларни мулкӣ ҳолати, уларнинг манбаланиши, иқтисодий ва молиявий салоҳияти, компания ва фирма тўловга қобиллиги, ликвидлилиги, молиявий мустаҳкамлик ва барқарорлигини ташхиси қўйилади.

Бу ташхис асосида - компания ва фирмаларнинг иқтисодий рейтинг баҳосини ҳам бериш мумкин. Компания ва фирмаларни бухгалтерия баланси асосида иқтисодий ва молиявий рейтингини аниқлашнинг услубий мезонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- компания ёки фирмани иқтисодий ва молиявий салоҳияти;
- компания ёки фирманинг мулкӣ жамғармаси, активлар ва пассивлар реал қиймати;
- компания ёки фирманинг тўловга қобиллиги;
- компания ёки фирманинг молиявий мустаҳкамлиги ва барқарорлиги;
- компания ёки фирма маблағларини ҳаракатчанлиги (ликвидлилиги).

Таҳлил натижаларини расмийлаштиришни услубий тартибида хулосаларни аниқ ва раво тилда баён этилишига, ютуқ ва камчиликларни асослигига, ўринли ва объективлигига, юзага келиш ва ўзгаришларни даврийлигига, таҳлил якуни бўйича компания, фирма бошқарувини оптимал стратегияларини (чора, тадбирлар) белгилаб олинишига аҳамият бериш лозим.

Назорат учун саволлар

1. Бухгалтерия балансини таҳлил этишда унинг дастлабки текшириш зарурлигини изоҳланг?
2. Бухгалтерия балансини горизонтал ва вертикал таҳлили деганда нимани тушунаси?
3. Бухгалтерия балансини тренд таҳлили мазмунини тушунтиринг?
4. Коэффициентлар ва уларни корхона молиявий ҳолатига баҳо беришдаги аҳамиятини тавсифланг?
5. Молиявий коэффициентларни қандай турларини биласиз?
6. Компания (фирма) мулкани манбалашни қандай маблағлардан фойдаланилади?
7. Компания (фирма) активлари ва пассивларини жойлаштирилишини бухгалтерия баланси асосида тавсифланг?
8. Лизинг операциялари асосида олинган ва жойлаштирилган активлар таҳлили қандай амалга оширилади?
9. Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш тартибини тушунтиринг?

3-боб. Маҳсулот сотишни критик ҳажм даражаси ва фойдалилик таҳлили

Ўрганиладиган саволлар;

3.1. Реализация ҳажми, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда алоқадорлигини таҳлили

3.2. Ишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш

3.3. Маржинал фойда контрибуцияси ва унинг омилли таҳлили

3.4. Критик ҳажм даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш таҳлили

3.5. Фирма ва компаниялар активларини жойлаштириш ҳолати ва унинг фойдалиликка таъсирининг таҳлили

3.6. Фирма ва компаниялар пасивларини жойлаштириш ва унинг фойдалиликка таъсирини таҳлили

Мавзу бўйича таянч иборалар; сотиш ҳажми, харажатлар, натижа, критик ҳажм, маржинал фойда, ялпи фойда, соф фойда, ўзгарувчан харажат, ўзгармас харажат, шартли ўзгарувчан харажат, фойдани баҳоланиши, харажатларни баҳолаш, активлар ва пасивларни бошқариш, жойлаштириш.

Мавзу бўйича муаммоли саволлар;

1. “Даромад-харажат-натижа” алоқадорлигини баҳолашни ифодаси бизнинг амалиётга қандай кириб келди?

2. Маржа фойдаси, соф фойда кўрсаткичларини аниқлаш ҳисоб объектига кирадими, агар кирмаса унинг аниқлашдан мақсад нима?

3. Ишлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчан, ўзгармас, шартли ўзгарувчан харажатларига бўлиш асосда ҳисобини юритиш, таҳлил этишни ютуғи нимада?

4. Ишлаб чиқариш харажатларини баҳолашни қандай усуллари мавжуд ва уларни фарқи нимада?

5. Активлар ва пасивларни жойлаштиришнинг қандай холлари фирма, компанияга фойда келтиради?

6. Фирма ва компаниялар рентабеллигини оширишни қандай йўллари биласиз?

7. Даромад, харажатлар, натижа кўрсаткичларини ҳисобга олиш ва таҳлил этишда, юзага чиқиш жойи, марказлари, жавобгарлари белгиланади. Бунинг мақсади нима?

8. Ишлаб чиқариш ва молиявий левирджлар нима?

9. Рентабеллик ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар?

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

(1, 3, 4, 5, 6, 8, 10, 13, 14, 15, 17, 20, 21, 23, 24, 25, 27, 39, 40, 42, 45, 48, 49, 54, 55, 56, 58, 59, 61, 62, 63, 64, 65, 69, 70)

3.1. Реализация ҳажми, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда алоқадорлигини таҳлили

Реализация ҳажми, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда кўрсаткичлари узвий боғлиқликга эга. Реализация ҳажми орқали ялпи даромад, ялпи тушум кўрсаткичига эга бўлинади. Унинг ишлаб чиқариш харажатлари билан таққослаш асосида фойда, натижа кўрсаткичига чиқилади. Буни математик ифодада куйидагича тасвирлаш мумкин.

$$\Phi(D) = MCST - MICT(TCOK)$$

Бунда;

$\Phi(D)$ -фойда(даромад);

MCST-маҳсулот сотишдан соф тушум;

MICT (TCOK)-маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи (сотиб олинган товарлар қиймати).

Бухгалтерия ҳисобида маҳсулот чиқиши, харажат ва натижа олақадорлигини куйидаги боғланишда ҳисобга олиш тартиби ҳам белгиланади.

Маҳсулот чиқиши - Харажатлар=Натижа

Нативавий кўрсаткич демакки, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ёки товароборот кўрсаткичига ҳамда, ишлаб чиқариш харажатлари ёки товарларни сотиб олиш қийматига боғлиқ деб қаралади. Унинг бирлик ифодасини эса куйидагича тасвирлаш мумкин.

$$H = D * B - D * T;$$

$$H = D (B - T);$$

Бунда;

H-фойда;

B-маҳсулот бирлигини баҳоси (сўм);

D-маҳсулот бирлиги (дона);

T-маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш таннархи (сўм).

Юқоридаги боғланишдан нативавий кўрсаткични маҳсулотнинг миқдори, баҳоси ва бирлик таннархига боғлиқ эканлиги келиб чиқади. Унинг ифодаси бевосита нативавий кўрсаткични омилли таҳлил этиш имконини ҳам беради. Демак, натижа ўзгаришига ҳисоб-китоб қилинадиган куйидаги омиллар таъсир этишини изохлаш мумкин;

-ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бирлигини ўзгариши;

-маҳсулотлар бирлик баҳосининг ўзгариши;

-маҳсулотлар бирлик таннархининг ўзгариши;

Маржинал фойда контрибуциясига нисбатан оладиган бўлсак ишлаб чиқариш харажатларини шартли ўзгарувчан, ўзгармас, ўзгарувчан харажатларга таркибланиши, боғланишни янада мураккаблаштиради. Бунда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгаришида маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмини ўзгариши асос қилиб олинган.

3.1.-жадвал натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки ; маҳсулот сотишдан олинган соф тушум 2500.0 минг сўмни ва унинг ишлаб чиқариш таннархи 2250.0 минг

сўмни ташкил этган. Маҳсулот сотишдан кўрилган натижа 250 минг сўм ижобий фарқланишга эга бўлган.

Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг ичида 2000.0 минг сўми ўзгарувчан харажатлар, 250 минг сўми ўзгармас харажатлар сифатида белгиланган. Бу орқали маҳсулот сотишдан маржинал фойда ва соф фойда кўрсаткичлари аниқланган.

Қолган боғланишлар бошқа фаолиятдан даромад- харажат= натижа алоқадорлиғни характерлайди.

3.1.-жадвал

Маҳсулот сотиш ҳажми, ишлаб чиқариш харажатлари ва натижа алоқадорлиғини кўрсаткичлар

Даромад 1	Харажат 2	Натижа 3
Маҳсулот сотишдан соф тушум (2500.0 м.с.)	Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи (2250.0 м.с.)	Маҳсулот сотишдан ялпи фойда (250.0 м.с.)
	А)Ўзгарувчан харажатлар (2000.0 м.с.)	Маржинал фойда (500.0 с.м.)
	Б)Ўзгармас харажатлар (250.0 м.с.)	Маҳсулот сотишдан соф фойда (250 м.с.)
Операцион фаолиятдан тушум (230.0 м.с.)	Операцион харажат (335.0 м.с.)	Операцион фаолиятдан фойда (даромад) (-105 м.с.)
Молиявий фаолиятдан тушум (410.0 м.с.)	Молиявий фаолият бўйича харажатлар (300.0 м.с.)	Молиявий фаолиятдан фойда (даромад) (110 м.с.)
Кутимаган ҳолатлардан тушум (0.0)	Кутилмаган ҳолатлардан харажат (0.0.)	Кутилмаган ҳолатлардан фойда (0.0)
Умумий тушум (даромад) (3140 м.с.)	Умумий харажат (сарф) (2885 м.с.)	Умумий фойда (265 м.с.)

⁴² М.Ю.Рахимов “Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш”(диссертация). Т.; ЎзР. Банк ва Молия академияси, 1999 йил

3.2. Ишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш

Ишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш молиявий ҳисоботлашнинг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатларни баҳолашда албатта уларнинг тузилиши ва табиатини билиш талаб этилади. Ишлаб чиқариш харажатлари “Харажатлар таркиби” тўғрисидаги Низомга мувофиқ қуйидаги харажат элементлари бўйича таркибланади;

-Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

-Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари ва ажратмалари;

-Ишлаб чиқаришда бевосита ва билвосита қатнашаётган асосий ва номоддий активларни эскириш харажатлари;

-Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Уларни баҳоланиши таркиб бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан; меҳнат ҳақини баҳоланиши ҳисобланган меҳнат ҳақи ва ажратмалар суммасидан ёки меҳнат ҳақи ва ажратмалар юзасидан тан олинган мажбуриятлар суммасидан келиб чиқиб баҳоланади.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация, эскириш қийматлари белгиланган, қатъий, нормалар асосида ҳисоб-китоб қилинган қиймат билан баҳоланади.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига кирувчи моддий харажатларни баҳоланиши асосий воситаларни ёки номоддий активларни эскириши, меҳнат ҳақи ва ажратмалар баҳоланишидан кескин фарқ қилади. Моддий ресурслар таркибига кирувчи ва ишлаб чиқариш харажатларида асосий элемент ҳисобланган захираларни баҳоланишини бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлари бўйича қуйидаги турлари таркибланади;

-Ўртача таннарх усули;

-ФИФО усули;

-ЛИФО усули;

Ўртача таннарх усули захираларни ўртача баҳосида ишлаб чиқариш таннархига олиб боришни, Фифо усули дастлабки киримни дастлаб чиқаришни, Лифо усули сўнги киримни дастлаб ҳисобдан чиқаришни характерлайди.

Бу усулларни фарқлашни аҳамияти шундаки, уларнинг натижавий кўрсаткичга таъсири турлича бўлади. Масалан; ўртача таннарх бўйича алоҳида ишлаб чиқариш таннархига, фифо усулида алоҳида, лифо усулида алоҳида ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичларига эга бўлинади. Бунинг таъсирида натижавий кўрсаткич ҳам турлича чиқади.

Ишлаб чиқариш харажатларини баҳолашда бошқа харажат элементларини баҳоланиши харажатларнинг таркиби бўйича фарқланади. Масалан; хизматлар шаклида олинган ишлар ҳажми уларнинг ҳақиқий қиймати ёки мажбуриятларнинг тан олинган қиймати бўйича баҳоланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш усуллари ва уларнинг тавсифи

Харажат элементлари, турлари	Баҳолаш усуллари
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар	ФИФО
	ЛИФО
	АВЕКО
	Хақиқий таннархида
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи ва ажратмалар	Ҳисобланган ва тан олинган қиймати бўйича
Ишлаб чиқариш характеридаги асосий восита ва номоддий активлар эскириши	Белгиланган меъёрлар асосида
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита бошқа харажатлар	Хақиқий қиймати бўйича
Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари	Тан олинган ва юзага келган қиймати бўйича
Қимматли қағозлар	Пулли эквивалентларни хақиқий қиймати бўйича
Асосий воситалар ва номоддий активлар, капитал қўйилмалар	Сотиб олиш ва қуриш қийматида (ҳар йилнинг 1-январ ҳолатига қайта баҳолаш амалга оширилади)
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	Тугалланмаган ишлаб чиқаришни хақиқий қиймати бўйича

3.3. Маржинал фойда контрибуцияси ва унинг омилли таҳлили

Маржинал фойда- фаолият натижавийлигини баҳолашда муҳим самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Унинг аниқланишида ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига мувофиқ, ўзгарувчан ва ўзгармас харажат моддаларига таркибланиши ҳисобга олинади. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушумдан ўзгарувчан харажатларни чегириш асосида маржинал фойда кўрсаткичига чиқилади. Маржа фойдасидан ўзгармас харажатларни чегириш асосида маҳсулот сотишдан ялпи фойда (соф фойда) кўрсаткичи аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга таркибланиши нашр этилган адабиётларда назарий жиҳатдан баён этилади, лекин унинг бухгалтерия ҳисобининг объектига айланмаганлиги, уларнинг амалиётда алоҳида таркибланишини талаб этмайди. Шу сабабли, амалиётда ишлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга таркиблаган ҳолда ҳисобга олиш тартибига амал этилмайди. Ишлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлардан ташқари, шартли ўзгарувчан харажатларга ҳам таркибланиш “Харажатлар таркиби тўғрисидаги” – берилган шарҳларда келтириб ўтилади. Шартли ўзгарувчан харажатларни таркибланиш эса сўнги ўзгаришларга мувофиқ олиб ташланган.

Ишлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга таркибланишдан мақсад шуки-бу харажатларни юзага чиқиш шакли, ўрни ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш ҳамда харажатларни мақсадли бошқариш имконини беради. Афсуски, ишлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларига таркибланишда ишлаб чиқариш ва давр харажатларини бир хил мазмунда қарашмоқда. Ваҳоланки бу таркиб харажатларнинг ҳар иккаласида ҳам ўзгарувчан, ўзгармас харажатлар мавжуд.

Маҳсулот сотишдан олинган тушумни ҳисоблашда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги”⁴⁴ Қонунни қабул қилиниши ва амалиётга киритилиши билан кассали усулдан ҳисобга олиш усулига ўтиш белгиланди. Буни бевосита ҳисобнинг барча ўзгарувчи бирликларини ўз ичига олувчи корхона ҳисоб сиёсатининг ўзгариши билан характерлаш мумкин. Демак, маржинал фойда контрибуциясига таъсир этувчи асосий бирликлардан бири бу- корхона ҳисоб сиёсатининг ўзгаришидир.

Кассали усулдан ҳисобга олиш усулига ўтилиши маржинал фойда, ялпи суммасини оширади. Лекин кейинги даврлар бўйича унинг реаллигини таъминлаш вазифаси қўйилади.

⁴³ Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги” Низом. ЎзР. МВ. 1999 й. 54-сон

⁴⁴ “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонун, 1996 й. 30-август

Маржинал фойда ва унинг омилли таҳлили ҳисоб- китоблари

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили шартли	Ҳисобот йили
Маҳсулот сотишдан ялпи тушум	Мў*Бў	Мх*Бў	Мх*Бх
Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархида ўзгарувчан харажатлар	Мў*Ўў	Мх*Ўў	Мх*Ўх
Маржинал фойда	Мў(Бў-Ўў)	Мх(Бў-Ўў)	Мх(Бх-Ўх)
Сотилган маҳсулот таннархида ўзгармас харажатлар	Оў	Ох	Ох
Маҳсулот сотишдан соф фойда	Мў(Бў-Ўў)- Оў	Мх(Бў-Ўў)- Ох	Мх(Бх-Ўх)- Ох

Белгилар изоҳи;

Мў,Мх- ўтган йил(Мў) ва ҳисобот йилидаги(Мх) ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори;

Бў,Бх-ўтган йил (Бў) ва ҳисобот йилидаги(Бх) сотилган маҳсулотлар бирлик баҳоси;

Ўў,Ўх-ўтган йил (Ўў)ва ҳисобот йилида(Ўх) маҳсулотлар бирлигига ўзгарувчан харажатлар;

Оў,Ох-ўтган йил (Оў) ва ҳисобот йилида (Ох) жами ўзгарувчан харажатлар.

Юқоридаги боғланишлардан маржинал фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳам ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Маржинал фойда кўрсаткичи ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи, ҳисоб-китоб қилинадиган омилларга маҳсулотлар миқдори, бирлик баҳоси ва бир бирликка ўзгарувчан харажатлар ўзгариши таъсири киради.⁴⁵

1. Маржинал фойда ва унинг ўзгаришига маҳсулот миқдорини ўзгариши таъсирини топиш учун қуйидаги боғланишдан фойдаланилади;

$$Мх * Бў - Мў * Бў = Бў * (Мх - Мў);$$

2. Маржинал фойда ўзгаришига баҳо ўзгаришининг таъсирини қуйидаги боғланишда топиш мумкин;

$$Мх * Бх - Мх * Бў = Мх * (Бх - Бў);$$

3. Маржинал фойда ўзгаришига маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар сарфи ўзгаришини таъсири қуйидаги боғланишда топилади;

$$Мх * Ўх - Мх * Ўў = Мх * (Ўх - Ўў);$$

Учта омил йиғиндиси жамланган ҳолда маржинал ва соф фойда ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш мумкин.

⁴⁵ Ушбу боғланиш и.ф.н., доц. М.Ю.Рахимов томонидан тавсия этилади..

3.4. Маҳсулот ишлаб чиқаришни критик ҳажм даражасини таҳлили

Фирма ва компаниялар фаолият юритаётганда турли кутилмаган ходисаларга дуч келади. Бу эса тўғри баҳолашни талаб этади.

Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқаришда унинг қандай ҳажми корхонага зарарсиз ишлаш имконини туғдиради, ёки маҳсулотнинг қайси бирлигида маҳсулот сотишдан олинadиган тушум тўла ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларни қоплай олади?

Ушбу вазифани бажариш учун фирма ва компанияларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси кўрсаткичи аниқланади.

Ҳар битта корхона маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш режасини тузишда албатта кутиладиган фойда нормасини ҳисоблашга ва бизнес самарадорлигини баҳолашга аҳамият беришади. Фойда нормасини белгилаб олиш, эркин бозор иқтисодиёти шароитида янада мураккаб масала ҳисобланади. Негаки унинг ҳисоб-китобида турли тахликаларни (рисklarни) ҳисобга олишга тўғри келади.

Фойда нормасини ҳисоблашни мураккаблиги шундаки, бунда ресурслар, маҳсулотлар баҳоси, солиқлар, тўловлар фирма ва компаниялар фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгарувчанликка эга бўлади. Уларни ҳисоб-китоб қилиш имкони туғилади қачонки аниқ кўрсаткичлар манбасига эга бўлинса. Бу манба инфляцияни таъсир даражаси, баҳоларнинг ўзгариш ҳолатлари, ишлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчанлиги (маҳсулот ҳажми ва ресурслар баҳосини ўзгариши ҳисобига) бўлиши мумкин.

Шу жиҳатдан, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини аниқлаш ва уни таҳлил этиш, иқтисодий ҳаракатда ва бизнесда муҳим масала ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич орқали компания ва фирмалар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг фойдалилик даражасини белгилаб оладилар. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини белгилаш, унинг ҳисоб-китоблари олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан; уни аниқлашнинг турли ифодалари ҳам тавсия этилган.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни критик ҳажм даражасини ҳисоблашнинг қуйидаги боғланишли ифодасини бериб ўтиш мумкин. (Рахимов М.Ю. «Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижаларни ҳисобга олиш, таҳлил этиш ва аудитни такомиллаштириш муаммолари» диссертация автореферати, Т.: ЎЗР Банк ва Молия Академияси, 1999 й.)

$$Y_k = (S/P) * Y_k + U$$

Бунда:

Y_k -критик ҳажм даражасидаги маҳсулот ҳажми;

U -жами ўзгарувчан харажатлар;

S -маҳсулот бирлигида ўзгарувчан харажат;

P -маҳсулот бирлигини баҳоси.

Шунингдек, Критик ҳажм даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришни қуйидаги ифодалар орқали аниқлаш ҳам мумкин ва уларнинг мазмуни битта (3.4.-жадвалга қаранг).

Белгилар изохи;

Qk-критик ҳажм даражасидаги маҳсулотни миқдорий бирлиги;

C+S+o-Ўзгарувчан харажатлар+Ўзгармас харажатлар+ фойда. Бунда фойда миқдори нолга тенг деб олинади. Яъни; ишлаб чиқариш ва савдо айланмасидан олинган даромад тўлиқ, барча харажатларни қоплаган ҳолда фойдага эга бўлинмайди.

3.4.-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқаришни критик ҳажм даражасини аниқлашни ҳисоб-китоб қилиш формулалари

Аниқланиш формуласи	Муаллифи
$Y_k = U / 1 - (S/P)^{46}$	Проф. Шеремет А.Д.
$Y_k = Q * S +$	Проф. Шеремет А.Д.
$Y_k = (S/P) * Y_k +$	И.ф.н.доц. Рахимов М.Ю.
$Y_k = C + S +$	И.ф.н.доц. Рахимов М.Ю.
$Q_k = U / (P - S)^{50} \quad Y_k = Q_k * P$	Проф. Томас П. Карлин
$Y_k = U / P / P -$	И.ф.н.доц. Рахимов М.Ю.
$\Phi = P - S = (p - s) * Q -$	И.ф.н. Н.Хасанов, С.Нажмиддинов Бунда; p-баҳо, s-бир бирликка ўзгарувчан харажат, S-жами ўзгармас харажат, Q-маҳсулот бирлиги, миқдор

Критик ҳажм даражасини график чизмасини қуйидагича ифода этиш мумкин (3.1.-чизмага қаранг).

Критик ҳажм даражасидаги маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи бирликлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

-маҳсулот бирлиги баҳосини ўзгариши;

-бир бирликка ўзгарувчан харажатларни ўзгариши;

-доимий харажатларни ўзгариши;

⁴⁶ Шеремет А.Д. Факторный анализ критического объема продукции. М.: Денги и кредит, 1998г. 36 ст.

⁴⁷ Шеремет А.Д. Факторный анализ критического объема продукции. М.: Денги и кредит, 1998г. 36 ст.

⁴⁸ Рахимов М.Ю. Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисби. Таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Диссертация, ЎзР. Банк Молия академияси, 1999 й.


⁴⁹ Рахимов М.Ю. Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисби. Таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Диссертация, УзР. Банк Молия академияси, 1999 й.

⁵⁰ Томас П.Карлин Анализ финансовых отчетов.М.: ИНФРА-М, 1998

⁵¹ Рахимов М.Ю. Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисби. Таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Диссертация, ЎзР. Банк Молия академияси, 1999 й.

⁵² Н.Хасанов, С.Нажмиддинов Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш(муаммолар ва уларни ҳал қилиш) Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси 1999й. 51-бет

Критик ҳажм даражасини график шаклида ифода этилиши



Муаллиф томонидан тавсия этилган 1-формула асосида якуний кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни қуйидаги боғланишларда ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Критик ҳажм даражасига маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар таъсирини ҳисоб-китоби;

$$Y_{k1} = (S_x/P_p) * Y_{kp} + U_p - (S_p/P_p) * Y_{kp} + U_p$$

Критик ҳажм даражасига маҳсулот баҳосини ўзгаришини таъсири;

$$Y_{k2} = (S_x/P_x) * Y_{kp} + U_p - Y_{kp1}$$

Критик ҳажм даражасига маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини таъсири;

$$Y_{k3} = (S_x/P_x) * Y_{kx} + U_p - Y_{kp2}$$

Боғланиш билан аниқланади.

3.5.Фирма ва компаниялар активларини жойлаштириш ҳолати ва унинг фойдалиликка таъсирини таҳлили

Фирма ва компанияларнинг молиявий ва иқтисодий салоҳияти кўпинча активларини жойлаштирилиши ҳамда, уларнинг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Буни бевосита қуйидаги изоҳлаш мумкин. Собиқ, режали иқтисодиёт даврида барча активлар юқоридан белгиланган тартибда таъминланиши ва жойлаштирилишидан, корхоналар эркин уларни ўзгартиришга ҳаракат қилмас эдилар. Натижада активларнинг у ёки бу тури ўзининг муқим ўрнида туриши ва ҳаракатда фаол ёки нофаол ҳолатда фойдаланар эди.

Активларни худудлар ва тармоқлар бўйича жойлаштирилишида ҳам фарқларни сезиш мумкин эди. Натижада, асосий воситалардан самарали фойдаланиш даражаси ҳам, активларни фойдалилиги ҳам олдиндан белгиланган ҳолда ташкил этилар эди. Мабода ортиқ фойда нормасига эга бўлинса у ҳам марказлашган тартибда бюджетга, давлатга йиғиб олинар эди. Мулк, активлар, уларнинг таъминоти ва жойлаштирилишини мазмуни эса бугун кескин ўзгарди. Фирма ва компаниялар активларни шундай жойлаштириши лозимки бу ҳолат унга имкон қадар, максимал даражада фойда олиб келсин ёки минимал даражада зарарга ишласин. Активларни самарадорлик даражаси эса биринчи ўринга қўйилди.

Фирма ва активларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

3.5.-жадвал

Фирма активлари ва уларнинг таркибий тузилиши

Активлар	Узоқ муддатли активлар	Ноҳаракатчан активлар	Асосий воситалар	Кўчмас мулк
			Номоддий активлар	
	Айланма активлар	Ҳаракатчан активлар	Доимий ҳаракатчан активлар	Меъёрланмайдиган активлар
			Тез ҳаракатчан активлар	
			Секин ҳаракатчан активлар	Меъёрланувчи активлар

Активларни жойлаштиришда албатта эркин бозор иқтисодиёти қонун қоидаларини, рақобатчиларни ҳолати ва ҳаракатини, турли рискларни ҳисобга олишни талаб этилади. Бозор иқтисодиёти шароитида активларни жойлаштиришда муқим ҳолатларга таянилмайди, балки бозордаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда даврий ва доимий ўзгаришлар заруриятига таянилади.

Активларни жойлаштиришда қуйидаги йўналишларни таркиблаб ўтишни лозим деб ўйлаймиз;

- фаолиятни илғор шакллариغا;
- илғор техника ва технологияларга;
- малакали кадрларни ўқитиш ва қайта ўқитишга;
- инвестицион фаолиятга ва ҳақозага.


Таҳлил этишда, активларни ҳолатига, жойлашган ўрнига, жойига, жавобгарлик субъектлари бўйича ўзгаришларига, активларнинг ҳаракатланишига, самарадорлигига ва унинг ўзгариш сабабларига муҳим аҳамият берилади.

Корхона активларини жойлашувида қуйидаги схематик боғланишни бериб ўтиш мумкин.

Активларни жойлаштиришда, энг аввало, узоқ муддатли активларни жойлаштиришга, ундан кейин оборот активларни жойлаштиришга аҳамият берилади.

3.2.-чизма

Активларни жойлаштиришни умумий схемаси



3.6. Фирма ва компаниялар пасивларини жойлаштириш ва унинг фойдалиликка таъсирини таҳлили

Пассивлар қаторига фирма, компания капитали ва мажбуриятлари киритилади. Капитал бу - фирма ва компаниянинг ўз маблағлари қаторига кирувчи манбалари ҳисобланади. Унинг таркибига устав капитали, резерв, қўшилган капитал, фойдани тақсимланмаган қисми, келажакда олинадиган фойда, даромадлар, захиралар киритилади.

Мажбуриятлар қаторига фирма, компаниянинг жорий мажбуриятлари, узоқ ва қисқа муддатли қарз капитали киритилади.

Фирма пасивлари тузилишини қуйидаги жадвал асосида тушуниб олиш мумкин.

3.6-жадвал

Фирма (компания) пасивлари ва уларнинг тузилиши

Пассивлар	Ўз маблағларининг манбайи	Хусусий капитал	Доимий пасивлар	Айланма маблағларни шакллантириш манбайи
		Мақсадли тушумлар, захиралар, келгуси дараомадлар		
	Мажбуриятлар	Узоқ муддатли мажбуриятлар	Узоқ муддатли мажбуриятлар	
		Жорий мажбуриятлар	Узоқ муддатли мажбуриятлар	
			Кредиторлик мажбуриятлари	Тўлов муддати келган мажбуриятлар

Фирма ва компаниялар пасивларини жойлаштириш унинг фойдалилик даражасига сезиларли даражада таъсир этади. Буни қуйидагича изохлаш мумкин. Масалан; фирма ва компанияга узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни жалб этилиши, улар юзасидан тўланадиган фоизлар ҳисобига унинг фойдасига сезиларли равишда салбий таъсир этади.

Худди шу ҳолатни бухгалтерия балансининг пасив томони, биринчи бўлим моддаларида ҳам кўриш мумкин. Келгуси давр даромадлари ёки келгуси давр харажатлари ва тўловлари захираси ҳолати ҳам унинг фаолият натижавийлиги таъсир этувчи бирлик сифатида олинади. Корхона молиявий нобарқарорлик ҳолатига тушиб қолган ҳолларда ҳам унинг фаолият натижавийлиги фойда билан чиқиш ҳоллари кузатилади. Буни бевосита, айланма маблағларини манбалашда ўз маблағларининг етишмовчилиги билан изохлаш мумкин.

Жорий мажбуриятлар таркибида кредиторлик мажбуриятларининг кўпайиб кетиши ҳам фирма, компания фаолият натижавийлигига сезиларли таъсир этади.

Негаки, унинг ҳолати ишлаб чиқариш жараёнига ва унинг бошқа ташкилотлар билан бўладиган олди-сотди муносабатларига таъсир этади. Натижада фирма, компанияга ишончсизлик туғилади.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. “Даромад-харажат-натижа” олақадорлигини тушунтиринг?
2. Реализация ҳажмини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни тавсифланг?
3. Ишлаб чиқариш харажатлари, даромад ва натижани баҳолашни усулларини тавсифлаб беринг?
4. Критик ҳажм даражасидаги маҳсулот қандай маҳсулот?
5. Критик ҳажм даражасида маҳсулот ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлили қандай олиб борилади?
6. Маҳсулот сотишдан ялпи фойда, маржинал фойда таҳлили ва унинг ўзгаришини омилли таҳлили қандай бажарилади?
7. Ишлаб чиқариш ва молиявий левирджлар нима?
8. Фирма ва компаниялар активлари ва пассивларини жойлаштиришни унинг фойдасига таъсирини баҳоланг, таҳлил қилинг?
10. Маҳсулот ишлаб чиқаришни критик ҳажм даражасини таҳлил этиш бошқарув таҳлилинини объекти бўла оладими, агар бўла олса унинг молиявий таҳлилда ўрганишни сабабини тушунтиринг?
11. “Даромад-харажат-натижа” олақадорлигини операцион жараёнларга нисбатан қўллаш мумкинми, агар мумкин бўлса унинг мазмунини тушунтиринг?
12. Маржинал, контрибуция каби сўзларни маъносини тушунтиринг?

4-боб. Иқтисодий ночор фирма ва компаниялар фаолиятини таҳлил қилишни хусусиятлари

Ўрганиладиган саволлар

4.1. Иқтисодий ночорлик (банкротлик) тушунчаси моҳияти, фирма ва компанияларда иқтисодий ночорликка олиб келувчи сабаблар ва омиллар

4.2. Молиявий барқарор, молиявий ҳавф ҳатари бор ва молиявий набарқарор фирма ва компаниялар фаолиятини таҳлили

4.3. Фирма ва компаниялар иқтисодий ночорлигини таҳлили

4.4. Иқтисодий ночор фирма ва компанияларни молиявий таҳлили натижаларини умумлаштириш

4.5. Иқтисодий ночор фирма ва компаниялар фаолиятини таҳлили ва уларни молиявий соғломлаштиришда халқаро тажрибалар ҳамда улардан фойдаланиш.

Мавзу бўйича таянч иборалар; иқтисодий ночорлик, ночорлик белгилари, ночорликка олиб келувчи сабаблар, ночорликни аниқлаш кўрсаткичлари, санация, реструктуризация, қайта ташкил этиш, тугатиш, ташқи бошқарув, молиявий соғломлаштириш, молиявий барқарорлик, нобарқарорлик, банкротлик.

Мавзу бўйича муаммоли саволлар

1. Иқтисодий ночорлик бозор иқтисодиётини доимий йўлдош дейиш мумкинми? Агар мумкин бўлса бунга нималар олиб келади.?

2. Фирма ва компанияларда иқтисодий ночорликни қандай аниқлаш мумкин, унинг услубий, ҳуқуқий негизлари мавжудми?

3. Иқтисодий ночорлик масалалари билан давлат номидан қайси орган иш олиб боради. Унинг иш натижалари ҳақида нималар дея оласиз?

4. Иқтисодий ночорликни таҳлил этишда қандай муаммоларга дуч келинмоқда ва уларни ҳал этишни қандай амалга ошириш мумкин?

5. Фирма ва компанияларни молиявий аҳволини соғломлаштиришнинг қандай тартибларини тавсия этишингиз мумкин? Уларни аламга оширишнинг имкониятлари мавжудми?

6. Иқтисодий ночорлик юзасидан қарорни қайси ташкилот чиқаради ва унинг реализацияни қандай изохлайсиз?

7. Иқтисодий ночорликни тартибга солишни қандай чораларини биласиз?

8. Иқтисодий ночорлик, корхоналарни молиявий соғломлаштиришдаги хорижий тажрибалар ҳақида нималарни биласиз?

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

(1, 2, 3, 4, 7, 8, 10, 13, 15, 16, 17, 27, 29, 31, 35, 37, 39, 40, 42, 43, 44, 45, 47, 48, 50, 51, 52, 54, 61, 62, 64, 68, 69, 70, 72, 73,)

4.1. Фирма ва компанияларда иқтисодий ночорликка олиб келувчи сабаблар ва омиллар

Тоталитар режали тизимнинг рақобатга асосланган бозор иқтисодиётига трансформациялашуви жараёни миллий иқтисодиётда банкротлик, инқироз, номувезонатлик каби мутлақо янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш, уларни ҳал этишни дастакларни белгилаб олиш ҳозирги куннинг муҳим масаласи ҳисобланади.

Иқтисодий ноцорликни юзага келтирувчи сабаблар ниҳоятда кўп. Лекин уларнинг негизида албатта соғлом рақобот туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ушбу муаммонининг долзарблигини кўрсатиб, “Бозор қонунлари амал қила бошлаши, рақобатчилик муҳитини таркиб топиши ва эркин тадбиркорлик учун ҳамма йўллар билан айна қонунларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариш таркибан ўзгартирилади ҳам. Бу нарса фақат рақобатга бардош беришга интилиш бор жойдагина юз беради. Рақобатга бардош бериш учун ишлаб чиқаришни доимий равишда янгилаб боришга тадбиркорлар ўзлари мажбур бўладиган шароит вужудга келади”-деб таъкидлайди.⁵³

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган ҳолда, рақобат курашига тортиладилар. Бу кураш кимнидир бор, кимнидир йўқ қилади. Ҳолиб корхоналар ўзининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаган ҳолда бозорда ўзининг муқим ўрнига эга бўла борадилар. Мағлуб корхоналар эса синадилар ёки ўз фаолиятини тўхтадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу ҳолиблик ёки бу мағлублик муқаррар нарсаки, уни бошқариб қолиш мумкин эмас.

Айтиш мумкинки, узлуксиз давом этувчи рақобот кураши доимо иқтисодий ноцорлик ёки банкротлик ҳолатига тушиш ҳавфини туғдиради.

Иқтисодий ноцорлик, банкротлик, кризис ҳолати каби тушунчалар битта маънони яъни, фирма ва компанияларнинг синишини изохлашда ишлатиладиган тушунчалар ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти қисқача луғат маълумотномасида “банкротлик (итал. сўздан *С*с олинган бўлиб „айнан синган курси“*С*)-синиш; фуқаро, корхона, фирма ва банкнинг маблағ етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларини тўлашга қурби етмаслигидир дейилади. Банкротликка учраш сабаблари товар ишлаб чиқаришда қиймат қонунининг амал қилиши рақобат ва инфляция билан белгиланади”⁵⁴ деб таърифланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24-апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги „Банкротлик тўғрисидаги“ Қонуннинг 3- моддасида банкротлик бундай таърифланади; “Банкротлик (иқтисодий ноцорлик)-хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла

⁵³ И.А.Каримов “Ўзбекистон Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”Т;”Ўзбекистон”, 1995, 200-бет

⁵⁴ Ўлмасов А. Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти қисқа луғат-маълумотнома.Т.: Комуслар бош таҳририяти-1991 й., 12-бет

ҳажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги⁵⁵ тушунилади дейилади.

И.ф.н. Хасанов Н. томонидан „бонкротлик- бу хўжалик юритувчи субъектларни қарз ва мажбуриятларини қайтариб беришга ва тўлашга қодир эмаслиги билан изоҳланади“⁵⁶.

Бугунги кунда, иқтисодий ночорликни белгилашнинг назарий асосларида ҳам, уни аниқлашнинг услубий асосларида ҳам, иқтисодий ночорликни белгилаш юзасидан чиқарилган ҳуқуқий актларда ҳам, унинг ташкилий ва амалий асосларида ҳам қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Бу табиий ҳол ҳамдир. Негаки, режали иқтисодиёт шароитида корхоналарни синиши, бонкрот бўлиши, иқтисодий ночорлиги каби тушунчаларга ўрин йўқ эди. Чунки бундай ҳолнинг ўзи йўқ эди.

Эркин рақобатга дош беролмабдики, фирма ва компания ёпиладиган бўлса, унинг таъсиридаги ижтимоий ўзгаришларни, муаммоларни қандай ҳал қиламиз. Уларни молиявий соғломлаштириш чора тадбирларини белгилаб бўлмайдими ёки бонкротликдан чиқиш чоралари кўрилмайдими. Бу масалалар иқтисодий ночорликдан корхонани ёпиш билан қутилинади деган мазмун келиб чиқмаслиги лозим. Бу ва шу каби муаммоларга жавоб топиш мақсадида бонкротлик институтини ташкил этиш заруриятга айланди ва у ташкил этилди.


Республикамизда хўжалик суди томонидан бонкрот деб 1998 йилда 448 та, 1999 йилда 1015 та, 2000 йилда 1295 та, 2001 йилда 1176 та, 2002 йилда 1266 та корхона эълон қилинган. Шундан тугатилаган корхоналар сони тегишли йиллар бўйича 398 (1998), 1006 (1999), 1148 (2000), 1267 (2001), 1080 (2002) корхона тугатилган.⁵⁷ Кўриниб турибдики, банкрот корхоналар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Бонкротликни циклик жараёни қуйидаги кўринишда кечади.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси “Бонкротлик тўғрисида” қонун.Т.;2003 й.

⁵⁶ Н.Хасанов “”Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банкротлик ва санациянинг назарий асослари” Диссертация автореферати, Т.; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси.2003й.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигини Иқтисодий ночор корхоналао ишлари кўмитасининг маълумотлари.




Бонкротликка олиб келувчи сабабларни учта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Иқтисодий омиллар
2. Ташкилий омиллар
3. Ижтимоий –сиёсий омиллар

² Кошкин В.И.,...Антикризисное управления. М.; Новости,1999 г.

Банкротликни келтириб чиқарувчи сабаблар



⁵⁸ Н.Хасанов “”Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банкротлик ва санациянинг назарий асослари” Диссертация автореферати, Т.; Ўзбекистон Республикаси

Иқтисодий ночорликка олиб келувчи сабаблар сифатида и.ф.н. доцент Нажмиддинов С. ва Хасанов Н. Лар томонидан қуйидаги 12 та сабаб кўрсатилади.⁵⁹

1. Ўз оборот маблағлари етишмовчилиги;
2. Маҳсулотларни ҳақиқий нархини белгилаш механизмининг йўқлиги;
3. Шартнома интизомининг шаклланмаганлиги;
4. Корхонада юридик хизматнинг паст даражада йўлга қўйилганлиги;
5. Ижтимоий, маданий ва маъиший объектларни сақлашга харажатларнинг кўплиги;
6. Дебитор ва кредитор қарздорликни ўсиб кетиши;
7. Асосий ишлаб чиқариш зарари ҳисобига тугалланмаган капитал қўйилмаларга йўл қўйилиши;
8. Ноликвид товар, моддий бойликларнинг сақланиб қолиши;
9. Ноишлаб чиқариш харажатлари;
10. Оборот маблағлари ўз акцияларини сотиб олишга ишлатилиши;
11. Солиққа тортиш ва ҳисоблашдаги корхона раҳбарлари ва иқтисодий хизмат ходимларининг йўл қўядиган камчилик ва хатолари;
12. Корхоналарнинг тижорат фаолияти ҳақидаги ахборотларининг бошқаларга маълум бўлиши.

Бизнинг фикримизча, корхоналар, фирма ва компаниялар иқтисодий ночорлигига таъсир этувчи омилларни бу тартибда каторлайдиган бўлсак ниҳоятда кўп. Уларни, муаллиф Н. Хасанов томонидан келтириб ўтган тартибда бериб ўтиш эса иқтисодий жиҳатдан ўринли дейиш мумкин.

Тўғри, уларда асосий сабаблар кўрсатилган. Лекин уни қуйидаги тартибда бериб ўтиш янада тўғрироқ бўлар эди.

1. Иқтисодий ночорликни фирма ва компания харажатлари билан боғлиқ бўлган омиллари;
2. Иқтисодий ночорликни асосий воситалар билан боғлиқ бўлган омиллари;
3. Иқтисодий ночорликни айланма маблағлар билан боғлиқ бўлган омиллари;
4. Иқтисодий ночорликни номоддий активлар билан боғлиқ бўлган омиллари;
5. Иқтисодий ночорликни ўз ва қарз маблағлари билан боғлиқ бўлган омиллари;
6. Иқтисодий ночорликни меҳнат ресурслари билан боғлиқ бўлган омиллари;
7. Иқтисодий ночорликни ижтимоий-сиёсий омиллари.
8. Иқтисодий ночорликка олиб келувчи бошқа сабаблар (ташкилий сабаблар, инфляция, солиқланиш ва ҳ.к.)

⁵⁹ Н.Хасанов, С.Нажмиддинов “Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш; муаммолар ва уларни ҳал қилиш” Т.; “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси” 1999 й. 43-бет

4.2. Молиявий барқарор, молиявий хавф-хатари бор ва молиявий нобарқарор фирма ва компаниялар фаолиятининг таҳлили

Иқтисодий ночорликка олиб келувчи асосий сабаблардан бири корхонадаги молиявий салоҳиятни тушиб кетиши билан изоҳланади. Молиявий салоҳиятни ўзгариш даражаларига мувофиқ фирма ва компанияларни молиявий жиҳатдан барқарор, молиявий хавф-хатари бор ҳамда молиявий жиҳатдан нобарқарор фирма ва компанияларга ажратиш мумкин.

Фирма ва компанияларнинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда и.ф.д. М.Қ.Пардаев куйидаги кўрсаткичларни таркиблаб ўтади.⁶⁰

1. Ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари;
2. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар;
3. Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар;
4. Айланма маблағлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар;
5. Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар;

Ушбу кўрсаткичлар куйидаги чизмада аниқ кўрсатилган(3.3.-чизмага қаранг).

Проф. Вахобов ва А. Ибрагимов лар томонидан чоп этилган “Молиявий таҳлил” дарслигида молиявий барқарорликни 7 та кўрсаткичи бериб ўтилади. Улар куйидагилардан иборатдир;⁶¹

1. Молиявий мустақиллик коэффиценти;
2. Ўз ва қарз маблағлари орасидаги нисбат коэффиценти;
3. Узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффиценти;
4. Корхонанинг ўзига қарашли маблағларининг чаккон, ҳаракатчонлик коэффиценти;
5. Асосий воситалар эскиришининг жамланиш коэффиценти;
6. Асосий воситаларнинг аниқ қиймат коэффиценти;

Корхонда жами мулкнинг ҳаракатчанлиги коэффиценти;

⁶⁰ М.Қ.Пардаев, Б.Исроилов Иқтисодий таҳлил (ўқув қўлланма) т.;Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси,2001 й.,135-бет

⁶¹ Вахобов А., Ибрагимов А. Молиявий таҳлил.Т.Шарк нашриёти, 2002 й. 23-25 бетлар

Фирма ва компанияларнинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими



Молиявий барқарорликни кўрсаткичлар тизимини таққослайдиган бўлсак улар орасида катта фарқни сезиш мумкин.

Муаллифлар М.Қ.Пардаев ва Б.Исроиловлар томонидан молиявий барқарорликни ифода этувчи кўрсаткичларнинг ҳар бир гуруҳига бир нечта кўрсаткич киритилади. Ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қаторида 3 та, четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қаторида 4 та, ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қаторида 3 та, Асосий воситалар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қаторида 4 та, айланма маблағлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қаторида 5 та кўрсаткич таркибланади.⁶²

4.1.-жадвал

Корхона молиявий барқарорлигини характерловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар номи	Ҳисоблаш йўли	Нимани ифода этиши
1	2	3
Ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари		
Ўз маблағларининг (Ўм) тўпланиш коэффициенти (Кўтк)	$K_{\text{ўтк}} = \frac{\text{Ўм}}{\text{Б}}$	Корхонанинг жами маблағларида ўзига тегишли бўлган маблағларининг ҳолатини ифодалайди
Молиявий қарамлик коэффициенти (Кмқ)	$K_{\text{мқ}} = \frac{\text{Б}}{\text{Ўм}}$	Бир сўмлик ўз маблағига қанча умумий маблағ тўғри келиши ифодалайди
Ўм. Ни ҳаракатчанлик коэффициенти (Км)	$K_{\text{м}} = \frac{\text{Ўм} + \text{Ўмп} - \text{Асот}}{\text{Ўм}}$	Хусусий капиталнинг қанча оборотда иштирок этаётганлигини кўрсатади

⁶² Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Иқтисодий таҳлил (ўқув қўлланма). Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 й.136-138 бетлар

1	2	3
Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар		
ЧЖҚМ(четдан жалб қилинган капитални тўпланиш коэффиценти Кчжқм())	$K_{чжқм} = \frac{чжқм}{ЭБ}$	Умумий маблағдан қанча қисми четдан жалб қилинганини изоҳлайди
Узоқ муддатли ЧЖҚМ ни тўпланиш коэффиценти (Кумчжқм)	$K_{умчжқм} = \frac{Умчжқм}{ЭМ}$	Хўжалик фаолиятини Умчжқм билан таъминланганлик даражасини ифодалайди
ЧЖҚМ таркибий коэффиценти (Кумчжқм)	$K_{умчжқм} = \frac{Умчжқм}{ЭЧЖҚМ}$	Умумий четдан жалб қилинган маблағларда Учжқм ни хиссасини ифодалайди
ЭМ ни ЧЖҚМ га қарамлик коэффиценти (Кчжқм)	$K_{чжқм} = \frac{Чжқм}{ЭМ}$	Бир сўм ўз маблағига қанча четдан жалб қилинган маблағ тўғри келишини ифодалайди
ЭМ ни узоқ муддатли пассивларга (Умп) қарамлик коэффиценти (Кумпқ)	$K_{умпқ} = \frac{Умп}{ЭМ}$	Узоқ муддатли пассивларни ўз маблағларидаги улуши
Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар		
Умумий ҳаракатчанлик коэффиценти (Кух) ёки умумий ҳаракатдаги маблағларни фаоллик коэффиценти(Ухм)	$K_{ух} = \frac{Ухм}{Б}$	Ҳаракатдаги маблағларни умумий маблағлардаги хиссаси
Соф ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффиценти(Кф)	$K_{ф} = \frac{Схм}{Эхм}$	Соф ҳаракатдаги маблағларнинг умумий ҳаракатдаги маблағлардаги хиссасини ифодалайди
Асосий воситалар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари		
Асосий воситаларнинг умумий маблағлардаги хиссасини ифодаловчи коэффицент (Кавх)	$K_{авх} = \frac{Ав}{Б}$	Асосий воситаларнинг умумий хўжалик маблағларидаги хиссасини ифодалайди
Ўз маблағларининг капиталлашуви коэффиценти(Кумк)	$K_{умк} = \frac{Ав - Умп}{Эх}$	Ўз маблағларининг қанча қисми асосий воситаларга сарфланганлигини ифодалайди

1	2	3
Асосий воситалар жамғарилишини умумий коэффиценти (Кавжу)	$Кавжу = \frac{Авуэ}{Ав}$ Авуэ-асосий воситаларнинг жорий эскириш суммаси	Асосий воситаларнинг қанча қисми такрор тўпланганлигини ифодалайди
Асосий воситалар жамғарилишининг интенсивлиги коэффиценти	$Кин = \frac{Авжэ}{Ав}$ Авжэ-Асосий воситаларнинг жорий йилдаги эскириш суммаси	Бир йилда асосий воситалар қийматининг қанча қисми жамғарилганлигини ифодалайди
Айланма маблағлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар		
Айланма маблағларнинг (Айм) оборотдаги ўз маблағлари(Ўхм) билан таъминланганлик коэффиценти (Камт)	$Камт = \frac{Ўхм}{Айм}$ м	Ҳар бир сўм айланма маблағга қанча ўз маблағи тўғри келишини ифодалайди
Айланма маблағларнинг қарамлик коэффиценти (Кчжк)	$Кчжк = \frac{Чжкм}{Айм}$	Четдан жалб қилинган маблағларни айланма маблағлардаги хиссасини ифодалайди
Айланма маблағларнинг қисқа муддатли банк кредитларига(Кмбк) қарамлик коэффиценти (Кбк)	$Кбк = \frac{Кмбк}{Айм}$	Қисқа муддатли кредитларни айланма маблағлардаги хиссаси
Айланма маблағларнинг тез ҳаракатдаги (Пмба) Айм билан таъминланиш коэффиценти (Кхмт)	$Кхмт = \frac{Пмба}{Айм}$	Айланма активларни қанча қисми тез ликвид бўладиган активлар билан қопланганлигини ифодалайди
Айланма маблағларни бутун мулкдаги хиссаси	$Камх = \frac{Айм}{Б}$	Айланма маблағларни барча мулкдаги хиссасини харктерлайди

Фирма ва компанияни молиявий жиҳатдан барқарор дейиш мумкин қачонки, унинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар нормал ҳолатдан юқори даражада бўлса, фирма ва компаниялар молиявий жиҳатдан ҳавф-хатари бор дейиш мумкин қачонки, кўрсаткичлар даражаси нормал даражада ва ундан тушиб кетса, молиявий нобарқарор дейиш мумкин қачонки унинг кўрсаткичлар тизимини ифодаси нормал даражадан кескин тушиб кетса. Унинг чегаравийлигини ҳар битта кўрсаткичлар тизимига нисбатан алоҳида белгилаш лозим. Масалан; товар ва захираларни ўз ва қарзга олинган маблағлар ҳисобига молиялаштирилиши юзасидан қуйидаги ҳолатни белгилаш мумкин;

-Ўз маблағлағлари етарли; ўз ва узоқ муддатли қарз маблағлари етарли; ўз маблағлари, узоқ ва қисқа муддатли қарз маблағлари етарли бўлган ҳолатда фирма ва компания мутлоқ молиявий барқарор деб юритилади;

-Ўз маблағлари етишмовчилиги, қолган маблағлар етарлигида молиявий ҳавф-хатари бор деб;

-Барча маблағлар етишмовчилигида молиявий нобарқарор корхона деб юритиш мумкин.

Асосий воситаларнинг эскириш даражаси бўйича;

-Асосий воситаларнинг эскириш даражаси 50 фоиздан ортиқ даражада молиявий нобарқарор;

-эскириш даражаси 50 фоиз даражасида молиявий ҳавф- хатарли;

-50 фоиздан кам даражада молиявий барқарорлик даражасини ифодалаш мумкин ва ҳакоза.

Молиявий барқарорликни таъминлаш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни белгилаб олиш мумкин;

-хусусий капитални ошириш. Бунинг учун фирма ва компаниялар таъсисчиларини қўшимча бадалларини жалб қилиш шунингдек, фаолиятнинг кейинги давралари бўйича фойда суммасини ошириш талаб қилинади.

-кўп харажат талаб қиладиган асосий воситалар, техника ва технологиялар ўрнига янгиларини олиб кириш;

-банк кредитларини аниқ бизнес режа ва фойдали лойиҳалар ҳисобига жалб этиш ҳамда уларни умумий маблағлар таркибидаги ҳиссасини камайтириб бориш, фирма ва компанияларнинг молиявий қарам бўлиб қолмаслигига ҳаракат қилиш;

-фирма ва компанияларда тўлов интизомига, шартномавий шартларга тўла амал этган ҳолда дебитор ва кредитор қарзларининг кўпайиб кетмаслигини таъминлаш лозим деб ўйлаймиз.

4.3. Фирма ва компаниялар иқтисодий ночорлигини таҳлили

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳаракат майдонида ва унинг таъсирида ривож топадилар, қайта ташкил этиладилар ва банкрот бўладилар. Ташкил этилаётган ҳар бир фирма, компания қаторида албатта ўз фаолиятини тўхтатаётгани ҳам бўлади. Негаки бозор- бу аввола рақобат демакдир. У имкон қадар бозорга хос тарзда фаолият ва ҳаракатдаги ўзгарувчанликни талаб этади. Рақобатга бардош бера олмаган фирма ва компаниялар ўз ўрнини бошқа фирма ва компанияларга бўшатиб берадилар.

Корхона ва фирмаларни банкрот деб эълон қилиш ва уларни тугатиш шартлари давлат номидан иш кўрувчи органлар томонидан қатъий белгиланган тартибда амалга оширилади. Бундай ваколатга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Кўмитаси эга. Ушбу Кўмита томонидан фирма ва компаниялар (корхоналар)ни иқтисодий ночор деб эълон қилишнинг тартиблари белгилаб борилади ва назорат қилинади.

Фирма ва компаниялар иқтисодий ночорлигини белгилашда қуйидаги кўрсаткичларга таянилади;

- фирма ва компания тўлов лаёқати, қоплов коэффицентини ўрганиш;
- фирма ва компаниянинг молиявий мустақиллик ва қарамлик даражасини ўрганиш;
- узоқ муддатли ва жорий активларни манбалашнинг ҳолатини ўрганиш;
- ўз ва қарз маблағлари орасидаги нисбатни ўрганиш;
- ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқий фойдаланиш даражасини ўрганиш;
- асосий ва номоддий активлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш;
- муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатини ўрганиш.

Бу кўрсаткичларни ўрганиш асосида фирма ва компанияларнинг иқтисодий ночорлигини ойдинлаштирувчи саволларга жавоблар топилади, иқтисодий ночорлик белгиларини бор ёки йўқлиги аниқланади. Иқтисодий ночорликни белгилашда ҳар битта кўрсаткичнинг меъёрий даражаларига нисбатан ўзгаришларга таянилади.

4.2-жадвал

Корхоналар иқтисодий ночорлигини таҳлилий кўрсаткичлари ва уларни меъёрий даражалари

Кўрсаткичлар	Аниқланиш тартиби	Меъерий чегара	Ночорлик белгиси
1	2	3	4
Фирма ва компаниянинг тўлов лаёқати	Кт=Жорий активлар/муддати келган тўлов мажбуриятлари	2-3	Кт<2
Фирма ва компаниянинг молиявий мустақиллик коэфф.	Км=Ўз маблағлари манбайи/Жами мулк	Км >50%	Км <50%

1	2	3	4
Узоқ муддатли ва жорий активларни манбаланиши	Оборот маблағлари нақдлиги-моддий ғамламалар/Ўз маблағлари+Узоқ муддатли қарз маблағлари-Моддий ғамламалар	Ортиқча-лик	Етишмов-чилик
Ўз ва қарз маблағлари нисбати коэфф.	$K_a = \frac{\text{Ўз маблағлари}}{\text{қарз маблағлари}}$	Ортиқча-лик	Етишмов-чилик
Активлар, капитал ва мажбуриятлар рентабеллиги	$K_p = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Актив ёки капитал+мажбурият}}$	$K_p > 0$	0 дан кичик
Ишлаб чиқариш кувватларидан ҳақиқий фойдаланиш даражаси	$K_f = \frac{\text{Ишлаб чиқариш кувватининг даражасидаги маҳсулот хажми/техник лойиха бўйича ишлаб чиқарилиши лозим бўлган хажм}}{\text{Ишлаб чиқариш кувватининг ҳақиқий маҳсулот хажми}}$	$K_f = 1 > 0$	$K_f = 1 < 0$
Асосий восита ва номоддий активлар эскиришини жамғарилиш коэфф.	$K_s = \frac{\text{Асосий ва номоддий активларни эскириш қиймати}}{\text{Асосий восита ва номоддий активларни бошланғич қиймати}}$	$K_s > 0.5$	$K_s < 0.5$
Муддати ўтган мажбуриятлар ҳолати	$K_{d/k} = \frac{\text{Муддати ўтган мажбуриятлар/жа-ми мажбуриятлар}}{\text{Муддати ўтган мажбуриятлар}}$	$K_{d/k} < 0.5$	$K_{d/k} > 0.5$

Юқоридан келтирилган коэффицентларнинг натижасига қараб, иқтисодий ночорликни аниқлаш тартибига кўра фирма ва компанияларни;

-мутлак барқарор;

-барқарор;

-нобарқарор;

-банкрот (иқтисодий ночор) ҳолатида дейиш мумкин.

Фирма ва компанияларни банкрот деб эълон қилиш юзасидан ҳукумат комиссиясининг 1997 йил 17 апрелдаги 5- сонли йўриқномасига мувофиқ иқтисодий ночорликни белгилашни қуйидаги 4 та кўрсаткичига таяниш лозимлиги таъкидланади.

Ночорликни белгилашни амалдаги меъёрий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ночорлик ҳолати
Тўлов лаёқати коэфф.	$K_T < 2$
Ўз ва қарз маблағлари орасидаги нисбат коэфф.	$K_a < 2$
Молиявий мустақиллик коэфф.	$K_M < 0.5$
Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш	$K_{от} < 0.1$
Жамиси	$K_H < 4.6$

Юқоридаги манбаларга таянган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, Республикамизда корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини таҳлил қилишда уч гуруҳдан иборат кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади;

Биринчи гуруҳ кўрсаткичлар; муддати 3 ойдан ортган кредиторлик қарзларини борлиги ва манфий рентабеллик даражаси;

Иккинчи гуруҳ кўрсаткичларга; тўловга қобиллик, айланма маблағлар билан таъминлаганлик кўрсаткичлари;

Учинчи гуруҳ кўрсаткичларга; активлар рентабеллиги, хусусий ва четдан жалб қилинган маблағлар нисбати, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати, асосий капитални эскириши каби кўрсаткичлар киритилади.

Бу кўрсаткичлар тизими ”Корхонани иқтисодий ночорлиги аломатларини аниқлаш учун мезонлар тизими” асосида тузиб чиқилган. (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк Кўмитаси 1997 й 17 апрел, 5-сон)

4.4. Фирма ва компаниялар банкротлигини тартибга солиш ва улар молиявий таҳлили натижаларини умумлаштириш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлиги Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни ва унга кейинчалик киритилган қўшимча, ўзгартиришлар билан ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

И.ф.н. доцент С.Нажмиддинов, Н. Хасановлар томонидан чоп этилган “Қорхона молиявий ҳолатини баҳолаш”(муаммолар ва уларни ҳал этиш)-деб номланган ўқув кўлланмасида) – “банкротлик белгиланган тартибда корxonанинг иқтисодий ночорлигини тан олиш, хўжалик суди томонидан уни банкрот деб эълон қилиш демакдир” деб ёзилади.⁶³

Фирма ва компаниялар банкрот деб эълон қилинади қачонки, банкротлик фактларини барчаси эътироф этилса.

Банкротлик таҳлили бевосита таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш асосида баённома тузиш билан яқунланади. Баённомада корxonанинг молиявий аҳволи ва унинг иқтисодий ташхиси, корxonанинг иқтисодий ночорлигини барча кўрсаткичларини изоҳи берилади. Ушбу баённома банкротлик ҳолатлари юзасидан ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш учун манба бўлиб ҳам ҳисобланади.

Амалда банкрот деб эълон қилинган корxonаларга нисбатан бир нечта тадбирлар режаси белгиланади;

- санациялаш (молиявий ёрдам кўрсатиш);
- фаолият йўналишини ўзгартириш;
- диверсификация (бир эмас бир неча номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш);
- ихтиёрий тугатиш;
- мажбурий тугатиш.

Атайлаб қилинган ва сохта банкротлик ҳолатларида банкротлик тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ноқонуний ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиладилар.

Республикамиз бўйича иқтисодий ночор деб эълон қилинган, санацияга туширилган, ташқи бошқарувдаги корxonалар, банкрот деб тан олинган ва тугатилган корxonаларни динамик кўрсаткичларини қуйидаги жадвал маълумотларидан ўқиш мумкин.

⁶³ Хасанов Н, Нажмиддинв С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш (муаммолар ва уларни ҳал қилиш). Т.;Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 й.57-бет

1997-2002 йилларда иқтисодий ночор деб эълон қилинган корхоналарни ҳолати тўғрисидаги –

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Иқтисодий ночор корхоналар	759	252	182	81	82	504
Санациядаги корхоналар	538	312	100	21	22	49
Ташқи бошқарувдаги корхоналар	-	-	22	31	11	58
Бонкрот бўлган корхоналар	148	348	1015	1295	1176	1266
Тугатилган корхоналар	136	177	1006	1148	1267	1080

Иқтисодий ночор корхоналар ташқи бошқарувини жорий этиш ҳоллари Республикамизда 1999 йилдан бошлаб жорий этила бошланди. Уларнинг сони 1999 йилда 22 тани, 2000 йилда 31 тани, 2001 йилда 11 тани, 2002 йилда 58 тани ташкил қилган.

Бонкротликка тушган корхоналарни санациялаш чора тадбирлари 1997 йилда 538 тани ташкил этган бўлса, 2002 йилда 49 тани ташкил қилган.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики бонкрот деб эълон қилинган ва тугатилган корхоналар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

⁶⁴ Жадвал Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Кўмитаси томонидан тайёрланган “Об итогах работы с убыточными, экономическим несостоятельными предприятиями и по ликвидации предприятий-банкротов” маълумотномасидан олинди, 2002 й.

4.5. Иқтисодий ночор фирма ва компаниялар фаолиятини таҳлили ва уларни молиявий соғломлаштиришда халқаро тажрибалар ҳамда, улардан фойдаланиш

Банкротлик тўғрисидаги чет эл тажрибаларини таҳлили шуни кўрсатадики, банкротлик тўғрисидаги қонунлар асосан икки йўналишга ёки моделга эга.

Биринчиси; Буюк Британия модели бўлиб, бунда банкротлик тўғрисидаги қонунчилик банкротга учраган корхонага берилган қарзларни эгасига қайтариб берилишини таъминлашга қаратилган. Масаланинг бундай тарзда қўйилиши асосан корхонани тугатиш асосида амалга оширилади.

Иккинчи модел эса Америка модели бўлиб, бунда қонунчилик банкротга учраган корхонани турли чора-тадбирлар ёрдамида тўлов лаёқатини тиклаб, хўжалик фаолиятини давом эттиришига қаратилган.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида ҳам Банкротлик тўғрисидаги қонунчилик ана шундай икки модел асосида ривожланиб, такомиллашиб бормоқда

4.5.-чизма

Банкротликни халқаро моделлари ва уларни ўзига хос хусусиятлари



Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Иқтисодий ночорликка (бонкротликка) олиб келувчи сабаблар нима?
2. Иқтисодий ночорлик ва бонкротлик масалаларини қайси орган кўриб чиқади?
3. Иқтисодий ночорликни олдини олиш йўллари ва воситалари нималардан иборат?
4. Иқтисодий ночорликни (бонкротлик)ни белгилашда қайси кўрсаткичлар асос қилиб олинади?
5. Иқтисодий ночорликни олдини олиш, ночор корхоналарни қайта ташкил этиш, тугатиш, санасиялаш, фаолиятини ўзгартириш масалалари қандай белгиланади?
6. Фирма ва компанияларни молиявий соғломлаштиришни қандай йўлларини биласиз?

5-боб. Фирма ва компаниялар иш ва бозор фаоллигини таҳлили

Ўрганиладиган саволлар

5.1. Фирма ва компаниялар иш ва бозор фаоллигини тавсифловчи кўрсаткичлар ва улар таҳлилини вазифалари

5.2. Фирма ва компаниялар иш фаоллигини асосий ва айланма капитал билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари таҳлили

5.3. Фирма ва компаниялар иш фаоллигини қарз капитали билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари таҳлили

5.4. Фирма ва компаниялар бозор фаоллиги ва унинг омилли таҳлили

Мавзу бўйича таянч иборалар; фирма иш фаоллиги, фирма бозор активлиги, иш фаоллиги ва бозор активлигини кўрсаткичлари, активлар айланувчанлиги, товарлар айланувчанлиги, дебиторлик қарзлари айланувчанлиги, пул маблағлари айланувчанлиги, ўз маблағлари, хусусий капитал айланувчанлиги, олинган қарзлар айланувчанлиги, акция даромадлиги, акция баҳоси, акцияни курс фарқи, акцияни даромад салмоғи.

Мавзу бўйича муаммоли саволлар

1. Фирма, компаниялар бозор фаоллиги ва иш активлигини ўрганишнинг манфаат субъектларига кимлар киради?

2. Фирма ва компаниялардани иш фаоллигини ўстиришни бугунги кунда қандай чора тадбирларини кўриш мумкин деб ўйлайсиз?

3. Фирма ва компанияларда бозор активлигини ўстиришда нималарга аҳамият бериш лозим ва унинг бугунги кундаги имкониятлари ҳақида нималар дея оласиз?

4. Фирма ва компаниялар бозор ва иш фаоллигини ўстиришда қарз капиталидан фойдаланишни ўринли деб ҳисоблайсизми? Бунда қандай йўл тутиш мумкин?

5. Бозор ва иш фаоллигини аниқлашнинг ишлаб чиқариш ва молиявий левирдждлар билан боғлиқлиги борми, агар бор бўлса уни изоҳланг?

Мавзу бўйича фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

(1, 3, 4, 8, 10, 13, 15, 16, 17, 25, 27, 29, 31, 32, 33, 34, 35, 39, 45, 46, 47, 48, 51, 52, 53, 54, 58, 59, 61, 62, 63, 64, 65, 67, 69, 70, 71, 72, 73)

5.1. Фирма ва компаниялар иш ва бозор фаоллигини тавсифловчи кўрсаткичлар ва улар таҳлилини вазифалари

Фирма ва компанияларнинг бозордаги ўрни, молиявий ва иқтисодий салоҳияти, мавқеи кўп жиҳатдан, унинг иш ва бозор фаоллиги кўрсаткичларининг ҳолатига боғлиқ.

Фирма ва компанияларнинг иш ва бозор фаоллиги кўрсаткичлари улар молиявий ҳолатига баҳо беришда муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Тўғри, иш фаоллигини характерловчи кўрсаткичларни биз илгари ҳам аниқлаганмиз. Лекин уларни иш фаоллиги кўрсаткичлари деб эмас балки, асосий ва жорий активларнинг айланиши, қарз мажбуриятларнинг айланиши сифатида ўрганганмиз.

Бу кўрсаткичларнинг фирма ва компаниялар молиявий ҳолатига баҳо беришдаги аҳамияти, муҳимлигидан келиб чиқиб уларни алоҳида ўрганиш ва тавсифлаш лозим деб ўйлаймиз.

Фирма ва компаниялар иш фаоллиги деганда-унинг асосий ва жорий активларининг айланувчанлиги, қарзларнинг оқланувчанлиги тушунилади.

И.ф.д. проф. М.Қ. Пардаев томонидан корхона иш фаоллиги деб - «корхонани ўз мақсадига эришиш йўлида иқтисодий ва молиявий салоҳиятдан самарали фойдаланиш эвазига мунтазам равишда иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат чора тадбирларга айтилади».⁶⁵

Иш фаоллигини асосий кўрсаткичи сифатида фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари олинган ҳолда муаллиф томонидан фирма ва компаниялар иш фаоллигини қуйидаги кўрсаткичлар тизими таркибланади;

-иш фаоллигини иқтисодий потенциални ишлатиш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари;

-иш фаоллигини молиявий потенциални ишлатиш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари;

-иш фаоллигини иқтисодий самарадорлик билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари.

И.ф.д. Проф. Э.Акрамов томонидан корхона муқим молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида олинган иш фаоллиги кўрсаткичи; корхонада иқтисодий ўсишга, корхонани бир хил даражада ривожланишига олиб келувчи, маҳсулотни ишлаб чиқариш режаларини бажарилишига имкон берувчи, сотишни кўламини оширишга олиб келувчи муҳим дастак сифатида қаралади.⁶⁶

Муаллиф томонидан (Э.Акрамов) корхона иш фаоллигини қуйидаги боғланиши келтирилади.

Корхона фойдасини динамик индекси>Маҳсулотни сотиш ҳажмини динамик индекси>Корхона мулкининг динамик индекси.⁶⁷

⁶⁵ М.Қ.Пардаев, Б.Исроилов «Молиявий таҳлил» (услугий кўрғазмалар ва тавсиялар албоми).Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й., 245-бет

⁶⁶ Э.Акрамов Анализ финансового состояния предприятия.Т.;ТГЭУ.2000г. стр-91

⁶⁷ Э.Акрамов Анализ финансового состояния предприятия.Т.;ТГЭУ.2000г. стр-91

Бу қоида халқаро амалиётда «Корхона иқтисодини олтин қондаси» деб юритилади.

Фирма ва компаниялар иш активлигини муаллиф томонидан қуйидаги кўрсаткичлар тизими орқали ўрганиш тавсия этилади.

5.1-жадвал

Корхона иш фаоллигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими

Кўрсаткичлар	Аниқланиши формуласи
1	2
Корхона активларини айланувчанлик коэфф.(Ка)	$K_a = \text{МСТ} / A$ МСТ-Маҳсулот сотишдан тушум А-Активларнинг ўртача йиллик қиймати
Узоқ муддатли активларни айланувчанлик коэфф.(Кума)	$K_{ума} = \text{МСТ} / \text{УМА}$ Ума-узоқ муддатли активларнинг ўртача йиллик қиймати
Айланма маблағларни айланувчанлик коэфф.(Кам)	$K_{ам} = \text{МСТ} / A_m$ Ам-айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати
Заҳира ва харажатларнинг айланувчанлик коэфф.(Кзх)	$K_{зх} = \text{МСТ} / Z_x$ Зх-заҳира ва харажатларнинг ўртача йиллик қиймати
Хусусий капитални айланувчанлиги коэфф.(Кхк)	$K_{хк} = \text{МСТ} / \check{У}мм$ Ўмм-Ўз маблағлари манбасини ўртача йиллик қиймати
Тайёр маҳсулотни айланувчанлик коэфф.(Ктм)	$K_{тм} = \text{МСТ} / T_m$ Тм-тайёр маҳсулотлар қолдиғини ўртача йиллик қиймати
Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик коэфф.(Кдм)	$K_{дм} = \text{МСТ} / D_m$ Дм-дебиторлик мажбуриятларининг ўртача қиймати
Дебиторлик мажбуриятлари айланишини ўртача муддати (Кд)	$K_d = 365 / K_{дм}$
Кредиторлик мажбуриятларини айланувчанлик коэфф. (Ккм)	$K_{км} = \text{МСТ} / K_m$ Км-Кредиторлик мажбуриятларини ўртача қиймати
Кредиторлик мажбуриятларини айланиш даври (Ка)	$K_a = 365 / K_{км}$
Пул маблағларининг айланувчанлиги(Кп)	$K_p = \text{МСТ} / P_m$ Пм-пул маблағларининг ўртача қолдиғи

Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат фирма ва компаниялар иш фаоллиги балки, уларнинг бозор активлигини оширишга ҳам муҳим аҳамият қаратиш лозим.

Фирма ва компанияларнинг бозор фаоллигини характерловчи кўрсаткичларга қуйидаги кўрсаткичлар киритилади.

5.2.-жадвал

Фирма ва компанияларнинг бозор фаоллигини характерловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш формуласи

Кўрсаткичлар	Аниқланиши ифодаси
Битта акциянинг даромадлиги (Да)	$Да = Асф / Абб$ Асф-Битта акцияга тўғри келадиган соф фойда Абб-битта акцияниг бозор баҳоси
Битта акциянинг хақиқий даромадлиги(Ад)	$Ад = Адс / Анқ$ Адс-битта акцияга тўғри келадиган дивиденд суммаси Анқ-битта акциянинг номинал қиймати
Битта акциянинг курс фарқи коэфф.(Как)	$Как = Асб - Аоб / Анқ$ Асб-аксияни сотиш баҳоси Аоб-аксияни сотиб олиш баҳоси
Акцияга тўланган дивидендлар салмоғи коэфф. (Катд)	$Катд = Тдус / Сф$ Тдум-тўланган дивидендларнинг умумий суммаси Сф-корхона соф фойдаси

Таҳлил вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланади.

1. Фирма ва компанияларнинг иш фоллигини таҳлил этиш орқали унинг молиявий ва иқтисодий салоҳиятини кўтариш;

2. Фирма ва компанияларни бозордаги ўрни ва фаоллигини таҳлил этиш ва уни ўстириш имкониятларини кўрсатиб бериш;

3. Фирма ва компанияларни иш ва бозор фаоллигини унинг молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш;

4. Фирма ва компанияларда мажбуриятларни мақсадли бошқаришни йўлга қўйиш;

5. Пул ва ликвид маблағларни айланувчанлигини тезлаштириш юзасидан чора тадбирларни белгилаш.

6. Товарлар ва заҳираларни корхонада туриб қолмаслиги, уларни айланувчанлиги таъминлаш йўл-йўриқларини белгилашдан иборатдир.

Таҳлил учун зарур бўлган ахборотлар молиявий ҳисоботнинг (1-шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот, 3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати» тўғрисидаги ҳисобот, 4-шакл (Пул оқими тўғрисидаги» ҳисобот 5- шакл «Хусусий капитал тўғрисида»ги ҳисобот)шаклларида олинади.

5.2. Фирма ва компаниялар иш фаоллигини асосий ва айланма капитал билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари таҳлили

Фирма ва компаниялар фаолиятида асосий воситаларнинг ролини қуйидагича изохлаш мумкин;

Биринчидан; асосий воситалар ишчи капитални харакатлантирувчи куч ҳисобланади.

Иккинчидан; улар корхона иш унумини ўстиришни муҳим омили;

Учинчидан; иқтисодий салоҳиятини ўстиришнинг муҳим дастаги;

Тўртинчидан; ҳолати, ҳаракати ва самарадорлиги бўйича молиявий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилidir.

Асосий воситаларни бир йилдан ортиқ хизмат фаолиятида бўлиши уларни қийматини йиллар бўйича оқланувчанлигини характерлайди. Уларнинг иш фаоллигини катъий белгиланган нормативлари мавжуд дейиш ҳам мумкин. Масалан; енгил транспорт воситалари ва компьютер жиҳозлари бўйича йиллик 20 фоиз амортизация нормалари белгиланган. Демак, мазкур асосий воситаларни ишлаб чиқариш жараёнида 5 йил давомида харакат қилиши зарур. Яъни, уларнинг битта циклик айланиши 5 йилга тенг деб олинади. Лекин эскириш ҳисоблашнинг турли усулларининг мавжудлиги (тезлаштирилган, 2 карра оширилган, қолдиқ, комулятив ва х.к.) уларнинг айланувчанлигига таъсир этувчи бирликлар ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг айланувчанлигини топишда уларнинг ўртача йиллик қийматини шу даврдаги маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган тушумга нисбатлаш асосида топилади. Яъни;

$K_a = \text{Маҳсулот сотишдан тушум} / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$.

Бунда; асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати ўртача хронологик формула бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати қуйидаги боғланишда топилади;

$$A = (1/2A_{\text{я}} + A_{\text{ф}} + A_{\text{м}} + \dots + 1/2A_{\text{д}}) / 13 - 1$$

Бунда;

$A_{\text{я}}$ - 1 январ ҳолатига асосий воситалар қиймати;

$A_{\text{ф}}$ - 1 феврал ҳолатига асосий воситалар қиймати;

,...

$A_{\text{д}}$ - 1 декабр ҳолатига асосий воситалар қиймати.

Асосий воситаларнинг айланувчанлигига таъсир этувчи омиллар сифатида; маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан тушум суммасининг ўзгариши; асосий воситаларнинг йиллик ўртача қийматларининг ўзгаришини киритиш мумкин.

Асосий воситаларнинг айланиш коэффиценти орқали уларни битта айланишига кетган вақтни ҳам аниқлаш мумкин. Бу қуйидаги боғланишда ифода этилади;

$$K_{\text{д}} = 365 / K_{\text{а}}$$

Лекин бу кўрсаткични аниқлаш иқтисодий жиҳатдан мазмунга эга эмас деб қаралади. Негаки асосий воситаларнинг айланиш даври ҳар қандай ҳолатда ҳам бир

йилдан ошиқ муддатга режалаштирилади. Агар шу шарт бўлмаганида эди улар ҳам моддий оборот маблағлари қаторига киритилган бўлар эди.

Асосий воситаларнинг айланувчанлиги уларнинг таркиби бўйича ҳам ўрганилиши мумкин. Масалан; фаолият йўналишлари бўйича банд қилинган асосий воситалар бўйича; актив ёки пассив асосий воситалар бўйича; асосий воситаларнинг тури бўйича ва ҳакоза.

Айланма капитал ёки жорий активларни айланиши ҳам умумийлик ва алоҳидаликда ўрганилади. Умумийликда жами жорий активлари суммасига нисбатан, бирлик кўрсаткичлари бўйича тайёр маҳсулотлар, захиралар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар бўйича, дебиторлик мажбуриятлари бўйича аниқланади.

Ку=Маҳсулот сотишдан тушум/жорий активлар

Кб=Маҳсулот ҳажми/Т, Зх, Пм, Ққ, Дм

Бунда;

Т-товарларни йиллик ўртача қолдиғи;

Зх-захираларни йиллик ўртача қолдиғи;

Пм-пул маблағларининг йиллик ўртача қолдиғи;

Ққ-қимматли қоғозларининг йиллик ўртача қолдиғи;

Дм-дебиторлик мажбуриятларининг йиллик ўртача қолдиғи.

Уларнинг айланиш даври жорий даврдаги кунлар сонини айланиш коэффицентига бўлиш асосида аниқланади.

Яъни;

Ктд=365/ товарларни айланиш коэффиценти (Кат)

Кзхд=365/ захираларни айланиш коэффиценти (Казх)

Кпмд=365/ пул маблағларини айланиш коэффиценти (Капм)

Кққд=365/қимматли қоғозларни айланиш коэффиценти (Какқ)

Кдмд=365/ дебиторлик мажбуриятларини айланиш коэффиценти (Кадм)

5.3.-жадвал

Фирма ва компаниялар иш фаоллигини активлар билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлили

Кўрсаткичлар	Жорий йил	Ўтган йил	Ўсиши %
1	2	3	4
1.Маҳсулот сотишдан тушум, м.с.	76330	72500	105.3
2.Активларнинг йиллик ўртача қиймати, м.с.	30550	27868	109.6
3.Узоқ муддатли активларнинг йиллик ўртача қиймати, м.с.	8500	7800	108.9
4.Айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати, м.с.	22050	19968	110.4
5.Заҳира ва харажатларнинг йиллик ўртача қиймати, м.с.	18500	16600	111.4
6.Тайёр маҳсулотларни йиллик ўртача қолдиги, м.с.	9300	7500	124.0

1	2	3	4
7.Пул маблағларини йиллик ўртача қолдиғи, м.с.	3550	3368	105.4
8.Дебиторлик мажбуриятларини йиллик ўртача қиймати, м.с.	2500	2000	125.0
9.Активлар айланувчанлиги	2.5	2.6	96.1
10.Узоқ муддатли активлар айланувчанлиги	8.9	9.3	95.7
11.Заҳира ва харажатларнинг айланувчанлиги	4.1	4.4	93.2
12.Тайёр маҳсулотлар айланувчанлиги	8.2	9.7	84.5
13.Дебиторлик мажбуриятларини айланувчанлиги	30.5	36.5	84.3
14.Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш даври, кун	12	10	120

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки фирмада активларни айланувчанлиги уларнинг таркиби бўйича турлича бўлган. Жами активларнинг айланувчанлиги 96.1 физга, узоқ муддатли активларни айланувчанлиги 95.7 фоизга, заҳира ва харажатларнинг айланувчанлиги 93.2 фоизга, тайёр маҳсулотларнинг айланувчанлиги 84.5 фоизга, дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги 84.3 фоизга бажарилган халос.

5.3. Фирма ва компаниялар иш фаоллигини қарз капитали билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари таҳлили

Иқтисодий ҳаракат ва фаолиятда фирма ва компаниялар албатта қарз капиталига суянишга мажбурлар. Негаки фаолиятнинг дастлабки даврига капиталнинг етарли бўлмаслиги ёки умуман бўлмаслиги аниқ режа ва лойиҳалар асосида қарз капиталига таянишга мажбур қилади.

Қарз капитали уч хил шаклини кириб қўйиш мумкин;

1. Узоқ муддатли қарз капитали;
2. Қисқа муддатли қарз капитали;
3. Кредиторлик мажбурияти (қундалик мажбурият).

Мажбуриятларнинг айланувчанлиги деганда уларнинг оқланувчанлик даражаси ва даври тушунилади.

Фирма ва компаниялар иш фаоллигини характерловчи кўрсаткичлар қаторида юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари ўз капиталини айланувчанлик даражаси ва даври ҳам ўрганилади.

Ўз маблағларининг айланувчанлик коэффиценти маҳсулот сотишдан олинган тушум суммасини хусусий маблағларни йиллик ўртача қийматига бўлиш асосида топилади.

Мажбуриятлар айланувчанлигини топишда маҳсулот сотишдан олинган тушум суммаси Узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларга, кредиторлик мажбуриятларига бўлинади.

Айланувчанлик даври яъни битта айланишга кетадиган вақтни топиш учун жорий даврдаги кунлар сони (365, 180, 90, 30) айланиш коэффицентининг бирлик кўрсаткичларига бўлинади.

Фирма ва компаниялар иш фаоллигини хусусий ва қарз капитали билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Жорий йил	Ўтган йил	Ўсиши %
1.Маҳсулот сотишдан тушум, м.с.	76330	72500	105.3
2.Хусусий капиталнинг йиллик ўртача қиймати, м.с.	20120	18500	108.7
3.Узоқ муддатли қарз капиталини йиллик ўртача қиймати, м.с.	5550	5550	100
4.Қисқа муддатли қарз капиталини йиллик ўртача қиймати, м.с.	2310	2450	94.0
5.Кредиторлик мажбуриятларини йиллик ўртача қиймати,м.с.	2570	1368	187.0
Хусусий капитални айланувчанлиги	3.79	3.91	96.0
Узоқ муддатли қарз капиталини айланувчанлиги	13.75	13.06	105.0
Қисқа муддатли қарз капиталини айланувчанлиги	33.4	29.59	112.0
Кредиторлик мажбуриятини айланувчанлиги	29.7	52.99	56

Корхонада хусусий маблағлар ва кредиторлик мажбуриятларини айланувчанлиги жорий даврда ўтган йилга нисбатан тезлашган, лекин узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар айланувчанлиги секинлашган.

5.4.Фирма ва компаниялар бозор фаоллиги ва унинг омилли таҳлили

Фирма ва компанияларни бозор фаоллигини характерловчи кўрсаткичлар қаторига фирма ва компанияларнинг хусусий капиталининг бирлик кўрсаткичларининг фойдалилик ва даромадлик даражасини характерловчи кўрсаткичлар киритилади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган акционерлик жамиятларини мулкӣ жамғармаларини шакллантиришда улар томонидан чиқарилган акцияларни жойлаштириш муҳим масала ҳисобланади. Акцияларни дастлабки, номинал қиймати шакллантириш,фирма ва компанияларнинг иш фаоллиги, фойдалиги таъсирида ўзгариб боровчи акцияларнинг бозор қийматларини ўрганиш асосида фирма ва компанияларни дивиденд сиёсатига ҳам баҳо бериш мумкин.

Акцияларнинг бозор қиймати, бирламчи ва иккиламчи бозорда фирма ва компания акцияларини нархларини ошишини тавсифлайди. Фирма ва компанияларни бозордаги фаоллигини эса битта акциянинг даромадлик, фойдалилик даражаси таъминлайди. Бунга бевосита фирма ва компанияларни дивиденд сиёсатининг таъсири, фирма ва компаниянинг рентабеллик даражаси, молиявий барқарорлиги, тўловга қобиллиги каби кўрсаткичлар таъсир этади.

Мавзу бўйича назорат саволлари

- 1.Фирма ва компаниялар иш фаоллигини характерловчи кўрсаткичлар қаторига қандай кўрсаткичлар киритилади?
- 2.Фирма ва компаниялар бозор фаоллигини характерловчи кўрсаткичлар ва уларнинг тавсифи?
4. Фирма ва компаниялар иш ва бозор фаоллигини таҳлили қандай амалга оширилади?
5. Фирма ва компанияларда иш ва бозор фаоллигини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таркибланг ва изоҳланг?
6. Фирма ва компанияларда иш фаоллигини ва бозор фаоллигини прогнозлаш деганда нимани тушунасиш ва унинг мазмунини тушунтириб беринг?

6-боб. Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини таҳлили

Ўрганиладиган саволлар

6.1. Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини баҳолашни мезонлари ва молиявий таҳлил вазифалари

6.2. Фирма ва компанияларда, узоқ ва қисқа муддатли кредитларни жалб этишда молиявий таҳлил

6.3. Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини баҳолашда маблағлар ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таҳлили

6.4. Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини баҳолашни бошқа кўшимча кўрсаткичлари таҳлили

6.5. Фирма ва компанияларда кредитга ва лаёқатлигини ўстиришнинг амалий чора-тадбирлари

6.6. Кредитга лаёқатликни баҳолашни хориж тажрибалари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги тажрибалар билан мувофиқлиги

Мавзу бўйича таянч иборалар; тўлов маблағлари, тўлов мажбуриятлари, тўлов лаёқати, кредитга лаёқатлилик, қисқа муддатли мажбуриятлар, жорий тўлов лаёқати, оралиқ тўлов лаёқати, умумий тўлов лаёқати, маблағлар ликвидлиги, кредитлар, қарзлар, мажбуриятлар.

Мавзу бўйича муаммоли саволлар

1. Фирма, компаниянинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда қандай кўрсаткичлар ўрганилади?

2. Янги очилган фирма ва компанияларга узоқ ва қисқа муддатли кредитларни банд қилиш юзасидан қарор қабул қилишда қандай йўл тугилади?

3. Фирма ва компанияларда кредит, қарз, ссуда маблағларни жалб қилишни қандай фарқлари мавжуд?

4. Кредитга лаёқатликни баҳолаш мезонлари қайси ташкилот томонидан белгиланади ва тузиб чиқилади?

5. Тўловга қобиллик билан кредитга лаёқатликни қандай фарқи бор?

6. Фирма ва компанияларга кредитларни жалб этишда кўрсаткичларни қайси ҳоллари асос қилиб олинади?

7. Кредитни гаров ҳисобига жалб этишда мижознинг молиявий аҳволини таҳлил этиш шартми, агар шарт бўлса бунинг зарурияти нимада?

8. Фирма ва компанияларда кредитга лаёқатликни баҳолашда кредит ресурсларини ҳажмига, тури, шаклига аҳамият бериладими?

Мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар

(1, 2, 3, 4, 7, 8, 10, 13, 15, 16, 18, 27, 29, 31, 35, 37, 39, 45, 47, 48, 50, 51, 52, 54, 55, 56, 58, 59, 61, 62, 64, 65, 68, 69, 70, 71, 72, 73)

6.1. Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини баҳолашни мезонлари ва молиявий таҳлил вазифалари

Фирма ва компаниялар иқтисодий ҳаракатда, албатта, қарз капиталига зарурият сезадилар. Негаки, бизнесни дастлабки қадамига етарли маблағ тадбиркорларда доимо етарли даражада бўлавермайди ёки умуман бўлмайди. Иқтисоди ривожланган давлатлар бизнес ҳаётини кузатиш шуни кўрсатадики фаолиятни, бизнесни 90 фоизи қарз капитали ҳисобига йўлга қўйилади.

Бундан кўришиб турибдики, фирма ва компаниялар доимо аниқ бизнес лойиҳалари, режалари асосида қарз капитали жалб қиладилар ва уни ишлатишдан фойда олишга ҳаракат қиладилар.

Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини баҳолашни тасдиқ топган меъёрий актлари ва Низомига таъянган ҳолда ҳар битта бизнес субектини кредитни, қарзни қайтариб бериш лаёқатига эгаллиги ўрганилмоғи лозим. Бу мезонлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Иқтисодиёт Вазирлиги, Иқтисодий ночор корхоналар билан ишлаш Кўмитаси ва тегишли Вазирликлар томонидан тузиб чиқилган.

Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигига и.ф.д. проф. М.Қ.Пардаев томонидан қуйидагича изоҳ берилди. “Корхонанинг кредитга лаёқатлиги деганда- унинг кредит олиш ва ўз вақтида олинган кредитни тўлиқ қайтариш қобилияти тушунилади”.⁶⁸

Муаллиф томонидан, корхоналарнинг, фирма ва компанияларнинг кредитга лаёқатлигини ўрганиш мақсадида қуйидаги кўрсаткичларни баҳолаш лозимлиги таъкидланади,⁶⁹

-кредитни тўлашга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш, таҳлил этиш;

-маблағларни ликвидлиги (айланувчанлигини) баҳолаш, таҳлил этиш;

-фирма ва компаниялар фойдалиги билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлил этиш;

-молиявий барқарорлик билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни баҳолаш, таҳлил этиш.

Фирма ва компанияларда кредитга лаёқатлигини баҳолашда олинган кредитни турига, албатта, қараш лозим. Кредит маблағларини узок (бир йилдан ортиқ муддатга), қисқа муддатга жалб этиш ҳолларини эътиборга олиш лозим. Узок муддатли кредитлар одатда узок муддатли активларни шакллантиришга, қисқа муддатли кредитлар эса оборот маблағларни манбалашга ёки шакллантиришга жалб қилинади.

Фирма ва компанияларнинг кредитга қодирлик даражасини унинг тўловга қобиллиги, молиявий барқарорлиги, капиталнинг фойдалилиги каби кўрсаткичлар асосида баён этиш мумкин. Ушбу кўрсаткичларнинг мезонига таянган ҳолда фирма ва компанияларнинг кредитга лаёқатлигини тавсифловчи “синф” шкаласи тузиб чиқилади. Ушбу шкала бўйича фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини

⁶⁸ Пардаев М.К., Исроилов Б. Молиявий таҳлил Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 й.219-бет

⁶⁹ Пардаев М.К., Исроилов Б. Молиявий таҳлил Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 й.220-бет

характерловчи кўрсаткичлар даражаси биринчи ва иккинчи синфга тушса, фирма ва компания кредитни олишга лаёқатли, 3 ва 4- синфларга тушадиган бўлса кредитни олишга нолайиқ деб топилади.

Таҳлил этишда, кредит ташкилотларининг инспекторлари томонидан, кредит олиш ҳақида ариза берган ҳар битта фирма ёки компаниянинг аудиторлик хулосаси олинган молиявий ҳисобот маълумотлари асосида молиявий ҳолати баҳоланади. Баҳолаш натижаси бўйича баённома тузилади ва бу баённома кредит олувчи билан тузиладиган кредит шартномасига асос бўлиб хизмат қилади.

Фирма ва компанияларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда таҳлил олдида қуйидаги вазифалар қўйилади;

- фирма ва компанияларнинг кредитга лаёқатлигини даврий оралиқлар бўйича ўрганиш;

- фирма ва компанияларнинг молиявий барқарорлиги, активлар ва капитал фойдалилигини баҳолаш;

- маблағларни жойлашинувидаги ҳолат, уларнинг айланувчанлигини баҳолаш;

- муддати ўтган мажбуриятларнинг ҳолати, фирма ва компанияларнинг молиявий мустақиллик даражасидаги ўзгаришлар, сотиш ҳажмидаги ўсиш, ликвид маблағларнинг ҳолати каби қўшимча кўрсаткичларга баҳо бериш;

Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини таҳлил этишда молиявий ҳисоботни барча шаклларидадан фойдаланиш, уларнинг мувофиқлигига ва даврий ўзгаришларига аҳамият бериш талаб этилади.

6.2. Фирма ва компанияларда, узоқ ва қисқа муддатли кредитларни жалб этишда молиявий таҳлил

Фирма ва компанияларда узоқ ва қисқа муддатли кредитларни жалб этишда, аниқ ва пухта ишланган бизнес режага ва инвестицион лойиҳаларга эътибориш бериш лозим. Лекин унгача албатта, ушбу фирма ёки компаниянинг, молиявий аҳволи ўрганилиши лозим. Кредит ресурсларини жалб этишнинг турли рискларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим деб ўйлаймиз. Масала. Бир неча йилдан буён фаолият юритаётган корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил этишнинг ахборот манбайига эгамиз ва унинг кредитни жалб этиш баённомасини тузишда унга таяниш мумкин. Лекин янги ташкил топган корхона ёки фаолиятини эндигина йўлга қўйган корхонанинг молиявий ҳисоботлари тузилмаган ҳолларда, унинг молиявий аҳволини қандай баҳолаш мумкин. Шу ва шу каби саволларга ушбу мавзуда албатта тўлиб жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Биринчидан; эндигина фаолият бошлаган ёки рўйхатга олинган корхонанинг, албатта, устав капитали шаклланганлигига аҳамият берилади. Устав капиталининг даражаси ва унинг бизнесни йўлга қўйишдаги, тармоқ бўйича ўртacha даражага нисбатан ҳолатини баҳолаш орқали ҳам фикр юритиш мумкин. Шунингдек, гаров, кафиллик шартлари асосида ҳам кредит шартномасини расмийлаштириш мумкин.

Кредит аризаси берган фирма ёки компаниянинг молиявий таҳлилида муҳим кўрсаткичлар сифатида биринчи навбатда унинг тўлов лаёқати, қоплов коэффиценти баҳоланади. Бу коэффицентлар асосида фирма ва компаниянинг, чораклар ва йиллар бўйича тўловга қобиллик даражаси, ўзининг муддатли мажбуриятларини тўлашга қобилиги баҳоланади.

Фирма ва компанияларнинг томонидан олинган кредит ресурслар нафақат корхонанинг тўловга қобиллигига балки унинг маблағларининг ҳаракатчанлик (ликвидлилик) даражасига ҳам боғлиқ. Шу сабабли таҳлил этишда бухгалтерия баланси маълумотлари асосида фирма ва компанияларнинг ҳаракатчан маблағларини ҳолатига, тез ва секин пулга айланувчи активларга, ноликвид маблағлар ҳолатига, уларнинг тўлов муддати келган, қисқа ва узоқ муддати мажбуриятларга нисбатига, доимий пассивларни ноликвид ва ликвид маблағларни манбалашдаги ҳолатига баҳо бериш талаб этилади.

Сўнги пайтларда олинган кредит ресурсларининг ўз вақтида ва қайтмаслик ҳолларига кредити институтлари томонидан кўп дуч келинмоқда. Шу сабабли фирма ва компанияларнинг кредитга лаёқатлигини таҳлил этишда молиявий ҳолат таҳлилида қуйидаги қўшимча тарзда қуйидаги мавзуларни ўрганиш тавсия этилади;

- фирма ва компанияларнинг рентабеллик даражаси;
- айланма мабалағларнинг ҳолати;
- ўз маблағларини ҳажми, уларнинг асосий ва оборот капиталидаги иштироки;
- ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларни ўсиш темпларига;

- тўлов муддати келиган ва ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига;
- фирма ва компанияларнинг пул ва қимматли қоғозларининг мавжудлигига ва бошқа жиҳатларга аҳамият берилади.

6.3. Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини баҳолашда тўлов қобилиятини ва маблағлар ликвидлиги таҳлили

Фирма ва компанияларда кредит ресурсларини жалб этишда асос кўрсаткич бу-тўловга қобиллик кўрсаткичидир. Тўловга қобиллик корхонанини тўлов имкониятларини, яъни унинг ўз мажбуриятларини тўлашга қодирлигини характерлайди.

Муаллифлар Вахобов А.В. ҳамда Ибрагимов А.Т. лар томонидан чоп этилган “Молиявий таҳлил” дарслигида корхона тўлов лаёқатига шундай таъриф берилади.

“Тўлов қобилияти дейилганда, хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маблағларни етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади” дейилади.⁷⁰

Муаллифлар; Хасанов Н., Нажмиддинов С. лар томонидан чоп этилган “Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш” деб номланган ўқув қўлланмасида “тўловга қобиллик-корхонанинг тўлов имкониятларини, яъни унинг оборот маблағлари қанчалик қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашини характерлайди”⁷¹ дейилади.

Юқорида берилган таърифлар албатта мазмун жиҳатдан тўғри лекин уни қуйидаги тартибда бериб ўтиш лозим деб ўйлаймиз.

Фирма ва компанияларни тўлов лаёқати деганда уларни, тўлов муддати келган мажбуриятларни қоплашга жорий маблағларининг етарлиги ёки етишмовчилиги тушунилади.

Бу жиҳат таърифлаш мазмун жиҳатдан юқоридаги таърифлашлар билан бир хилда, лекин сўз ва иборалар ўз ўрнида ишлатилган. Сабабки, биринчи таърифдаги “камчилик”, “хўжалик” сўзлари, иккинчи таърифдаги “тўлов имкониятлари”, “оборот” каби сўзлар ўз ўрнида ишлатилмаган.

Фирма ва компанияларни тўлов лаёқатини характерловчи кўрсаткичларга қуйидаги кўрсаткичлар киритилади;

-мутлақ тўлов лаёқати;

-оралиқ тўлов лаёқати;

-жорий тўлов лаёқати;

Муаллифлар; Вахобов А.В., Ибрагимов А.Т, лар томонидан чоп этилган “Молиявий таҳлил” дарслигида тўлов лаёқатининг 2 та кўрсаткичи фарқланади, яъни;

-узоқ муддатга тўлов лаёқати;

-қисқа муддатга тўлов лаёқати.

Тўлов лаёқатининг кўрсаткичларини узоқ ва қисқа даврийликка деб таркиблаш тўғри эмас. Нагаки бу таркиблаш, муддат бўйича эмас балки тўлов маблағларининг ликвидлиги бўйича таркиблашни характерлайди. Яъни муаллифлар, қисқа муддатли тўлов лаёқати деганда қайтариш муддати келган мажбуриятларга фақат, пул маблағлари ва қисқа муддатли қимматли қоғозларни етарлиги ёки етишмовчилини

⁷⁰ Вахобов А.В., Ибрагимов А.Т. Молиявий таҳлил Т.;Шарк, 2002 й. 29-бет

⁷¹ Хасанов Н., Нажмиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш (муаммолар ва уларни хал этиш).Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999 й.,29-бет

тушунадилар. Биринчидан; узоқ ва қисқа муддат, қарз капиталининг бир йилгача ва бир йилдан ортиқ муддатга бўлган мажбуриятларини ҳам олиши лозим. Яқин ораликқа нисбатан узоқ ва қисқа муддатни белгилаб бўлмайди. Иккинчидан; қисқа муддатли қимматли қоғозлар бўлмайди, улар “қисқа муддатли молиявий қўйилмалар”нинг бир тури халос.

Проф. Э.Акрамов томонидан тўловга қобилликни 4- кўрсаткични аниқлаш ҳам тавсия этилади. Бу кўрсаткич “Умумий тўловга қобиллик” –

Умумий тўловга қобиллик кўрсаткичи барча активларни мажбуриятлар жамига бўлиш асосида топилади.

1.Мутлақ тўлов лаёқати (Кмтл). Ушбу кўрсаткич фирма ёки компаниянинг пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмаларини муддати келган тўлов мажбуриятларига, қисқа муддатли мажбуриятларга бўлиш асосида топилади. Яъни;

$$\text{Кмтл}=\text{ПМ}+\text{ҚММҚ}/\text{ҚММ}$$

Бунда;

ПМ-пул маблағлари;

ҚММҚ-қисқа муддатли молиявий қўйилмалар;

ҚММ-қисқа муддатли (тўлов муддати келган) мажбуриятлар.

Ушбу кўрсаткич қисқа муддатли мажбуриятнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмаларни характерлайди.

2.Оралик тўлов лаёқати(Котл). Ушбу кўрсаткич мутлақ тўлов лаёқати кўрсаткичидан Соф дебиторлик суммасига фарқ этади. Яъни;

$$\text{Котл}=\text{ПМ}+\text{ҚММҚ}+\text{СДМ}/\text{ҚММ}$$

Бунда;

СДМ-соф дебиторлик мажбурияти.

Соф дебиторлик мажбурияти, жами дебиторлик қарздан муддати ўтган дебиторлик қарзларини чегириш асосида топилади. Чунки муддати ўтган дебиторлик қарзлари кредиторлик қарзини қоплай оладиган ҳақиқий манба бўла олмайди.

Ўтиш муддати бўлиб ҳуқуқий ва жисмоний шахслар учун ҳам битта мезон бир йилга белгиланган. (мол етказиб берувчи ва харидор, буюртмачилар билан бўладиган муносабатлардаги 3-ойлик муддат бундан мустасно).

3.Жорий тўлов лаёқати(Кжтл). Ушбу кўрсаткич муддати келган тўлов мажбуриятлари ёки қисқа муддатли мажбуриятларни тўлашга барча оборот, айланма активларни етарлиги ёки етишмовчилигини характерлайди.

Яъни;

$$\text{Кжтл}=\text{ПМ}+\text{ҚММҚ}+\text{СДМ}+\text{ТЗ}$$

Бунда;

ТЗ- товарлар ва захиралар қиймати.

Проф. Э.Акрамов томонидан тавсия этилган умумий тўловга қобиллик кўрсаткичи қуйидагича аниқланади. Яъни;

$$\text{Кутл}=\text{Узоқ муддатли активлар}+\text{Оборот активлар}/\text{М}$$

Бунда;

⁷² Акрамов Э. Анализ финансового состояния предприятия Т.; ТГЭУ, 2000 г., 53-стр.

М-мажбуриятлар (бухгалтерия баланси пассивининг 2-бўлим жамиси)

Фирма ва компаниялар тўлов лаёқатини баҳолашда маблағлар ликвидлиги кўрсаткичи ҳам ўрганилади. Маблағлар ликвидлиги (айланувчанлиги)ни баҳолашда активлар, капитал ва мажбуриятлар ҳаракатчанлиги ва тўлов муддатли бўйича қайта таркибланади.

Активларни ликвидлиги бўйича қуйидаги таркибда гуруҳлаш мумкин;

1. Ликвид маблағлар (Пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар);
2. Тез сотиладиган активлар (Дебиторлик мажбуриятлари);
3. Секин сотиладиган активлар (товарлар, захиралар);
4. Қийин сотилувчи активлар (Узоқ муддатли активлар);

Юқоридаги таркиблашга мос равишда, фирма ва компанияларга тегишли капитал ва мажбуриятларни ҳам қуйидаги таркибда гуруҳлаш мумкин;

1. Тўлов муддати келган мажбуриятлар;
2. Қисқа муддатли пассивлар (мажбуриятлар);
3. Узоқ муддали пассивлар (мажбуриятлар);
4. Доимий пассивлар.

Активлар, капитал ва мажбуриятларни ўзаро таққослаш асосида фирма, компаниянинг бухгалтерия балансининг ликвидлилик даражасига баҳо бериш мумкин.

Бунда қуйидаги мезонга таянилади;

- $A1 > П1, A2 > П2, A3 > П3, A4 < П4$ =тўла ликвид фирма;
 $A1 < П1, A2 > П2, A3 > П3, A4 < П4$ =ликвидлик фирма
 $A1 < П1, A2 < П2, A3 > П3, A4 < П4$ =ноликвидлик фирма
 $A1 < П1, A2 < П2, A3 < П3, A4 < П4$ =бонкрот фирма

6.4. Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини баҳолашни бошқа қўшимча кўрсаткичлари таҳлили

Фирма, компанияни кредитга лаёқатлигини ўрганишда битта тўлов лаёқати кўрсаткичи натижаларига таяниш тўғри бўлмайди. Шу сабабли қўшимча кўрсаткичлар ва уларни таҳлил этишга муҳим аҳамият берилади. Бундай кўрсаткичлар қаторига қуйидагилар киритилади.

1.Фирма, компаниянинг молиявий барқарорлиги.

2.Фирма, компания фойдалилиги;

3.Капиталнинг айланувчанлиги.

1.Фирма, компания молиявий барқарорлигига баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил қилинади; четдан жалб қилинган маблағларнинг барча маблағлар таркибидаги хиссаси, четдан жалб қилинган маблағларнинг ўз маблағларига нисбати даражаси, ўз айланма маблағларининг ҳаракатланиш даражаси, узоқ муддатли маблағларнинг четдан жалб қилинган маблағлардаги хиссаси, моддий айланма маблағларнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланиш даражаси, ўз маблағлари таркибида асосий капиталнинг хиссаси, асосий капиталнинг эскириш даражаси, асосий ва айланма маблағларнинг умумий капиталга нисбати коэффицентлари таҳлил этилади.

2.Фойдалилик кўрсаткичлари қаторида; умумий маблағларнинг фойдалилиги, асосий воситалар фойдалилиги, узоқ муддатли ва оборот активларнинг фойдалилиги, ўз маблағлари фойдалилиги, сотилган маҳсулот фойдалилиги каби кўрсаткичлар ўрганилади.

3.Капиталнинг айланувчанлигини характерловчи кўрсаткичлар қаторида; умумий маблағларнинг айланувчанлиги, асосий воситаларнинг айланувчанлиги, айланма маблағларининг айланувчанлиги, моддий айланма маблағларининг айланувчанлиги, пул маблағларининг айланувчанлиги, дебитор қарзларининг айланувчанлиги каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Ҳозирги пайтда кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслиги ҳоллари кўп учраши ва улардан имкон қадар ҳимояланиш мақсадида қўшимча суръатда яна қуйидаги кўрсаткичларни баҳолаш ҳам талаб этилади.

-рентабеллик даражалари;

-сотилган маҳсулотларни ўзгариш суръатлари;

-тўлов муддати ўтган мажбуриятларнинг ҳолати;

-олинган кредитлар юзасидан фоизлар ва уларнинг тўлаш имкониятлари;

-фирманинг ҳисоб рақами ва бошқа ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг ҳолати каби масалалар.

6.5. Фирма ва компанияларда кредитга ва лаёқатлигини ўстиришнинг амалий чора тадбирлари

Фирма ва компанияларнинг кредитга лаёқатлигини ўстиришнинг амалий чора тадбирлари, уларнинг молиявий ҳолатида рўй бераётган ўзгаришлар ва натижалардан келиб чиқиб белгиланади. Яъни, тўловга қобил фирма ва компанияларда белгиланадиган чора тадбирлар, тўловга ноқобил, молиявий нобарқарор фирма ва компанияларда белгиланадиган чора тадбирлар кескин фарқ қилади. Улардан бири молиявий барқарорликни сақлаб қолишга ҳаракат қилса, иккинчиси муаммони ҳал этиш ва яшаб қолиш ҳаракатига тушади.

Тўловга ноқобииллик ёки кредитга лаёқатликни ўстиришни муҳим тадбирларига қуйидагилар киради.

1. Фирма ва компаниялар активлари ва пассивларини жойлаштиришни қайта кўриб чиқиш. Унинг мазмунини қандай тушуниш мумкин?

Фирма, компанияларда ликвид маблағларининг айланувчанлигини тезлаштириш мақсадида ортиқча айланма активларни ҳисобдан чиқариш, асосий ва номоддий активларни ишлаб чиқариш заруриятидан ортиғини айланма маблағлар қаторига олиш (уларни сотиш, бузиш, ҳисобдан чиқариш ва бошқа йўллар билан), дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини сўндириш (йўл қўйилган тартибларда), қисқа ва узок муддатли молиявий қўйилмаларни мақсадли жойлаштириш.

2. Тўлов маблағлари ва тўлов мажбуриятлари орасидаги нисбатдаги манфий ўзгарувчанлик сабабини молиявий ҳолатдаги тангликдан эмас, балки, ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг қуйи бўғинларидан излаш лозим. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни яхши йўлга қўйилмаслиги, ишлаб чиқариш харажатларини ошиб кетиши, нарх белгилаш сиёсатининг тўғри юритилмаслиги ва бошқалар.

3. Тўловга ноқобиллик шароитида маблағлар етишмовчилигини ҳал этиш юзасидан аввало, ички имкониятларни аниқлаб олиш ва уларни ишга солиш лозим. Ноқобиллик шароитида бошқа бир субъектдан қарз сўраш ва унинг ишончини оқлашни иқтисодий имконияти бўлмайди.

4. Фирма ва компанияларнинг ишлаб чиқариш бўғинларини, унинг балансида турувчи маданий оқартув ташкилотлари харажатларини камайтириш, қайта ташкил этиш лозим.

5. Фирма ва компанияларни пул маблағлари ва пулли эквивалентларни айланишида қатъий режа белгилаш ва унга амал этиш. Яъни, пул маблағларини қарз мажбуриятларига ишлатишни аниқ режасини тузиб олиш.

6. Маблағлар айланувчанлигидаги қуйидаги муаммони давлат томонидан ҳал этишни механизмини ишлаб чиқиш. Бу муаммони мазмунини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Яъни, ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўз харидорини топишга қадар кетган вақтни ўртача бир ой деб ҳисобласак, унинг юзасидан тўловларнинг амалга ошиш вақти 3 ой қилиб белгиланса (олди сотди муносабатларида иштирок этаётган корхоналарнинг деярли барчаси тўлов лаёқатига паст ҳолатда), товарни пулга айланиш вақти ўрта ҳисобда 4–5 ойга тўғри келмоқда. Бу албатта айланма маблағларни

айланишига нисбатан паст кўрсаткич. Буни тезлаштиришни иқтисодий асоси бўлгани ҳолда ҳуқуқий асоси йўқ. Яъни, натура шаклида тўлаш ёки ҳисоб-китобларнинг кредит шаклидан фойдаланиш, вексел операцияларини йўлга қўйиш, қарзларни ўзаро сўндириш каби масалалар. Бу операцияларни амалга ошириш ҳуқуқий жихатдан тўхтатилган. Нақ пул маблағларини ҳаракати масаласини ҳал этиш юзасидан улардан тўла четланиш тўғри эмас. Қарзларнинг асосий қисмини моли етказиб берувчилар, харидорлар ва бюджет ва бюджетдан ташқари қарзлар ташкил этган ҳолда нақд пул айланишини унинг билан боғланиши тўғри эмас.

7. Фирма ва компаниялар кредитга лаёқатлигини таъминлаш ва уни ўстиришда албатта уларнинг инвестицион активлигига ҳам аҳамият бериш лозим. Инвестицион активлик бу қарз олиш ва уни қайтаришдан кескин фарқ этади. Бунинг учун корхонадан иккита нарса талаб этилади ҳалос. Биринчиси; аниқ лойиҳа, иккинчиси; хомий. Аниқ лойиҳага эга бўлиш асосида ҳам инвестор ёки хомийни топиш қийин бўлмайди.

6.5. Кредитга лаёқатликни баҳолашни хориж тажрибалари ва уларнинг мувофиқли

Фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлигини баҳолашни хориж тажрибаларини ўрганиш асосида шуни изоҳлаш мумкинки, унинг

-услубий асосларида;

-ташкилий асосларида;

-ҳуқуқий, меъёрий асосларида сезиларли фарқларни сезиш мумкин.

Услубий асослари. Услубий асослари бўйича мазмун жиҳатдан бир хилдаги ёндашишни кўриш мумкин. Лекин фарқ этувчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан; тўловга қобилликни ўрганишда бизнинг амалиётда 3 та муҳим кўрсаткич аниқланади. Яъни; мутлақ оралик ва умумий тўлов лаёқати кўрсаткичлари. Лекин хориж амалиётида фирма, компанияни кредитга лаёқатлигига битта, умумий тўловга қобиллик кўрсаткичи натижаси асосида баҳо берилади. Пул ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар бир қаторга ва ўринга қўйилади. Қимматли қоғозларнинг айланиши пул маблағларининг айланишига нисбатан тез кечади. Товарлар ва захираларнинг айланувчанлиги мажбуриятлар айланувчанлигидан тез кечади ва ҳ.к.

Ташкилий асос. Кредит олиш ва бериш тартибида кредит муассасаларининг рақобатчилари ниҳоятда. Бу ҳолат кредит миқозлари учун кураш қонунига амал этилиши ва молия бозорини ривожланганлигидан далолат беради. Кредит ресурслари банд қилишдаги ҳар қандай тўсиқлар олиб ташланган. Кредит олувчи билан кредит олувчи ўртасида ёки қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасида ишонч, бир- бирини алдамаслик қарз муносабатлари, бизнес шиорига айланган. Кредит олувчи асосий талаб қилинадиган нарса унинг аниқ бизнес лойиҳаси ва гарови ҳисобланади. Бизда эса ўзгача. Аниқ бизнес лойиҳа ва гаровдан ташқари кўплаб шартларга бўйсиниш талаб этилади.

Ҳуқуқий асос. Фирма ва компанияларга кредит бериш ва уни қайтаришни меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш талаб этилади. Негаки, унинг бир тури тадбиркорлар ҳуқуқини қарз олувчини ҳуқуқини ҳимоя қилса, иккинчиси қарз берувчини ҳуқуқини ҳимоя этади. Бетарафлик қондасига амал этган ҳолда тугал қонунчилик механизмини яратиш лозим деб ўйлаймиз. Кредитни олиш ва қайтаришдаги турли тахликалардан ҳимоя этувчи захиралар фондиди ташкил этиш, қарздор ва қарз берувчини бир-бирини алдамаслик, хиёнат қилмасликни унинг юрагига сингдириш лозим.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Фирма тўлов лаёқатини баҳолашда нималарга аҳамият бериш лозим?
2. Фирма тўлов лаёқатини ўрганишда тўлов лаёқатини даражаси ва унинг меъёрий даражалари қандай тавсифланади?
3. Кредитга лаёқатликни, ишлаётган ва энди иш бошлаётган корхоналарда қандай йўл тутилади?
4. Фирма, компания кредитга лаёқатлигини баҳолашни қарз муносабатларининг барча турларига нисбатан бир хилда дейиш мумкинми?
5. Фирма ва компанияларда молиявий барқарорлик юқори бўлган ҳолатда, тўловга ноқобиллик кузатиладими?
6. Кредит ташкилотлари ва уларнинг корхоналардаги реал ҳолат билан танишуви мумкинми ёки молиявий ҳисобот маълумотларини таҳлил этиш қарор чиқаришга ётарлими?
7. Фирма ва компанияларда кредитни ўз вақтида қайтмаслиги қандай ҳал этилади?
8. Фирма, компаниялар кредитга лаёқатлигини баҳолашда хорижий тажрибаларни ўзига хос жихатлари мавжудми? Агар мавжуд бўлса улар нимада?

7-боб. Фирма ва компанияларда инвестицион фаолият таҳлили

Ўрганиладиган саволлар

- 7.1. Инвестициянинг мазмуни, моҳияти, турлари
- 7.2. Инвестицияларни молиявий таҳлил этишнинг мақсади ва унинг асосий жиҳатлари
- 7.3. Ички инвестициялар таҳлили
- 7.4 Ташқи (хорижий) инвестициялар таҳлили

Мавзу бўйича муаммоли саволлар

1. Иқтисодий ривожлантиришда инвестициялар, инвестицион лойиҳаларнинг роли
2. Молиявий таҳлилнинг асосий жиҳатлари ва инвестицион қарорлар қабул қилиш мезонлари
3. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил этишни хусусиятлари
4. Инвестицион лойиҳаларни дисконтлаш
5. Риск ва ноаниқлик шароитида инвестициялар таҳлили
6. Рақобатбардош инвестициялар таҳлили
7. Қарз олувчи молиявий таҳлили ва унинг мазмуни

Мавзу бўйича таянч иборалар; инвестициялар, инвестиция сиёсати, инвестицион фаолият, инвестиция шакллари, капитал қўйилмалар, инвестиция лойиҳаси, ички инвестиция, ташқи инвестиция, инвестицион қарорлар, қимматли қоғозлар, дисконт, инвестицион рисклар, таҳликалар, реинвестиция.

Адабиётлар рўйхати

(1, 3, 4, 8, 10, 13, 15, 16, 17, 27, 29, 31, 35, 39, 45, 51, 52, 54, 61, 62, 65, 66, 67, 68, 70, 72, 73,)

7.1. Инвестициянинг мазмуни, моҳияти ва турлари

Инвестиция сиёсати ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва тараққиётида муҳим йўналиш ҳисобланади. Унинг негизида моддий ва молиявий ресурсларни фойда олиш мақсадидаги ҳаракати ётади.

Инвестиция сўзининг ўриндош ибораси бизда олдин ҳам ишлатилган. Уни капитал қўйилмалар сифатида номлаганмиз. Капитал қўйилмалар деганда асосий фондларни вужудга келтириш, уларни таъмирлаш, қайта қуриш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш маъносида сарфлар тушуниланган. Бу ҳолат тўғри ҳисобланади. Негаки таъминотни марказлаштирилган ва режалаштирилган механизми амал этган шароитда, ягона давлат мулкчилиги шароитида унинг мазмуни тўғри ифодаланган.

Ана энди биз иккита муҳим нарсани ажратиб олишимизга тўғри келади. Биринчиси капитал қўйилмалар тушунчаси, иккинчиси инвестиция тушунчаси.

Инвестиция тушунчаси иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилинади.

Инвестиция-лотинча сўздан олинган бўлиб “капитал солиш”, “капитал қўйиш” деган маъноларни англатади.

У.Ф.Шарпнинг томонидан инвестиция тушунчасига қуйидагича таъриф берилади. “Инвестициялар- келгусида қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликлардан воз кечишдир”⁷³.

Иқтисодчи олим К.Эклунд фикрича “Инвестиция- бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир”⁷⁴

Бир гуруҳ олимлар томонидан “инвестициялар –келажакда даромад ва ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади”⁷⁵

Иқтисодчи олимлар Ҷозибеков Д. ва Қоралиев Т. лар томонидан инвестиция тушунчасига қуйидагича таъриф берилади. ”Инвестиция-даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан тақиқланмаган фаолиятларга жалб қилинадиган (сарфланадиган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар” деб _.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги қонунида инвестиция деганда “Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тушинилади.”⁷⁷

Юқоридагилар умумлаштириган ҳолда инвестиция тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Инвестиция- деганда инвесторлар (сармоядорлар) томонидан келажакда фойда олиш мақсадида барча турдаги; мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликларни муддатли банд этиш тушунилади.

⁷³ Шарп У.Ф. Инвестиции.Пер.с англ.М.; ИНФРА-М, 2000г.979 стр.

⁷⁴ Эклунд К. Эффективная экономика,М.; “Экономика”,1991, 96-бет.

⁷⁵ Кэмпбелл Р.Станли Л. Экономикс 2-том.М.;Республика 1992 г. 388 стр.

⁷⁶ Ҷозибеков Д., Қоралиев Т. “Инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш” Т.; Матбаачи,1993 й., 6-бет

⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг инвестицион фаолият тўғрисидаги қонуни, 1998 й., 24-декабр

Негаки Ҷозибеков Д. ва Қоралиев Т. лар томонидан берилган таърифдаги “ижтимоий самара”дорлик инвесторлар манфаатига мос тушмайди.

“Инвестицион фаолият тўғрисида”ги Қонунда ҳам инвестиция тушунчасига тўлиқ таъриф берилмаган. Негаки унинг объекти ва субъекти тўлиқ кўрсатилмаган муддатгача аҳамият берилмаган.

Инвестиция- эртанги кунда кўпроқ фойда ва самара олиш мақсадида банд қилинадиган, жойлаштириладиган қўйилмалардир.

Капитал қўйилмаларни инвестициялардан фаркига келсак ушбу тушунча фақат узок муддатли активларни жойлаштириш, таъмир этиш, кенгайтириш ва қайта ташкил этишга нисбатан ишлатилади.

Инвестицияни турларига келсак унинг ҳам турли шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин.

Инвестицилар пул маблағларини қўйилиши, акциялар, бошқа пул маблағларининг, пай улушларини, ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз мулк, авторлик ҳуқуқлари, нау-хаулар ва бошқа шаклларда маблағларни мақсадли жойлаштиришни характерлайди.

Таъсисчиларига кўра; давлат, ҳуқуқий ташкилотлар, жисмоний шахслар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари шакли бўйича; ички инвестиция; ташқи, хорижий инвестиция, моддий асослиги бўйича; моддий, реал инвестициялар, номоддий, интеллектуал инвестиция ва бошқа турларини ажратиш мумкин.

Инвестициялар ва улар самарадорлигига оид статистик манбаларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки 2002 йилда ялпи маҳсулот таркибида инвестицияларнинг салмоғи 2000,2001-йилга нисбатан камайиши кузатилган.

7.1.-жадвал

Ялпи маҳсулот таркибида инвестицияларнинг улуши ва капитал самарадорлиги

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
ЯИМ да инвестициялар улуши	22,9	26,8	19,3
ICOR (капитал самарадорлиги)	6,6	5,4	6,4

Иқтисодиётни давлат томонидан молиялаштириш йилдан йилга тушиб бормоқда. Давлат бюджет маблағларининг асосий қисми иқтисодиётни устувор йўналишларига сафарбар қилинмоқда (умумий маблағларнинг 95 фоизи).

7.2. Инвестицияларни молиявий таҳлил этишнинг мақсади ва унинг асосий жиҳатлари

Инвестициялар ва инвестицион лойиҳаларни молиявий таҳлили унинг самарадорлигини баҳолашда муҳим масала ҳисобланади. Молиявий таҳлил этиш асосида инвестицион лойиҳанинг оқланувчанлиги ва фойдалилиги аниқланади. Унинг харажатлари ва унинг самарадорлиги баҳоланади. Шунингдек, инвестицион лойиҳаларни тузиш ва уларни иқтисодий асослашда ҳам молиявий таҳлил муҳим роль ўйнайди.

Мавжуд лойиҳаларнинг самарадорлиги, оқланувчанлиги, ҳаётийлиги, таваккалчилиги юзасидан инвестицион ечимлар бериш мураккаб масала ҳисобланади. У албатта аниқ ҳисоб-китоблар ва уларнинг натижасига таянган ҳолда белгиланади. Шу сабабли молиявий таҳлилнинг инвестицион қарорлар қабул қилишдаги аҳамияти ниҳоятда юқори ҳисобланади.

Молиявий таҳлил этишда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг ЮНИДО усулбияти марказий ўринда туради.

ЮНИДО услуги бўйича молиявий таҳлилнинг муҳим жиҳатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

-Инвестицион қарорларнинг асосий мезонлари;

-қўйилмаларни баҳолаш ва лойиҳа қийматини аниқлаш;

лойиҳанинг ҳаётийлиги ва унинг босқичларини режалаштириш;

-тахликалар, ноаниқликлар ва бошқалар

Инвестицион лойиҳалар молиявий таҳлилининг мазмунини қуйидагилар ташкил этади;

-лойиҳалар ишончлигини таҳлил этиш;

-лойиҳалаштирилган инвестицион лойиҳанинг даромад ва харажатларини таҳлил этиш;

-соф кирим, чиқим, лойиҳаларнинг иқтисодий нафлиги, фойдалилиги, инвестицион фаолият самарадорлигини баҳолаш;

-инвестицион қарорлар қабул қилишда сармоялар нафлигини ҳимояланганлиги, тахликаларни таҳлил этиш.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш молиявий таҳлилнинг қийин ва мураккаб босқичи ҳисобланади. Одатда инвестицига йўналтирилган маблағларни баҳолашнинг икки усулини қайд этиш мумкин.

1.Реал активларни кутилган қиймати;

2.Реал активларни жорий қиймати.

Реал активларни кутилган қиймати қуйидаги ифода орқали топилади.

n

$$B_k = K_k(1+K)$$

Бунда;

B_k -кутилган қиймат ёки қўйилманинг бўлғуси қиймати;

Ққ-капиталнинг, қўйилманинг дастлабки қиймати;
К-инвестицияга йўналтирилган маблағнинг даромадлиги;
n-инвестицион муддат

Мисол; агар 1 миллион сўмлик капитал, 5 йил муддатга, йиллик 20 фоизли фойдалиқда банд қилинса унинг якуний, кутилган қиймати қуйидагича бўлади.

$$B_k = 1000000 \times (1 + 0.20)^2 = 1000000 \times 1.44 = 1440000 \text{ сўм}$$

Қўйилган инвестицион капиталнинг жорий қийматини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин.

$$B_k = K_k \times (1 + K)^n \text{ бундан}$$

$$K_k = B_k / (1 + K)^n = 1440000 / (1 + 0.20)^2 = 1000000 \text{ сўм}$$

Молиявий таҳлилни мақсади инвестицион қарорни қабул этишни барча саволномасига (иқтисодий нафлик, фойда кўриш, оқланиш, ҳаётийлик, тахликалар юзасидан) жавоблар топиш ва уни асослашдан иборат.

Инвестицион лойиҳалар таҳлилида харажатлар таҳлили марказий ўринда туради. Таҳлил этишда уларнинг қийматига, ўзгаришларига баҳо берилади. Инвестицион лойиҳалар бўйича харажатларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин;

1. Инвестиция олди харажатлари;
2. Инвестицион харажатлар;
3. Эксплатацион харажатлар.

Энг аввало, лойиҳани тайёрлаш ва йўлга қўйиш бўйича харажатлар ва уларнинг баҳоланишига аҳамият берилади. Бунда юзага чиқувчи харажатларни қуйидагича таркиблаш мумкин.

- қимматли қоғозлар эмиссияси бўйича дастлабки харажатлар;
- изланишни йўлга қўйиш бўйича харажатлар;
- қурилма ва ускуналарни янгилаш юзасидан харажатлар;
- ишлаб чиқаришни дастлабки синов босқичи харажатлари;
- ликвидацион харажатлар;
- бошқа харажатлар.

Иккинчи даврада юзага чиқувчи харажатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин;

- объектни танлаш, сотиб олиш ва тайёрлаш бўйича харажатлар;
- кўчмас мулк бўйича харажатлар;
- машина ва ускуналар бўйича харажатлар;
- номоддий фаолларни сотиб олиш бўйича харажатлар.

Учинчи давра-эксплуатацион харажатлар қаторига инвестицион лойиҳаларни йўлга қўйиш ва жорий активларни сотиб олишда юзага чиқувчи харажатлар киритилади.

Инвестицион лойиҳалар ҳаётийлигини баҳолаш, таҳлил этишда харажатлар ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга аҳамият берилади. Инвестицион харажатлар ва уларнинг ўзгаришлари қуйидаги харажат элементлари бўйича ўрганилади;

- завод харажатлари;
- маъмурий ва устама харажатлар;
- молиявий харажатлар;
- амортизация бўйича харажатлар.

Баҳолаш уларнинг ҳар бир туркуми бўйича олиб борилади ва бу билан лойиҳаларнинг ҳаётийлиги ҳамда оқланувчанлиги белгиланади.

7.3. Ички инвестициялар таҳлили

Капитал қўйилмаларни амалга ошириш, бошқа фирма, компаниялар акцияларини сотиб олиш, лизенцион ҳуқуқлар ва бошқа ҳолатлар бозор иқтисодиёти шароитида ҳар битта фирма ва компаниянинг муҳим фаолият йўналишларига айланиб бормоқда. Албатта фирма ва компаниялар ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш, уни қайта ташкил этиш, кенгайтириш, реконструкциялаш, ҳаракатчан ва ноҳаракатчан активларни жойлаштиришда ўз манбаларига таянган ҳолда иш кўрадилар. Зарурият туғилган ҳолларда қарз муносабатларини йўлга қўядилар.

Ички инвестициялар фирма ва компанияларнинг ўз ресурсларини фойда олиш мақсадидаги жойлаштиришини характерлайди.

Ички инвестиция манбаларига фирма ва компанияларнинг соф фойдаси, амортизация захиралари, эркин пул маблағлари киради, банк кредитлари ва қарз маблағлари, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари киради.

2000-2001 йилларда инвестицияларни манбалашдаги ҳолат куйидаги даражада бўлган.

7.2.-жадвал

Инвестицияни молиявий манбалашни ҳолати ҳақида маълумот

Кўрсаткичлар	2000	2001
Инвестиция ҳажми	100	100
Молиявий манбалашдаги ҳолати		
Республика бюджети	29,2	23,1
Корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобига	39,1	38,8
Ташқи инвесторлар маблағлари ҳисобига	23,2	29,3
Банк кредитлари ва қарз маблағлари ҳисобига	7,2	8,7
Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига	1,3	0,1

Ички инвестицияларни таҳлил этишда улар юзасидан тузилган лойиҳалар самарадорлиги, натижавийлигига, инвестицион харажатлар ва уларнинг молиявий манбалашнинг ҳолатига, инвестицион лойиҳаларнинг оқланиш муддати ва таҳлилкаларига баҳо берилади.

Фирма ва компанияларда ички инвестицияларни ташкил этишни муҳим йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин;

- асосий капитални шакллантиришга маблағларни қўйиш;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш ва бошқа корхоналар устав капиталда хиссали қатнашиш;
- капитал қўйилмаларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва реконструкциялаш;
- кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш;
- шўъба ва ассоциацияланган корхоналарда хиссали қатнашиш;
- хорижий фирма ва компаниялар фаолиятига маблағлар қўйиш ва банд этиш.

7.4. Ташқи (хорижий) инвестициялар таҳлили

Республикаимиз иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва ўрнини шу билан изоҳлаш мумкинки, уларнинг киритилиши ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этишни, техник янгилаш, маҳсулотлар сифатини ошириш ва уни жаҳон бозорига олиб чиқиш, иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштириш имконини беради.

Ташқи инвестиция юзасидан пухта қонунчилик тизимини яратилганлиги, Республикаимиздаги ижтимоий муҳитни яхшилиги, ундаги тинчлик ва осойишталик, арзон меҳнат ва моддий ресурсларнинг мавжудлиги, мамлакатимизнинг географик муҳим худудда жойлашганлиги хорижий инвестицияларни жалб этишга, қўшма корхоналарни кўплаб очилишига замин яратмоқда.

2003 йил 1-январ ҳолатига Республикаимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги 3400 дан ортиқ корхона мавжудлиги қайд этилган. Бу кўрсаткич 2000 йил билан таққослаганда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 3.5 баравардан зиёд ўсган.

Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

7.3.-жадвал

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг асосий _

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2002 йил 2000 йилга нисбатан ўсиши	2002 йил 2001 йилга нисбатан ўсиши
1.ХИИ корхоналар сони	3445	3301	3400	95,8	103
2.Улардан ҳисобот тақдим этганлари сони	524	1708	1861	354,5	109
3.ХИИ йил бошидаги устав фонди, млн долл.	1123,3	1437,4	1607,2	143,1	111,8
4.ХИИ корхоналарда экспорт ҳажми, млн дол.	451,6	416,9	442,9	98,9	106,3
5.ХИИ корхоналарда импорт ҳажми, млн дол.	760,5	937,2	705,1	92,7	75,2

⁷⁸ Давлат статистика Кумитасининг 2002 йил якуни бўйича маълумотномаси асосида тузилган

Чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳисобига амалда шаклланган жамғармаларнинг умумий миқдори 2003 йил бошида 1607.2 млн АКШ долларини ташкил қилди ёки 2000 йилга нисбатан 143.1 га ошган. ХИИ ларнинг асосий қисми 60 фоиздан ортиғи, технологиялар, жихозлар ва бошқа материал активларга тўғри келганлигини характерлаш мумкин. Қолган қисми пул маблағлари кўринишида жалб қилинган.

ХИИ корхоналарида банд бўлган ходимлар сони ўтган йилга нисбатан 22.8 фоизга ортган. 2002 йилда ХИИ корхоналар томонидан 1049,5 млрд долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу Республика Ялпи ички маҳсулотининг 14.7 фоизини ташкил этган. Энг йирик ишлаб чиқариш корхоналари мисолида “ЎздЭУавто”(машиналар), “Зарафшон_Ньмонт” (олтин), “Кабул-Ўзбек” ва ”ДЭУ текстил компани” (текстил маҳсулотлари), “Қизилқум-цемент” (цемент) корхоналари ажралиб туради.

2002 йилда Республика ташқи савдо оборотида ХИИ корхоналар улуши 21.4 фоизни ташкил қилди (2000 йил –19.5 фоизни ташкил этган эди).

ХИИ корхоналарда импорт ҳажми- 705.1 млн АКШ долларини ташкил этган, бу Республика жами импортининг 26 фоизини ташкил этади.

ХИИ корхоналарнинг товарлар экспорти ҳажмида асосий маҳсулотларни, пахта толаси (1,0), озиқ-овқатлар (4,1), кимё маҳсулотлари (2,1), энергия манбалари (2,9), рангли ва қора металллар (0,5), машина ва ускуналар (16,5), хизматлар (3,8), бошқалар (69,1) ташкил этган.¹

Республикаимиз бўйича ХИИ корхоналар экспортининг 90 фоизи Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларига тўғри келади.

ХИИ корхоналарнинг асосий таъсисчилари Жанубий Корея, АКШ, Буюк Британия, Туркия давлатларидир. ХИИ корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 4.2 фоизи Туркияга, 30.3 фоизи Жанубий Кореяга, тўғри келади.

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси-Ўзбекистон иқтисодиёти-2002 йил СИМС

ХИИ корхоналарнинг давлатлар бўйича

Инвестор давлатлар	Корхоналар сони		Маҳсулот ҳажми, фоизда	
	2000	2002	2000	2002
Жами, Ўзбекистон бўйича	527	1861	100	100
Буюк Британия-Ўзбекистон	36	77	9,9	5,9
Германия-Ўзбекистон	20	68	1,6	2,0
Германия	7	25	0,2	0,2
Исроил-Ўзбекистон	6	23	1,1	0,8
Италия-Ўзбекистон	11	24	0,9	0,4
Хитой-Ўзбекистон	12	42	0,1	0,6
Жанубий Корея	5	18	4,9	2,6
Жанубий Корея-Ўзбекистон	25	73	25,4	30,3
Россия-Ўзбекистон	204	237	2,0	2,4
АҚШ	15	57	1,8	0,5
АҚШ-Ўзбекистон	67	145	25,2	19,2
Туркия	13	44	0,7	1,1
Туркия-Ўзбекистон	44	160	6,5	4,2
Чехия Республикаси-Ўзбекистон	15	17	0,8	0,7
Швейцария-Ўзбекистон	12	38	2,4	1,2
Қолганлари	25	837	16,5	28,5

ХИИ корхоналарни самарали фаолият юритиши юзасидан асосий муаммолари қуйидагилардан иборат дейиш мумкин;

- ташқи савдони эркинлаштириш зарурияти;
- интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси;
- бозор инфратузилмаси тармоғини ривожлантириш;
- малакали кадрларни тайёрлаш масаласи;
- очиқ иқтисодий ҳудудни шакллантириш;
- солиқлар ва божхона қоидаларини қайта кўриб чиқиш масалалари ҳисобланади.

⁷⁹ Манба; Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси-Ўзбекистон иқтисодиёти-2002 йил СИМС

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Инвестиция тушунчаси ва унинг мазмунини очиб беринг?
2. Инвестицияни қандай шакллари мавжуд?
3. Инвестицияларни молиявий манбалашга қандай манбалар киради?
4. Инвестицион капитал дастлабки ва келгуси қийматлари қандай аниқланади?
5. Инвестицион лойиҳаларни молиявий таҳлил этиш мақсади ва вазифалари нимада?
6. Инвестицион лойиҳалар молиявий таҳлил этишнинг мазмунини тушунтириб беринг?
7. Лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш қандай амалга оширилади?

Адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». Т.; «Ўзбекистон» 1995.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т.; «Ўзбекистон» 1996.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.; «Ўзбекистон» 1996.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.; «Ўзбекистон» 1998.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари». Т.; «Ўзбекистон» 1997.
6. Каримов И.А. «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Т.; «Ўзбекистон» 1999.
7. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда». Т.; «Ўзбекистон» 1999.
8. Каримов И.А. «Иқтисодий эркинлаштириш – фаровонлик пойдевори». Т.; «Ўзбекистон овози» газетаси 2000 йил, 22-июль.
9. Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз». Т.; «Ўзбекистон» 2000.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. «Ўзбекистон овози» газетаси 1996 йил 17-сентябрь.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. «Ўзбекистон овози» газетаси 1996 йил 30-май.
12. Ўзбекистон Республикасининг инвестицион фаолият тўғрисидаги қонуни, 1998 й., 24-декабр
13. «Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шаклланиши» ҳақидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. 1999 йил, 5-феврал.
14. ЎзР. Молия вазирлиги «Молиявий ҳисоботни тузиш ва топшириш тартиби тўғрисидаги Низоми» 1997 йил 15-янв. 5-сон
15. Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари». Т.; «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси». 1999.
16. Абдуллаев Ғ.А., Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. «Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб». Т.; «Меҳнат» 2001.
17. Вахобов А. В., Ибрагимов А. Т. «Молиявий таҳлил». Т.; «Шарқ» 2002.

Қўшимча адабиётлар

18. Акрамов Э. Анализ финансового состояния предприятия. Т.: ГНИТИ, ГАНТ, РУз
19. Анализ прибыльности продукции. М.; «Дело» 1996.
20. Артеменко В.Г., Беландир М.В. «Финансовый анализ». Учебное пособие. М.; НГАЭиУ 1997.
21. Астахов В.П. «Анализ финансовой устойчивости фирмы (процедуры связанный с банкротством)». М.; «Финансы и статистика» 1996.

22. «Анализ финансовой отчетности предприятий при их инвестировании и кредитовании». М.; «Финансы и статистика» 2000.
23. Баканов М.И., Шеремет А.Д. «Теория экономического анализа». М.; «Финансы и статистика» 1999.
24. Бернстаин А.А. «Анализ финансовой отчетности». М.; «Финансы и статистика» 1996.
25. Бочарев В.В. «Управление денежным оборотом предприятий и корпораций». М.; «Финансы и статистика» 2001.
26. Бочарев В.В. «Финансовый анализ». Санкт-Петербург; «Питер» 2001.
27. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари». Т.; 1994.
28. «Бухгалтерский анализ». Перевод с английского. Киев 1998.
29. Вахрин П.И. «Финансовый анализ коммерческих и некоммерческих организациях». Учеб пособие. М.; «Издательство – книготорговых центр маркетинг» 2001.
30. Григорев Ю.А. «Учет, анализ и контроль внешнеэкономической деятельности и валютных операции». М.; «ПАИМС» 1998.
31. Ефимова О.В. «О составлении пояснительной записки к годовому отчету». Ж. «Бухгалтерский учет» №1. 1997.
32. Ефимова О.В. «Финансовый анализ». М.; «Бухгалтерский учет» 1996.
33. Ергешев Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Т.; «Молия» 2000.
34. Иброҳимов А.Т. «Молиявий таҳлил». Т.; «Меҳнат» 1995.
35. Ирвин Д. «Финансовый контроль». М.; «Финансы и статистика» 1998.
36. Кэмпбелл Р. Станли Л. Экономикс 2-том. М.; Республика 1992 г.
37. Ковалев В.В. «Финансовый анализ. Управление капиталом. Выбор инвестиции. Анализ отчетности». М.; «Финансы и статистика» 1995.
38. Ковалев В.В. «Методы оценки инвестиционных проектов». М.; «Финансы и статистика» 2001.
39. «Национальные стандарты бухгалтерского учета Республики Узбекистан». Ташкент «Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Узбекистан» 2002.
40. Пардаев М.Қ. Молиявий таҳлил методологияси. Сам. 1998
41. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. «Молиявий таҳлил». Т.; «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1999.
42. Пардаев М.Қ. «Иқтисодий таҳлил назарияси». Самарқанд; «Зарафшон» 2001.
43. Павлова Л.Н. «Финансовый менеджмент». М.; «ЮНИТИ-ДАНА» 2001.
44. Патров В.В., Ковалев В.В. Как читать баланс. М.: Финансы и статистика, 1993 г.
45. Раҳмонов Қ.Р. «Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш». Т.; 1996.
46. Роберт Н. Холт. «Основы финансового менеджмента». Перевод с английского. М.; 1995.
47. Рожнова О.В. «Финансовый учет: Теоретические основы, методологический аппарат». М.; «Экзамен» 2001.
48. Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия». И.П. «Финанс» 2001.

49. Сорокина О.Н. «Сравнительный анализ в основные приемы трансформации финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами». М.; «УМЦ» 2001.
50. Терехова В.А. «Международные и национальные стандарты бухгалтерского учета и отчетности». М.; Изд «Перспектива» 2000.
51. Томас П. Карлин, Алберт М.Маклинни «Анализ финансовых отчетов (на основе ГААР)» М.: ИНФРА-М 1998.
52. Тўлаходжаева М.М. «Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш». Т.; 1996.
53. «Финансовая отчетность. Реальная картина состояния бизнеса». М.; «Дело» 1996.
54. «Финансовый анализ деятельности фирмы». М.И. «Сервис» 1996.
55. Фридман Дж., Ордуэй Ник. «Анализ и оценка приносящей доход недвижимости». М.; «Дело» 1997.
56. Н.Хасанов, С.Нажмиддинов Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш(муаммолар ва уларни ҳал қилиш) Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 1999.
57. Харигери Ч., Фостгер Г. «Бухгалтерский учет: Управленческий аспект». М.; «Финансы и статистика» 1995.
58. Холдервик К. «Финансово-экономический анализ деятельности предприятия». М.; «Финансы и статистика» 1996.
59. Черкасов В.Е. «Практическое руководство по финансово – экономическим расчетам». М.; «Метаинформ» 1995.
60. Эклаунд К. Эффективная экономика, М.; “Экономика”, 1991.
61. Шеремет А.Д., Суиц В.П. «Аудит». М.; «ИНФРА» 1996.
62. Ҷозибеков Д., Қоралиев Т. “Инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш” Т.; Матбаачи, 1993 й., 6-бет
63. Ҷуломов С.С. «Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили». Т.; 1998.
64. Шарп У.Ф. Инвестиции. Пер. с англ. М.; ИНФРА-М, 2000г. 979 стр.
65. Robert D. Gatewood, Robert R. Taylor O.C. Ferrell Management /Comperhension, Analysis, and Application/ IRWIN, 1995
66. Joel G. Siegel, Jae K. SHim, David Minars Financial trouble – SHOOTER spotting & solving financial problems in your company Mc Graw - Hill, Inc. 1993.
67. David C. Colander. Economics IRWIN, 1993.
68. Donald H. Ph. G. William Glezen. Auditing: Integrated Concepts and Procedures sixth Edition. John Wiley & Sons, Inc., 1994.
69. I. Payl Peter, James H. Donnely. Marketing, Management. Knowledge and Skills. IRWIN 1995.
70. Operations Managtmtnt. Richard I. Schonberger, Edward M. Knood. IRWIN, 1994.
71. George J. Posner. Analyzing the Curriculum. Mc Graw - Hill, Ink 1992.
72. Larson, Miller. Financial accountign. IRWIN, 1992.
73. Introduction to Accounting: An Integrated Approach. P. Ainsworth, D. Danies, R. D. Plumlee, Cathy X. Larson Irwin, 1997.